

# ЁШЛАР НАСРИДА БАДИИЙ МЕЪЁР

Давр, замон ўзгаргани сайин инсон ҳам моҳиятан ўзгарди, оламга муносабати, ўзига нисбатан талабчанлиги янада теранлашди, тафаккур доираси янада кенгайди, жамият тафаккури шаклланди.

Ҳар бир бадиий мукамал асар миллий адабиётимизни умумжаҳон адабиёти мезонлари билан чоғиштиришга имкон беради. Миллий истиқлол даври ўзбек насрини ёшлар ижодисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ёшлар насрининг бадиий олами билан танишиш мақсадида “Ёшлик” журнаlining ўтган сонларини варақлаймиз.

Нигина Ниёзнинг “Сўнмас чўғ” ҳикоясини, Анвар Собиржоннинг “Юлдуз тўла осмон”, Муҳандиснинг “Бегона шаҳарнинг намозшомлари” қиссаларини, Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романини бир-бирига мазмунан, услубан, шаклан ўхшамаган наср намуналари сифатида илмий ва бадиий таҳлилга жалб этар эканмиз, ҳар қайси асар имкон даражасида бугунги ёшлар насрини намоян қилиши билан бирга ижод психологияси нақадар мураккаб, серқирра эканлигига амин бўламиз.

“Сўнмас чўғ” ҳикояси қандайдир бир самимияти билан одамни ўйлантириб қўяди. Ҳикоя қаҳрамони Лайло йиллар давомида бир-бири билан тортишиб, бахслашиб яшаётган ўзининг ботиний иккинчи Лайлоси таъсирида яшайди. Ёзувчи уларни китобхонга гўё кўзгудаги қаҳрамон акси сифатида тақдим этади. Аслида эса улар нисбий тушунча, бу қаҳрамоннинг ўзи унинг онги, унинг аслияти, унинг руҳи, унинг қалби. Бири гоҳо маънос, гоҳо мунис, Жавоҳир суйган Лайло, бири эса йиллар давомида ўзини худбинларча севувчи жаҳлдор Лайло. Шу иккала Лайло ягона реал қаҳрамон Лайлонинг тафаккурида бир умр тортишиб яшайди. Муниса Лайло Жавоҳирни севади, унга ёмонликни раво кўрмайди: **“Кўйинг, — унинг йўлини тўсди муллоим Лайло. — Худонинг хоҳиши шу экан, кўнгил ишига аралашиб нима қиласиз”**.

Ёзувчининг **“Аммо шу дам фикрлар ҳам “тирик” эканини ўйламасдим. Ахир, ҳамма нарса ниятдан бошланади, деб бежиз айтмаганлар**” деган хулосаси бизни ҳикоядаги воқеалар ривожига етаклайди. Бир Лайло Жавоҳирга яхшилик тиласа, иккинчиси ёмонлик. Биринчи Лайлони **“яъни яхшилик хоҳишини” иккинчи Лайло йўлдан “ойна парчасидай чил-чил синдириб”** олиб ташлайди. Қалбидан эзгулик сидириб ташланган Лайлонинг кўнглида фақат жаҳолат урчитгувчи иккинчи Лайло қолади. Ниятлар тирикчилигини ёзувчи гўё илоҳий даражага кўтаради. Ёмон ният амалга ошади.

Жавоҳирнинг оёғига кўзгу тушиб кетади. Аслида Жавоҳирнинг янги уйига Лайло кириб келмайди, балки унинг ёмон нияти кириб келади.

Ҳикоянинг эътиборли жиҳатларидан яна бири унинг якуний интиҳоси. **“Ириб оққан”** Жавоҳирни кўрган Лайлонинг кўнгли асло таскин топмайди. У энди ўз қусурларини теранроқ англайди: **“Ўша дамлари, қалбим илондай тўлғонган кезлари сукут сақлай билганимда эди... Ўзимиздаги беҳисоб Лайлолар эса биз билан бир умр бахслашса...”** каби кўнгил оғриқларидан Лайло инсон қилган гуноҳлари учун жазони ўзи олади ва бу жазони тайинлашга яратгувчидан ўзга қодир эмас, деган маънони англайди.

Нигина Ниёз “Сўнмас чўғ” ҳикоясида қаламга олган мавзунинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда ёзувчи ҳикояда қўллаган услуб моҳиятига эътиборни қаратмоқчимиз. Ёзувчи шунчаки, йўлига ўз қаҳрамонининг **“моддий етишмовчилик бўлди, болаларни ёлғиз боқишга қийналдим”** деган фикрларни айтиб ўтади. Демак, бу ҳикояда моҳиятан унчалик муҳим эмас. Муаммо бошқа томонда: маънавий юпунликда, қалб изтиробида, руҳий исканжада қолган онг талқинида, янгича реал ҳаёт, моддий дунё таъсирида эврилган онгида ҳаёт фалсафаси бадиий онг фалсафаси даражасига кўтарилганида. Бир-бирига зид таълимотлар (“онг бирламчи” ёхуд “моддий дунё бирламчи” каби тушунчалар) бир-бири билан айкаш-уйкаш бўлиб кетаяптими? Худди шундай. Демак, таълимотлар ҳам моҳиятан ўзгаряпти.

Ёзувчи тасвирлаётган манбадан ҳаёт фалсафаси келиб чиқмас экан у оддий натуралист. “Келдикетди” қабилидаги асарларни ҳаётнинг реал тасвири сифатида қабул қилиш даври ўтгани шу биргина ҳикоя тимсолида аён бўлмаяптими.

Инсон амалга оширмақчи бўлган ҳаракат ҳақидаги фикр биринчи навбатда онгда туғилади (ҳақиқатан ҳам бу ҳаракат ўйлаб амалга оширилган бўлса), сўнг эса инсон руҳиятини эгаллайди (Лайлонинг Жавоҳирдан ўч олиш нияти ва бу ният Лайло хоҳиш-иродасини эгаллаб олиши), онг ва руҳ “фикр” билан қуролланиб бўлгандан сўнг қалб тизгинланади. (**“Ириб оқанини кўрмасам рози эмасман”** — мудҳиш тилакнинг билдириши). Мудҳиш ниятнинг амалга ошишининг биринчи босқичи Лайлога ҳеч бир таскин бермайди. Ҳатто ёзувчи ёзганидек лоқайдлик ҳам, хотиржамлик ҳам эмас, ўзининг, ўз ички оламининг нақадар паст, тубанлигини англаш моҳияти, ўзининг нақадар тубанлаш-

ганлигининг сабаби эса кейинроқ аён бўлади: **“аёлнинг кўзлари осмондай кўм-кўк эди. Шу дам гўё ўзимни кўзгуда кўргандай бўлдим”**. Аёлдаги болаларга хос беғуборлик Лайлога ўз қусурларини тушунишига ёрдам беради. Нима учун Жавоҳир уни тарк этганини англайди. Сўнгсиз армон юрагини қоплайди.

Аёл келтирган хабар Лайло истагандек унга таскин бермайди. Жавоҳирга берилган жазода у ўзининг гуноҳини кўради.

“Сўнмас чўғ” ҳикоясини бадиий таҳлил қилар эканмиз, асарга хос бўлган хусусиятларни инкор этиш, унга хос бўлмаган жиҳатларни ёрлиқ каби ёпиштириш фикридан йироқмиз. Биз ҳикояни қандайдир бадиий мезонлар ўлчовида ҳам баҳолаганимиз йўқ. Ўзбек насри шу биргина ҳикоя тимсолида ХХ асрга янги эпкин олиб кираётганини, бу қандайдир қонуниятлардан ҳоли санъат руҳи эканлигини айтмоқчимиз, холос. Бу руҳда биз ҳали аниқлаб айтиб улгурмаган эстетик мезонлар уйғунлиги борки, бу янги ўзбек ёшлар насри янгилиниш, тикланиш, Уйғониб даврини ўз бошидан кечириётганини англайди.

Таҳлилни ҳикоядан қиссага йўналтирар эканмиз, бу мантиқий боғланиш ва юксалиш моҳиятини қай даражада эканлигини айтиш мулоҳазаси ўзимизни ҳам ўйлантираётгани сир эмас.

Таҳлилга жалб қилинаётган икки асар А.Собиржоннинг “Юлдуз тўла осмон” ва Муҳандиснинг “Бегона шахарнинг намозшомлари” қиссалари. Биринчи қиссада олис ўтмиш воқеалари қаламга олинса, иккинчисида бугунги кунимиз, янги ўзбеклар мавзуси бадиий талқин қилинган.

“Юлдуз тўла осмон” қиссасининг бош қаҳрамони Дилмурод. Қарз эвазига ер-сувидан айрилган йигит шахарда Юнусбойга хизматга ёлланишга мажбур бўлади. Қисса билан танишар эканмиз, Дилмуроднинг тўғри сўзлиги, камбағал ночорлиги, яхши кунларга умид илинжида бойнинг барча шартларига кўниши, ҳатто муҳаббат можаросида унинг бошига тушадиган синовлар истамаган ҳолимизда ҳам Ойбекнинг “Қутлуғ қон” романининг бош қаҳрамони Йўлчини хаёлимизга тушира беради. “Юлдуз тўла осмон” қиссаси анъанавий қиссанавислик йўлида ёзилгани учун ҳам анъанавий таҳлил услубига мурожаат қиламиз.

Қисса мазмунидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, асардаги барча воқеалар Дилмуроднинг Юнусбойнинг қизи Ойсулугга кўнгили кўйиши ва унинг васлига етишиши арафасида кечади.

Қисса сюжетида олиб кирилган воқеалар (қарздор Дилмуроднинг қозихонага олиб келиниши, Юнусбой хизматида кириши, бойни қароқчилар кўлидан озод қилиши, бойнинг бебурдлиги оқибатида Дилмуроднинг зиндонбанд қилиниши ва унинг қароқчилар томонида озод қилиниши, Ойсулунинг ўғирлаб кетилиши, қароқчилар ва навкарлар ўртасида жанг, Дилмуроднинг бойнинг қароли Жафъаралини ўз уйига олиб келиши) ёзувчи томонидан айланма қурилиш услубида жойлаштирилган бўлиб, Дилмурод томонидан Ойсулунинг ўғирлаб олиб кетилиши билан қисса бошланади. Ёзувчининг ушбу услубга мурожаат қилишидан мақсад битта — асар асосига кўйилган зиддият (конфликт)ни кучайтириш ва қиссанинг ўқишлилик даражасини ошириш. Қизнинг номаълум отиқлар томонидан ўғирлаб кетилиши ва қолган воқеалар эса мантиқий тизимда

жойлаштирилиши китобхоннинг қиссага бўлган қизиқишини бир мунча орттирса-да, услуб сифатида ўзини оқламайди, негаки, ушбу эпизод айнан шу қисса қаҳрамонларига тааллуқли бўлиб, бир вақтнинг ўзида қиссани мутолаа қилиш давомида англаймизки, таҳлилнинг энг юқори нуқтаси айнан шу қиз ўғирлаш эпизоди ҳисобланади, аммо кейинги воқеалар ривожидида шу эпизод билан мантиқий узвийлик етишмайди.

Қисса анча силлиқ, равон тилда ёзилган, аммо хотирангизда бирон ҳолат ёки бирон образ муҳрланиб қолмайди, негаки, яратилишидан олдин ёзувчи хаёлида шаклланиб улгурган бадиий тўқима чегараси бунга йўл қўймайди. Йигит ва қиз бир-бирининг васлига етиши, тинч, осуда ҳаётга эришиши, ёмонлар эса ўз жазосини олиши керак. Қиссадан келиб чиқадиган маъно шу. Аммо қиссада шундай бир эпизод борки, бу қиссадаги зиддиятлар кучайишини таъминлайдиган ва қиссадаги воқеалар ривожини ўз тизимига бўйсундирадиган эпизоддир. Бу Қилич қора сўзлаб берган чавақлаб ташланган ўғли ва ўз жонига қасд қилган аёл фожиаси, мана нима учун Қилич қора “ёвузлик” йўлини танади, мана ким сабаб Дилмурод ниятига эришди.

Қиссага дахлдор бўлган “оловли” нуқталарни биз четдан изламадик ва ўзимизча ўйлаб чиқармадик, фақат ёзувчи ўзи олиб кирган, аммо назаридан четда қолган тафсилотни эслатдик, холос.

Биз таҳлилга тортаётган иккинчи асар Муҳандиснинг “Бегона шахарнинг намозшомлари” қиссасидир. Қиссанинг бадиийлик савиясини таъминлайдиган хусусиятлардан бири — қиссанинг икки овозлилик асосида қурилгани бўлиб, бу икки овозлик қисса қаҳрамони Муродилланинг ички диалогидир. Ёзувчи қиссага олиб кирган мавзу “янги ўзбеклар” талқини. Қиссани мазмунан ижтимоий-маиший ёки психологик-фалсафий деб ҳам аташ мумкин, ҳатто детектив-авантюра услубларига ҳам қисман мурожаат этилган. Демак, қисса бир ёқламалик даражасидан йироқ.

Ёзувчи қўллаган услубнинг аҳамиятли томони шундаки, таҳлил Муродилла томонидан олиб борилади. Аслида Муродилла ҳам ёзувчи асарга олиб кирган ғоя талқини учун хизмат қиладиган образ бўлса ҳам, ёзувчи ўзини четга олади, қиссадаги воқеалар тизимини бошқарши жиловини Муродилла қўлига тутлади. Демак, образ сифатида Муродилла ёзувчи бадиий тўқимасининг маҳсули бўлса ҳам, унинг ички психологик таҳлили, дунёқараши, одамларга бўлган муносабатида ёзувчи муносабатини эмас, қаҳрамон дунёқарашини англаймиз, қаҳрамон ўй-хаёли, фикри сифатида қабул қиламиз.

Қаҳрамон онгида шахсий худбинлиги оқибатида ниш урган бахиллик, кўролмаслик иллати унинг ҳарактерини шакллантирувчи омилга айланади. Қаҳрамон ҳарактерининг мураккаб томони шундаки, у Алишернинг ҳаёт тарзида йўл қўйган хатолари ва қилган гуноҳлари жавобсиз қолганини кўради. Фақат асарнинг якунидагина Муродилла амалга оширган қабиҳлик аслида Алишернинг манман худбинлигидан келиб чиқганини англаймиз. Зотан Муродилла бир буйраги йўқ Мусурмонни эсласада, Мусурмон учун бирон эзгулик қилганини кўрмаймиз. Ўзининг хатти-ҳаракатларини айнан бемор йигит хотираси билан хаспўшлаши эса унинг асл башарасини кўриш учун монелик қилмайди.





Шаҳар манзараларини тасвирлашда, инсон руҳий ҳолатининг чизгиларини яратишда анча муваффақиятга эришган ёзувчи характер яратишда баъзан ишончсизликка йўл қўяди.

Бир мақола имконияти даражасида таҳлилни ҳикоядан қиссага, қиссадан роман жанрига йўналтирар эканмиз, эътиборимизни Тўхтамурод Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романига қаратамиз.

“Капалаклар ўйини” романи мутоласи жараёнидаёқ ноанъанавий мураккаб талқин услуби намоён бўла боради.

Эътироф этган ҳолда айтишимиз мумкин-ки, бугунги ўзбек китобхонининг ўқишлилик даражаси кўпроқ оммавий адабиёт билан белгиланар экан, мураккаб модерн талқин услуби қийинчилик билан қабул қилинади, ёки аксинча қабул қилинмайди. Ушбу мулоҳазамизни “Капалаклар ўйини” романига нисбатан ҳам билдириш мумкин.

Модерн романининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, китобхон талқинга жалб этилган манбадан (воқеа тасвири, инсон тақдири ва ҳ.к.) четда кузатувчи бўлиб тура олмайди, беихтиёр роман ҳаётига синггиб кетади. Шунингдек, қахрамон онгида кечаётган эврилишлар бетизгинлиги роман стилистикасида узундан узоқ чўзилган таҳлил-абзац билан ифодаланади. Ҳатто бир абзац бир неча саҳифани эгаллаши ҳам мумкин. Бундай стилистик баён услуби “Капалаклар ўйини”га ҳам хосдир.

“Капалаклар ўйини” бош қахрамони Бадал Армон онгида рўй бераётган эвришлар таъсирида “катарсис ҳолати” кузатилади. Маълумки, “катарсис” Арасту таълимотида “покланиш” маъносида қўлланган. Мана шу катарсис-покланиш мантиқи модерн роман қахрамонлари ўзлари покланишга хосдир. Шу сабабдан ҳам “катарсис” модерн романи услубининг шакллантирувчи асосий бадий компонент сифатида юзага келади.

“Капалаклар ўйини” романида воқеа-ҳодисалар талқини ғарб модерн романларига баъзи бадий услубий жиҳатлари билан яқин турса, воқеликка муносабатда ўзбек анъанавий романларига яқин туради. Бирон тизимга асосланмаган модерн роман тузилиши “сюжетсиз” ҳолатда оптик асбоб кўринишидаги тасвирдек таассурот уйғотса, Т.Рустам романга жалб қилган воқеалар назаримизда сувга томиб ёйилиб кетган сиёҳ тасвирини эслатади. Бу ҳол асло “Капалаклар ўйини” романини модерн роман поэтикаси моҳиятидан келиб чиқиб таҳлил қилишга монелик қилмайди, шу билан бирга ҳар бир романга хос индивидуалликни ҳам таъминлайди.

Шунингдек, роман қахрамони Бадал Армон онгида кечаётган хотиралар тизими қахрамонни гўё ҳар хил ҳолатлар, ҳар хил кайфиятда ҳам тушунишимизга ёрдам беради. Модерн роман қахрамони бошидан ўтказадиган катарсис-покланиш Бадал Армон руҳиятида ҳам юз беради. Қахрамон онгининг эврилишларида намоён бўлган дўсти Сардорнинг ўлимида айбдорлик ҳисси Бадал Армон руҳан азоблайди, Сардорнинг фожеасини таҳлил қилар экан, ўзини оқлаш учун ваз-карсон изламайди, балким унинг ўзи айбловни ўзига қўяди. Сардор бор-йўғи ҳужжатсиз машина ҳайдашда айбланиши ва муқаррар жазога ҳукм қилинди. Аммо Сардори фожеага олиб келган сабаб ва моҳият ҳеч

ким томонидан ўрганилмайди, шу билан бирга ҳеч ким жазоланмайди. Бадалнинг айблови жиноят қай кўринишда бўлмасин жазосини олиши шарт деган мантиқни келтириб чиқаради.

Романдаги воқеалар талқини тизимида мутолаа жараёнида узвийлик йўқдай туюлади, аммо ўқиш жараёни қийин кечган роман тафсилотлари ҳаёлингизни чулғаб олади. Бадал Армон руҳий изтироблари китобхонни таъқиб эта бошлайди. Романда бир яқдил гоё талқини эмас, гоёлар тизими мавжуд, аммо Бадал Армон хотираси чигирғида таҳлил этилаётган воқеалар бари бир тугунда бирлашади-ку, деган мулоҳаза тарқ этмайди. Романга олиб кирилган, таҳлил этилаётган воқелик замирида қандайдир фожеа ётади. Ҳатто Бадалнинг отаси ҳам, онаси ҳам кўнгли бошқада бўлиб юриб, болалар (Ғолиб ва Бадал — З.П) улғайишганида туғилган ўсган болалар ҳаётида, ҳаёлида рўй бераётган фожеалар сабаби анан шу муҳит таъсири эмасми.

Афғонистон фожеаси Кўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғиси”да, Ў.Ҳошимовнинг “Тушда кечган умрлари”да турли хил инсон ҳаёти, ўтмиши, ҳозир, келажакки фожеасида талқин этилса, “Капалаклар ўйини”да афғон фожеаси бошқа усулда талқин этилади: Кескир, шиддаткор, биз сўзли қатъиятли Ғолиб “фарзандсизлик” оқибатида муте бир шахсга айланади.

Бадал Армоннинг хотиралари, уларнинг таҳлили баёнида ҳар сафар муқаррар бир воқеа тафсири келиб чиқади. Гўё эгасиз, сўровчиси йўқ Бадал “ғарбона” ҳаёт тарзи кечирishi-ю ўзбек қизларининг “тунги капалаклар”га айланиши замирида аччиқ реал ҳақиқат ётади.

Модерн йўналишида яратилган Т.Рустамнинг “Капалаклар ўйини” романини таҳлил этар эканмиз, модерн романининг манбаси ҳам аслида реал ҳаёт эканлигини англаймиз, ҳаётнинг фалсафий мушоҳадасига асосланган полифоник кўп овозлик моҳиятини психологик таҳлил меъёрига етказилади.

Тўғри, “Капалаклар ўйини” романи поэтикасида бир мунча мавҳум ғализликлар мавжуд. Романда мантиқий таҳлил баъзан “модерн” йўналишига таассуб билан алмашинади. Нокерак такрорлар роман моҳиятига фақат салбий таъсир кўрсатади, холос. Модерн талқин услубига хос “бир бадий нафас олишлик” абзацларда ёзувчи “нафаси” етмаётгани, абзац давомийлиги зўраки бўлаётгани сезилади.

“Капалаклар ўйини” романининг асл моҳияти шундаки, айнан шу роман орқали ўзбек романчилиги ноанъанавий жанр йўналишида модерн талқин услубига бир мунча яқинлашган. Бу эса, табиийки, роман жанри тараққиётидаги ранг-баранглиликни таъминлайди.

Янги адабий мезонлар таъсирида шаклланаётган янги ўзбек насри хусусида сўз юритар эканмиз, модерн романи қахрамонларига хос катарсис бугунги кунда ўзбек наср бадий оламида ҳам кечаётганига амин бўламиз.

**Зулфия ПАРДАЕВА,**  
Ўзбекистон Фанлар Академияси,  
Алишер Навоий номидаги тил ва  
Адабиёт институти докторанти.

Гўзал БЕГИМ

юлдуз хурсиниғи гул қичқириги  
кўзининг ичида кўзи бор

У баъзан кўғирчоқ мисоли  
ўтиргиси келар тахмон устига  
болалар ясаган қорбобо каби  
қишни тўхтатгиси келар бир лаҳза

Кўзимнинг ёнидан  
ҳар кун ўтиб кетар у қиз қайгадир  
тўлқинланиб кетар мовий эртаклар

2000 й.

\* \* \*

Нега йўлингизда гулламайман мен  
қўлингизда очилаверар  
одмигина кундалик гуллар



# МЕН СЕВМОҚ ИСТАЙМАН

## Денгиз товушида...

ёки

Ёки чумчуқ овозига монанд бир фасл  
ёки томчидаги учқур ҳаракат  
ёки ёмғирга тушаётган аёлнинг акси  
ёки учиб кетаётган сўзлар

Ёки сув  
ёки сувдаги жароҳат  
ёки сувга чўкиб кетган туйғулар  
ёки денгизнинг денгиз ҳақидаги ўйи  
ёки бармоқ изи қул остидаги

Ёки сабо  
ёки сабонинг енгил кулгуси  
ёки қоғоз қавиётган бир қавм  
ёки кўрпа остидаги иссиқ фикрлар  
ёки изтиробнинг мия пўстлоғи

Ёки қуёш  
ёки қуёш олдидаги мавҳум табассум  
ёки эшигимнинг қалин товуши  
ёки томчи бўйлаб чопаётганлар  
ёки ҳаводаги қўл ишораси

\* \* \*

Кўзимнинг ёнида ухлаб ётибди  
сочлари оқариб туғилган бир қиз  
унинг уйқусига йиғи тирмашар  
қор учқунлар кўзида мудом

Кўзининг ичида мусофир ранглар  
кўзининг ичида бош узилган дор

юрагингиз ёнидан ўтаркан  
уйғониб кетмайди нега кўнглингиз

гуллар саралайсиз  
нега қўлингизда гулламайман мен  
нега бу бошимни силкисам  
савол ёғилади қўлимга

чангиб ётар бир бўлак жоним  
бу синиқ руҳимни чалганча  
айтинг сизни уйғотдим нега

1999 й.

\* \* \*

Япроқнинг томири уриб турибди  
менинг кулгум келар жуда ҳам  
япроқ жимлигига соямни ташлаб

Овуггим келади ўз бошимни мен  
дарахтга суяниб турган қўлкамга  
сен дарахт эмассан дегим келади

Кейин бармоғимнинг хўрсиниғида  
лабларинг изини сақламоқ учун  
қадимий сас келар тирноқларимдан

Менинг кулгум келар жуда ҳам  
самонинг кўксига  
сочларимнинг соясин ташлаб

2001 й.





\* \* \*

Халал берма менга олча гули  
оёгингни судраб олма вақт  
ахир мен шу тахлит яшамоқчиман

Халал берма менга олча гули  
юрагимни бешикка белаб  
кўзларимдан хатлаб ўтар бахт

Халал берма менга олча гули  
итузумнинг меваларига  
кўнгил қўйиб жаранглаб кетсам

Халал берма менга олча гули  
кўйлагимни қуритаётиб  
қўлим тегиб кетса қуёшга

Халал берма менга олча гули  
кишан солма сойнинг қўлига  
кўзларимни қўкка узатиб  
мен шу тахлит яшамоқчиман

\* \* \*

Ёмғир ёғса сенга яқин бўламан  
томчи ҳаяжони ҳамда кўзларинг  
узайтириб турар умримни

Соябон остида учрашдим сен-ла  
тасвир орқасида шитирлаб секин  
ёмғирнинг сувратин ушладим

Гулнинг ифорига термулдим  
оламдаги жаъми жамликка  
сенга қарагандай қарадим бу кеч

2001 й.

2000 й.

### Кузга бораяётган одам

1

Мен сенга етишга бораётган одам  
вақтнинг устидаги қорларни кураб  
йўл сўраб турибман йўлимда  
қизлик уйим кузнинг титроғи  
Кетяпман  
Товонимнинг ёригин ёриб  
кетяпман  
илдизиди чатнайди руҳим  
яшил денгиз устида чайлам  
урилиб кетади куз ифорига

2

Ёздан қувилган майса  
кўзларимга қарар ботинмай  
аллақандай қушнинг  
қадар кундаги ним табассуми  
кўзимдан кўзимга қазийди қабр

3

Йўл йўлга бошлади  
фарқимни тўғрилаб  
титроғимни денгизга отдим  
Ортиқ бу фижирлаш  
ортиқ бу ғўнғиллаш  
ортиқ бу увиллаш  
кипригимдан ўтмас мен сари

4

Шапалоқ тортади соямга мезон  
ёмғир ёғар унинг устига  
ва ниҳоят нам тутунлардан  
соямнинг кўзлари ачишиб кетар

Майдагина қумурсқа  
аввал сувратимга  
сўнг соямга тишин уради  
енгилгина қулсам  
кулгумдан семира бошлар  
чу-мо-ли

5

Денгиз бўйлаб чопар бир япроқ  
кулгусида қиш ухляпти  
табассуми оғир чайқалар  
Денгиз бўйлаб чопар бир япроқ  
ҳижронимдан таҳорат олиб  
дил тоғининг этакларида  
кузга кетиб борар  
бир Одам

2000 й.

### ЎТГАН КУНЛАРГА АТАЛГАН ШЕЪРЛАР

1 Онамнинг кўлларига  
келар эди ҳар йили баҳор  
Баҳор бу йил қайдан бошланасан айт

2 Деразамни ҳар кун очиб қўяман  
бир парча булутни  
ўчоққа ташлайман барибир

3 Онамнинг болалиги  
деразамни чертган вақтида  
қарадим кўзимдан ташқарига мен

4 Болалигим кечган соҳилда  
хотирамни ювдим кун бўйи  
Идилнинг паришон сувлари билан

5 Япроқлардан  
баҳор келмадими дея сўрасам  
лабимда кўз очар булоқлар

6 Энди мени ҳеч ким  
шафтоли гулига бошлаб бормайди  
Онамнинг кўзи билан

7 Онамнинг елкалари оша  
қарагандим тунги осмонга  
титраб кетди чексизлик

8 Ойнинг ўн беши қоронғу  
дейди Онам сирли жилмайиб  
ботаётган кўнглим ичинда

9.Қамишзор ёнида  
хассага суяндик онам иккимиз  
жим ютиниб боқди булутлар

10. Онамнинг кўзларидан  
келар эди бинафша ҳиди  
тикилганда ён атрофига

11. Қудуқнинг тубида  
онамнинг тушлари ялтиллаб кетар  
яхшиликка бўлсин дейди дарахтлар

12. Онам тутган игна учида  
бирлашади қум зарралари  
чиганоқлар куйлайди сассиз

13. Кун кўрмаган Онам сочини  
силкитаркан бойчечак ёди  
хотирасин титдим шамолнинг

14. Денгизнинг тубида  
кўринганда Онамнинг қизи  
ёғду қулаб кетди кўзимдан

15. Уйғонади қўлларим ҳар тун  
хат йўллайман она тупроққа  
Онам менинг соғ-омонми

16. Олис тонг ортида  
Онам юзин чаюди тошга  
ёнимда оқ қилинган қувончлар

17. Чирилдоқнинг оқиш ноласи  
сайр этганда мунгли чайқалиб  
гул ҳидини босдим кўзимга

18. Онам умр бўйи ибодат қилди  
соғинч тўла кўзини  
қадаб ётганича осмонга

19. Синиб ётган дарахт шохини  
кўтарсам  
Онамнинг нигоҳи тегди кўлимга

20. Девордаги сой сувратига  
Онаммасми дея қарасам  
шарқирайди сувнинг сояси

21. Шабнамнинг хаёлини  
овутаркан бойчечак ёди  
араванинг изи хўрсинди

22. Олча гули тўкилган кунда  
одимлайди ёшлигим  
Онамнинг кулгуси осилиб турар

23. Ҳовлимизнинг бир чеккасида  
Онам тонгни ямаб ўтирар  
қалтирайди қорачиқларим

24. Кучли аёл эди Онамнинг изи  
ҳатто тонглар  
ҳайиқади уни босишга

25. Кўзиқорин ҳасрати  
куйлаб ўтди бир умр  
кўнгли ажин кўрмаган Онам

26. Онамнинг кўйлагига  
бола очар эди ҳар куни қайғу  
ечинарди тонг

27. Зулматни пайпаслайман  
Онам табассумини  
ҳидлайман ойда

28. Онам ўқимаган китобнинг  
бетларини очқилаб бир-бир  
қайтиб кетди тонгги шабада

29. Йўнғичқа орасига  
бекинганди гул ҳиди  
Онамнинг алласи эшитилди

30. Мен севмоқ истайман  
денгиз товушида Онамни  
дунёдан ўтмай

31. Тасаввурим чайқалди сокин  
бирор япроқ шивирламади  
куз келади деб

32. Онамнинг қўлларини  
тутсам эшитилди бирдан  
дарёнинг шовуллаши

33. Ялпиз ҳиди поездга чиқиб  
кешиб қолди олис юртларга  
баҳор кунда

34. Эгилмаган гулнинг ҳидлари  
пайпаслайди тунги хонамни  
Онам рўмол тўқийди Ойга

35. Юрагимда энг оғир гулни  
тутқазганда Онам кўлига  
бирлашади сув синиқлари

36. Умр бўйи уй қурди Онам  
мажруҳ умидларни  
кўтариб

37. Онамнинг тароғидан  
тўкилганда олма гуллари  
Онам кўй йиғлама деди дарахтга

38. Ҳеч ким билмайдиган сўқмоқдан  
кетар эдик Онам иккимиз  
изимиздан чопди булутлар

39. Япроқларда  
мавжланаркан улкан бир денгиз  
Онам борми дея қарайман

40. Кўзимдаги учқур азобга  
тасалли бераман ғудраниб  
Онам олис тонгни олиб қайтади



2001 й.





Исмоил ШОМУРОДОВ



# ИККИ ИВКУВАР

Қисса\*



\*Журнал варианты

Зиёд ака билан бирга ишлаётганимга унча кўп бўлмаган йўқ. Шунга қарамай, ўтган қисқа вақт ичида у киши кўз ўнгимда кал бўлиб бормоқда.

Зиёд ака менинг бақрайиб қолганимдан сал ҳадик-ландими, у ёқ-бу ёғига қараб олдию, шубҳали нарсани кўрмагандан кейин кўзларимнинг олдида қўллари-ни силкитди:

— Ҳей, ухлаб қолдингми, нима бало? Ёш бола шундай қотиб қолса, меҳмон келади, дегич эди бизнинг қариялар. Шу ўтиришингда битта-яримтани чақириб ўтирма яна.

— Кўзим очиқ-ку, — унинг тузсиз саволидан ҳайрон бўлиб, кўзларимни олайтирдим. — Ким айтади сизни опер, деб. Тузукроқ савол беришни ҳам билмайсиз. Умуман олганда, сочингиз нега бундай тўкилиб кетаяпти?

Зиёд ака мавзунинг бу тарзда чаппа айланиб кетишини сира кутмаганди. Беихтиёр панжаларини тарок қилиб, сочларини таради. Мен эса ич ичимда шу ишни бекор қилди, ҳозир қолган сочлар ҳам кўлига илашиб, юлиниб кетади, деган хавотирга тушдим.

— Аҳмоқ сочлар, ақлли бошни тарк этаяпти, — дея Устоз эски гапни қилди.

— Тескаримасмикин, деган хаёлга ҳам бориб қолади киши, — дедим мен тиржайиб.

— Ҳаммаси шампундан бўлса керак, — деди Устоз жиддий. — Эроннинг олма ҳиди келиб турадиган шампуну билан юваётгандим. Ўзимнинг ҳам назаримда кўп тўкилаётгандай туюлганди... Сезиларлими?

— Бу нима деганингиз? Сезиларлими? Кўзни қамаштириб юбораяптику, саволингиз қизиқ. Айтишларига қараганда Москвада орқадаги сочларни олиб, пешонага ўтқазишаётганмиш. Яқинда бизгям келиб қолса керак. Бу ишдан яхшигина пул ишлаб олиш мумкин, чунки бизда сизга ўхшаганлар жуда кўп. Тем более,

халқимизда каллик масхара ҳисобланади... Биласизми, бизда калларга песга қарагандай муомала қилишади? Ўзиям бўлмаган нарса-да, бошнинг ятираб юриши... Ёқимсиз.

Тилимнинг ёмонлигидан ҳар доим азият чекиб юраман. Ўйламай гапириб юбораман-да. Бўлмаса ҳозирги ниятим жуда холис эди. – Устозни кўнглига тасалли бермоқчидим. Бироқ ҳар доимгидай тескариси бўлиб чиқди. Охирги айтган гапларим унга чаён чақандай таъсир қилди. Бир-икки сония нима дейишни билмай калавланиб турди. Уришмоқчи бўлса, ёпишмайди, чунки мен бу гапни шунчалар мулоим ва у кишига ачинаётгандек оҳангда айтгандимки, ниятим аслида нима эканини тушунолмай ҳам қолди.

- Жа унчалик эмас, - деди Зиёд ака ниҳоят бироз ўйлашиб тургандан кейин. – Кўпинча каллик ақллиликни белгилайди. Кўп ўқиган, кўп билган кишининг бошидаги сочлари тўкилиб кетади. Аҳмоқларнинг бошида жун кўп бўлади, деб эшитгандим бир машойиҳдан.

Унинг бу тарзда, безбетларча фикр юритиши менга сира ёқмади. Агар бу ёғини сўраб келадиган бўлсангиз, мен гирт аҳмоқ эканман-да? Унинг гапидан шундай хулосага келиш мумкин. Чунки сочим жуда қуюқ. Ҳатто тараб ҳам бўлмайди, ҳала-хула тороқлар икки-уч кун ичида тишлари тўкилиб, синиб кетаверади. Бу одам жуда узоқни кўзлаб, тагидан олиб гапирди. Бу билан менинг шаънимга тил теккизмоччи, чамаси. Мен ҳам зўр бериб қогоз титкилаётгандай кўринишимга қарамай, хаёлан Устозга кучли зарба бериш учун калламнинг пучмоқларини қовлаштириб, чиройли гап қидира бошладим.

Устоз эса бироз нафасини ростлагач, нимадир ёдига тушдимми, менга савол назари билан термулиб қолди:

- Орқадан олиб экишаётган экан, дедингми? Қизиқ-ку. "Орқа" деганларининг маъноси кенг бўлса, айнан қаердан олишаркан? Бизга Олий Мақтабда криминалистикадан дарс беришганида бошдаги соч билан бошқа жойлардаги жунларнинг шакллари бир-бирига мос тушмайди, дейишганди. Бирининг шакли юмалоқ, бошқаси учбурчак, яна бири эса япалоқроқ бўларкан... Соч деганлари бошда буралиб турса қизиқ кўринса керак, а?.. Барибир суриштириб кўриш лозим экан.

Зиёд аканинг бу гаплари қизиқ, ўзининг бошида қолган тўртта сочи буралмай нима қилиб турибди экан? Одам деган ҳар-ҳар замонда ойнага қараб қўйгани дуруст экан-да. Билмадим, бу инсон эрталаб соқолини кўз юмиб оладими.

Сездимки, илмий техник тараққиётнинг бу ютуғи Устозни қизиқтириб қолди. Лекин сочни айнан қайдан олиб экишлари хусусида аниқ бир тасаввурга эга эмасдим. Аслида бу гапни ўтган куни Содиқ деган бир милиционер боладан эшитгандим. Айтишига қараганда Москва телевидениеси ҳар куни реклама қилаётган эмиш. Менинг эса ижараҳонамда телевизор йўқ. Бахтга қарши Устоз ҳам кўрмаган экан бу рекламани. Қайдан ҳам кўрсинки, ҳар куни уйга ярим кечаси борса, Россия телевидениеси у ёқда турсин, хотинини ҳам ҳафтада бир марта кўрса керак (тўғри маънода, албатта). Бундан ташқари хотини рус тилини билмайди эмасми, русча кўрсатувларни умуман томоша қилмас экан. Шу сабаблар туфайли Зиёд аканинг бу саволи очик қоладиган бўлди.

-Қайдан олиб экишларини билмадим. Менга айтган хабарчи, орқадан, деди. Бунинг маъноси нимани англатишини эса ўзингиз яхши билсангиз керак, деб ўйлайман. Лекин сочнинг бошда буралиб туриши хусусидаги фикрингиз нотўғри. Ана, бизнинг қишлоқда Ақтам жипала дегич бўларди. Сочи жингалак-жингалак.

Ҳеч ёмон кўринмаган. Ҳамма негрларнинг ҳам сочи буралиб кетган, аммо сизга ўхшаб нолиб ётгани йўқ.

Устоз яна жимиб кетди. Ўтириволиб мулоҳазага берилганди. Бошида не ўйлар кечаётганидан хабарим бўлмади-ку, бироқ қошларини чимириб, кўзларини қисиб олаётганига қараганда унчалар ҳам ёқимли нарсалар хусусида хаёл қилаётганга ўхшамасди.

-Бўлмайди, - деди ниҳоят у. – Қуюқ сочли бўлиб, айрим жойларга азоб бергандан кўра, мана шундай юраверган дуруст. Яқинда қиш келади, ўтган йили бир кепка олгандим. Ўшани кийиволаман, бошнинг каллиги ҳам билинмай кетади. Худди бундан йигирма йил аввал қандай бўлса, шундай тураверади.

— Йигирма йил бурун қандай эди? – бу мен учун қизиқ эди.

-Телпак кийиб юрардим, - деди Устоз бамайлихотир. – Телпаккинанг теридан, энанг кўрқар эридан, деган гаплар худди ўша замонларда биздан қолган.

Бу одамни ўла қолсангиз шунга ўхшаш халқ донолигидан парчалар билади, деб хаёл қилмайсиз. Ўзим ҳам унинг бу шеъридан тахта бўлиб қолдим-ку. Лекин унинг дағалроқ ва беўхшов овозига шеър жуда ёпишиб тушди. Оғзимнинг таноби қочиб, бироз мақтовга берилдим:

- Шоир бўлиб кетинг, эй. Бунақасини, ўлай агар, умрим бино бўлиб эшитмагандим. Раззоқ бованинг ҳам етти ухлаб тушига кирмаган бўлса керак бу гап. Яна бир қайтаринг... Жуда чиройли, мазмуни ҳам зўрга ўхшаяпти. Эт-бетда тост гапирганда қўшиб юборилса, ёпишиб қоларкан.

Менинг мақтовим Зиёд акага мойдай ёқиб тушгани шундай кўриниб турарди – бироз бурнини жийириб, қувончдан илжайиб бораётган юзини буриштиришга ҳаракат қилардию иложи бўлмасди. Лаб қурғур қулоқ томонга чўзилиб бормоқда эди. Устоз ўтириб қолган танноз қари қизлар каби лабини чўччайтирди:

- Мақол деганлари бир марта айтади. Менинг карлар учун икки марта тақорлаб ўтирадиган одатим йўқ. Бундан кейин мен бир нарса деганда диққат билан эшитиб ўтир ва тезда ёзиб олишга ҳаракат қил, кейин армонда қолиб юрмайсан...

Индамадим. Ўзимни хафа бўлган кўрсатиб қовоқни уйиб, ўтиравердим. Одамнинг икки оғиз гапдан дарров турни кўтарилиб кетгани ёмон-да. Зиёд аканинг эса туриб-туриб, яна мақтов эшитгиси келиб қолди чамаси, секингина томоқ қириб, менинг диққатимни ўзига тортмоқчи бўлди. Мен эса унинг ниятини яхши англаб турганим сабабли ҳам тўмтайганча қогоз титкилаб ўтиравердим. Устоз ўрнидан қимирлади, бўлавермагач, ўрнидан туриб, тап-тап қилган хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа юра бошлади, кейин ерда ётган йиғма-жилдларни йиғиштирди. Без бўлганча калламни кўтармай ўтиравердим. Биламанки, Устозга кўзим тушиб, кулиб юбораман. Унда менинг хафа бўлганим қайда қолади.

Билиб турибман, Зиёд аканинг ёдига яна бир мақол келиб қолди ва ҳозир шуни айтиб, мақтаниб олмақчи. Менинг бу тарзда эътиборсиз ўтираверишим эса унинг жинини кўзгай бошлади. Йўтали борган сари баландлаётганига қарамай, ўзгариш бўлмаётганди.

- Ишимда унум, кетимда кўним йўқ, деган гапни эшитганмисан? – деди ниҳоят Зиёд ака чидаб туролмай. Уни боядан буён қийнаб турган гап шу экан.

-Тўйда кетим тўхтамас, ҳеч ким мени мақтамас, деганини эшитганман, — дедим мен совуққонлик билан.

Шу билан унинг бу орқали нима демоқчи бўлганини ҳам англолмадим. Назаримда у мендан яна мақтов кутаётганди, лекин уни эшитмагач, бироз довдиради.





- Лекин сен айтганингнинг маъноси бошқа, — деди Устоз ўзини ўнглаб олишга ҳаракат қилиб. — Мен айтганим бутунлай ўзга масала. Мен боғдан, сен тоғдан деганларидай.

Демак, Устоз ўзи эшитган қайдаги бўлар-бўлмас гаплар билан менга ҳужум қилмоқда эди. Бўш келмадим:

- Қал, кал — какиён, хўроз билан макиён, деган гапни эшитганмисиз? — дедим мен ҳам хаёлимга келиб турган биринчи гапни қайтармай.

Зиёд аканинг афт-ангори ўзгарди. Ўзимнинг ҳам тилим ёмон, бўлмаса айни пайтда шуни айтиш керакмиди? Фирт аҳмоқона чиқди. Аммо бўлар иш бўлиб, бўёғи синганди. Энди бу ёғига мардона туриб, ўзимни ҳимоя қилишим лозим эди, холос.

- Ё сен эсингни еб қўйгансан, ёки атайлаб менинг жигимга тегаяпсанки, бунинг остида қандайдир ғайир мақсадинг бор. — Устоз бу сафар ростакамига ранжиди.

- Қараб туриб, хайрон қоламан, эй, — дедим ниҳоят тиржайиб. — Сиз мақол айтдингиз, мен жавоб қайтардим, икки ўртада яна қандай ғайир мақсад бўлиши мумкин? Бирпасда велвет иштонга ўхшаб ёнингиздан ўтган барча нарсани ўзингизга тортаверасиз. Тузукроқ ҳазиллашиб ҳам бўлмайди.

Зиёд аканинг тишлари газиллаб кетганини англаб қолдим. Назаримда унга ўзини иштонга ўхшатганим ёқмаганди. Яна ўша — гап танлашдаги бефаросатлигим панд берди. Шу ерда иштон эмас, кўйлак дейиш керак экан, чамаси. Сих ҳам куймасди, кабоб ҳам.

Бу дилкаш суҳбатнинг оқибати нима билан тугаши мумкин экан, деб ўзимча тамин қилиб турганимда, рақам тергичи йўқ, ички телефонимиз жиринглаб қолди. Бундан қаттиқ чўчиб туриш баробаринда, роса хурсанд ҳам бўлдим. Энди ўзимни оқлаб ўтирмасам ҳам бўларди. Бу ҳойнаҳой навбатчи. Тадбирга чиқиш вақти етиб келган бўлса керак.

Зиёд ака бу кўнғироқни мендан-да интизорлик билан кутиб ўтирган экан. Ток ургандек ўрнидан сапчиб туриб кетди. Гўшакни кўтарганди, у ёқдан кимдир нимадир дедию, бундан мен беҳабар қолдим. Устоз ёнидаги тўппончасини тўғрилаганча, эшикка томон юрди. Унинг бу ҳолати кишини йигирма йил қамоқда ўтирган киши озодликка чиқиш тўғрисидаги хабарни эшитиб, мана шундай қувонч ва тезлик билан ҳаракат қилса керак, деган хулоса чиқаришга ундайди. Мен нима қилишимни билмаганим ҳолда, бироз ўртада қаққайиб тургач, Устознинг кетидан эргашдим. Ўзга чора йўқ.

\*\*\*

Ёз оёқлаб бораётган пайтлар. Энди ҳаво илгаригидек қизитмас, қуёшнинг илиқ нурлари кишига ўзгача хузур бағишларди. Беихтиёр ташқарига чиқиб, офтобнинг кўзига ўтириб олгинг келади. Енги калта кўйлаklar узун билан алмаштирилган. Бунинг натижасида Зиёд аканинг маймункидан сал беҳроқ бўлган қўллар, унинг жунлари кўздан панада қолганди. Ўзиям узун енгнинг ичидидаги жунлар баданини роса қичитса керакда. Устознинг кўтири бўлиб кетмагани қизиқ. Орқасидан эргашиб борар эканман, беихтиёр калламга шу бетутуруқ ўй келди.

Устозни пастда, навбатчилик қисмининг ёнида узун, ялтур-юлтур қилиб турган кўйлак кийган, ўрта ёшлардан каттароқ, бир пайтлар жуда гўзал бўлган, эндиликда бироз буришиб қолган юзларига зўр бериб ула чап-ланган, иягининг иккинчи қавати билинар-билинмас бўлиб кўриниб қолган бир жувон кутиб турган экан. У Зиёд акани кутаётганини дастлаб хаёлимга келтирганим йўқ. Устознинг ўзи-да буни билмаган, чамаси, жу-

воннинг ёнидан ўтиб, навбатчилик хонасига кирди. Мен ундан ўн одимча орқада қолиб, эргашиб борардим. Ичимда уни бекорга хафа қилдим, энди уч кун аразлаб юрадиган бўлса ким билан гаплашаман, зерикиб ўлиб қолмасам гўргайди, деб ўзимни койиб бормоқда эдим.

Зиёд ака тезда орқасига қайтиб чиққан эди, мен унга рўпара келиб қолдим. У индамай ёнимдан ўтиб кетиб, ялтур-юлтур қилиб турган жувонга томон юрди ва ундан сўради:

-Сиз сўраб келганмидингиз мени?

-Зиёд ака деганлари сиз бўлсангиз керак, а? Менга ёнида ёш йигитча ҳам бўлади, дейишганди? — Жувон ерга қаради. — Сизларга бир иш бор эди, агар рози бўлсаларингиз...

-Қанақа иш экан? — Зиёд ака мен томонга бир олақараш қилиб олгандан сўнг ундан сўради.

Бу пайтда менинг ҳам номим қайд этилмаган бўлишига қарамай, эслаб ўтишганларидан бурним бир поғона кўтарилиб, тўрт одим нарида энди бу ёғи нима бўлар экан, деган хавотир билан серрайиб турардим.

-Бу ерда, ҳаммининг кўз ўнгида айтадиган гап эмасда... — жувон у ён-бу ёнига қараб олгач, кўзларини маъноли қисиб қўйди.

Унинг бу гапидан Зиёд аканинг юраги ҳапқириб кетди, чамаси, кўзларини яширишга жой тополмай қолди. Назаримда кўнглимда кечган ўйларни улар билдириб қўйиши мумкин, деган хавотирга туриш қолганди. Устоз орқасига ўгирилиб, менга кўзи тушди ва "кўрдингми, жулдирвоқи, мени қандай аёллар сўраб келишадими?" дегандай қилиб калласини баландроқ кўтарди. Унинг бу мағрурлиги менинг шаънимга текканди, шарт орқамга бурилдим, хонага чиқиб кетдим. Тўғри-да, серрайиб турган билан бир фойдаси бўлмаса, ҳолбуки Устознинг исми ёнида мен ҳам эслаб ўтилган бўлишимга қарамай, Зиёд ака мени суҳбатга яқин ҳам йўлатмоқчи эмасга ўхшайди. Шундай бир ҳолатда етим кўзига ўхшаб, бақрайиб тураверган билан биров бу ёққа ўт демаса.

Хонада ўтирган эдим, орадан унча кўп ўтмай, тиржайганча, орқасидан бояғи жувонни эргаштириб Зиёд аканинг ўзи ҳам келиб қолди:

- Келаверинг, шу ер холироқ, бемалол гаплашиб олиш мумкин... Лекин хонанинг аҳволига унча эътибор беравермайсиз, фаррошимиз уч йиллик таътилга чиқиб кетган. Шундан буён йиғиштирилгани йўқ. Бунинг устига кунига ўн-ўн беш жиноятчи келиб кетади. Уларни эса биласиз-ку, қанақа халқлигини, маданиятнинг даражаси қандайлигини...

Устоз шу ерга келгандан кейингина гапининг мазмунини ўйлаб кўрди, шекилли, бирдан жимиб қолди. Орқасини тўғрилаб юбор, деган илинж билан менга қаради, мен эса аразлаб ўтирган эмасманми, тескари қараб олдим. Жувон остонада ичкарига киришини ҳам, кирмасини ҳам билолмай қотиб турарди.

- Кираверинг, — деди ниҳоят Устоз ўзига келиб, назаримда унинг калласига олдинги гапини текислайдиган яна бирор-бир бетайин фикр келиб қолган бўлса керак. — Кўп жиноятчи келади, деганимга хавотир олманг, сизга ўхшаган яхши инсонлар ҳам келиб туради. Ҳар хил масалаларда ёрдам кутишадими-да бизлардан... Ўтиринг.

Устоз қўллари билан менинг рўпарамдаги латтаси йиртилиб кетган, зўрға илашиб турган стулни кўрсатиб, ўзининг — тўрда кўндаланг қилиб қўйилган столнинг ортига бориб ўрнашди. Жувон эса оҳори тўкилмаган, қиматбаҳо кўйлаklари билан бизнинг манави стулимизга ўтиришни хушламаётганди. Бироз тарадудланиб қолди. Бирор нарса деса керак, деган умид

билан мен томонга қаради.

- Үтираверинг, ҳеч хавотир олманг, — дедим мен ҳам жувонга тасали бериб, - Агар қимирламай ўтирадиган бўлсангиз, сочилиб кетмайди. Бу аслида жиноятчилар учун қўйилган стул — бирор қалтис ҳаракат қилди, мушти бизнинг башарамизга етиб келгунича ўзи йиқилиб тушади... Ҳаммаси ҳисобланган.

Менинг бу оҳангда гапиришим Устознинг ғашини келтирди. Бурнини жийирди:

- Танишинг, бу менинг шогирдим. Бироз қанқуврок бўлишига қарамай, яхшилаб ўқтирилса гапни тушунади. Бунинг олдида ҳар қандай изқувар номаъқул ёб қолади.

Устоз бу гапни шубҳасиз менинг шаънимга тегиш учун айтгандию, айна пайтда унга эътироз ҳам билдириб бўлмасди. У кесатиқ оҳангида гапирган бўлишига қарамай, мазмунан қайсидир маънода мени мақтаётганди-да. Шу сабабли ўзимга ўзим: ке, бир сафар индамай қўя қол деганча, нафасимни ичимга ютдим. Бугун ё Устоз ёки мен чап ёнимиз билан туриб келган бўлсак керак, ҳеч гапимиз қовушмаяпти. Мен нима демайин, у киши инкор қилади, унинг гаплари эса менга чаён чаққандай таъсир қилаяпти.

Аслида Устоз иккаламиз деярли ҳеч қачон бир хил фикрламаганмиз, ҳар доим бир-биримизга қарши бориб, инкор этиб юрамиз. Лекин бу кўпинча хизмат юзасидан бўларди.

Жувон бошқа иложи йўқлигини англаб, эҳтиёткорлик билан ўтирди. Стул бир ғижирлаб олганини айтмаганда, деярли шубҳали ҳолатлар кузатилмади ва оғир оқибатлар келиб чиқмади. Бундан мен бироз хафаям бўлдим, Зиёд ака эса севинди. Аёл кимга қараб гапиришни билмай қолди. Устоз тўрға чиқиб ўтириб олган бўлишига қарамай, мен унга шундай рўпара бўлиб турардим. Унга қараб гапирар деса, менинг қирғий бурнимдан ўтиб кетолмаяпти, чамаси.

- Гапиринг, - деди Устоз ўртага тушган совуқ сукунатни бузиб. — Бизга қандай хизмат бор. Арзингизни қоғозга ёзиб келдингизми, ёки шу ерда битасизми?

- Мен, умуман, шахсий масалада, — деди жувон Зиёд акага ўгирилиб. — Ҳайлайманки, мен айтадиган гаплар шу ерда қолади ва эримнинг қулоғига етиб бормайди...

Устознинг юзида ҳайрат аломатлари кўринди. Унинг эр ва хотин ўртасига тушадиган одати йўқ эди ва бу ишни дунёдаги энг жирканч ва ифлос ишлардан бири ҳисобларди.

- Гап ўзаро жанжаллар хусусида кетадиган бўлса, адашдингиз, — деди Зиёд ака ҳафсаласи пир бўлиб. — Биз зағсда ишламаймиз, оилавий масалаларни кўриб чиқадиған судьялар ҳам эмасмиз. Бизнинг ишимиз фақат жиноятни қидириш, топиш, жиноятчини ушлаш.

-Менга ҳам айнан шу нарса керак-да, — жувонни иши орқага томон кетиб қолиши мумкинлиги ҳушёрлантирди. — Аслида бу масала, жуда нозик масала. Сизларга мурожаат қилишимни эса дугонам айтди, Турсуной деган, билсангиз керак. Бир марта унинг уйида ўғирлик бўлганда топиб берган экансизлар. Оғзидан бол томиб мақтади. Айтдики, шулар иккиси, — жувон мен томонга ҳам ишора қилиб қўйди, — ҳар қандай жиноятчини бир деганда топиб беради...

-Ҳа-а, - деди Зиёд ака чўзиб, — гап жиноятчи хусусида боради денг, бу бошқа масала. Ёрдам берамиз, кўлдан келганча. Албатта.

Сезиб турибман мақтов унга ёғдай ёқиб тушаяпти. Умуман, бу нарса менга таъсир қилмади, дейиш ҳам ёлғон бўларди. Юрагим бирозгина ҳапқириб олди, холос.

- Аслини олганда, жиноятчи хусусида ҳам эмас... —

Жувон бироз ўйланиб қолди. — Лекин шундай деса ҳам бўлади... Мени ҳам тушунишларингизни истайман... Қолаверса, милиция ходимлари ёрдам сўраб келганларнинг кўкрагидан итармаслиги керак-ку.

Мен Зиёд акага, Зиёд ака жувоннинг ҳаяжондан кўтарилиб тушаётган кўкрагига термулганча, унинг мақсади нима эканини тушунолмайдиган гаранг бўлиб ўтирардик. Иккаламизнинг ўртамаздаги бояги совуққонлик худди сув билан ювиб ташлангандек ўз-ўзидан йўқолиб кетганди. Аёл эса ниманидир айтмоқчи бўлардию, нимадир гапиришга халақит бериб турарди. Пули йўқ пиёниста дўкон атрофида гирдикапалак бўлгани каби мавзунинг теғарасида ўралашганича, мақсадга кўчолмай турарди.

- Агар сизга милициянинг ёрдами керак бўлса, марҳамат, навбатчилик қисмига тушиб, ариза ёзинг, бемалол ёрдам берамиз, — деди ниҳоят Зиёд ака.

-Сизлар мени тушунмаяпсизлар, - деди жувон. — Менинг илтимосим бирор жойда қайд этилишини истамай турибман. Эл-юртчилик, биров эшитиб қолса уят бўлади.

Унинг бу гаплари қизиқишимизни ошириб юборди. Иккаламиз ҳам башарамизда савол аломатини ифодалаб, жувонга бақрайиб қолдик. Жувон ўнғайсизланди:

-Исми Замира... Эрим "юрадиган" чиқиб қолди...

Жувон шу гапларни айтдию, елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тортди ва "уфф" деб юборди. Билсам, у қийналиб айтолмай ўтирган масала шугина экан, холос. Шуюм муаммо бўлдию.

- Эй, - деб юборди Зиёд ака ҳам беихтиёр. — Шунга қуйиниб ётибсизми? Кетиб қолган бўлса, агар унчалар зуғум ўтказиб юбормаган бўлсангиз, бир куни қайтиб келади. Қуйиниб ётиш шарт эмас... Бизлар фақат жиноятлар билан шуғулланамиз. Одам ўлдириш, машина олиб қочиш, деганга ўхшаш. Эримнинг "юриши" ҳозирча жиноят кодексига киритилгани йўқ. Шунинг учун бу нарсага бурнимизни суқмаймиз. Бизга ўз бурнимиз қадрлироқ. Шундайми, Олим?

Унинг бу шаъмаси нотўғри бўлди. Менинг бурним катталигини шусиз ҳам жувон жуда яхши кўриб, сезиб турганди.

- Тўғри, - дедим мен ҳам ўйлаб ўтирмай. — Сочларимизни битталаб юлиб олмасинлар, деймиз-да.

Зиёд ака тескари қаради, унинг бу ҳаракатидан сенга гапирган менинг ўзим аҳмоқ деган маънони англаш мумкин эди. Жуда тўғри, дедим ичимда.

- Сиз тушунмадингиз, — деди жувон — Мен сизлардан милиция ходимлари, мутахассислар сифатида кўмак сўраяпман.

-Шундай қилиб эрим юради, дейсизми? — деди Зиёд ака, унинг қўнглида негадир ушбу ишга қизиқиш уйғона бошлаганди. — Биздан сўраган ёрдамнингиз нималардан иборат бўлади? Бу қанақа иш?

-Буни иш демаса ҳам бўлади. — Замира опа овозига сирлилик тусини бағишлаб, шипшиб гапини давом эттирди. — Айтдим, эрим "юриб" кетди... Шуни аниқлаш керак...

-Нимани?! — беихтиёр менинг оғзимдан шу савол чиқиб кетди.

-Юришини-да. — Замира опанинг ҳайратланиб берган жавобидан саволим аслида ноўрин бўлганини англадим.

-Ким билан юришини аниқлаб беришимиз керакми? — ўзининг саволи билан Зиёд ака ўртага аниқлик киритди.

-Нафақат ким билан, балки, қайда, қачонлар бўлишларини, шунингдек ўша қанжикнинг, кечирасизлар, кимлиги, қайда яшашини ҳам билиб беришларингиз ке-





рак.

Жувоннинг буйруқ оҳангидаги гаплари Зиёд ака-нинг иззат-нафсига тегди:

-Кечирасиз-ку, буларнинг барчаси бировнинг шахсий ҳаётига аралашиб эмасми, сизнингча? Бунга эса бизнинг ҳаққимиз йўқ. Бунақанги шубҳали ишларга аралашиб юришимизга бошлиғимиз ҳам сира рози бўлмайди.

-Қанақа милисасизлар ўзи, - жувоннинг бироз жаҳли чиққандай бўлди. - Дангал гап қилмайсизларми? Мен сизларга ҳеч ким билмасин, десам, бошлиғимиз, дейсиз. Агар эримни қамаш керак бўлганда эди, мен сизлардан ёрдам сўраб ўтирмаган бўлардим. Менга чин инсон сифатида тушуниб, яқиндан ёрдам берадиган изқоварлар лозим. Тушундингизми?

Жувоннинг бу тарзда осмондан келиши менинг жимга теккан бўлишига қарамай ўзимни босдим. Қарасам бу гаплар Устозга унчалар ҳам таъсир қилаётгани йўқ. Унинг ҳаёлини нимадир ўғирлаган кўринади - оғир ўйга чўмган, назаримда ўзи билан ўзи курашмоқда.

-Эрингиз нима билан шуғулланади? - сўради Зиёд ака. - Агар "юрадиган" одат чиқарган бўлса, демек бирор-бир жиноятга аралашиб қолгандир-да?

-Билмадим. - Замира опа дадилланди. - Эримнинг топиш-тутиши яхшиланиб қолганда кейинги пайтларди.

-Эрингиз пулни қайдан олади? - Зиёд ака ўзининг оператив ходимлигидан барибир чиқиб кетолмайди.

-У кишининг пулни қандай қилиб топишларидан хабарим йўқ.

-Хим-м, - деди Зиёд ака ва бошини чангаллаганича жимиб қолди, бироздан сўнг хириллаган овозда кўшиб кўйди: - Жуда оғир ва нозик вазият... Ҳали бунақасига дуч келган эмасдим... Дабдурустан нима дейишингни ҳам билмайсан, киши... Олим, бу борада сенинг фикринг қандай? Ҳар ҳолда бир ўзим киришмайман-ку бу ишга?

Тўғриси айтганда ҳайрон бўлиб тургандим. Бир томондан бунақа ноҳидий ишлар билан шуғуланиш уят. Иккинчи томондан эса ишнинг қизиқарлилиги ва унга бирозгина романтиканинг аралашгани эди. Қачонлардан буён ўғриликлар хусусида ахборот йиғавериб, зеркиб қолгандик.

- Менимча, - дедим ўзимни сипо тутишга ва тиржайиб қўймасликка ҳаракат қилиб, - опага ёрдам бериш керак... Шундай оғир пайтларда кишини ёлғиз ташлаб қўйиш яхши милиция ходимининг иши эмас.

-Демак бундай, - Устоз менинг розилигимдан сезиниб кетиб, жувонга мурожаат қилди. - Бизнинг бир шартимиз бўлади: сизга барча ахборотларни аниқ, лўнда ва ишончли қилиб тўплаб берамиз ва бу хусусида ҳеч қаерда миқ этиб оғиз очмайсиз... Бизларнинг ҳам жонимиз битта. Кейин, эрингизнинг жазмани билан, агар шунақаси ростдан ҳам мавжуд бўлса, жанжаллашиб ётмайсиз. Яна унинг сочинию юзини юлиб, майиб қилиб қўйсангиз, гапни чувалаштирадиганлар топилиб қолади, бунинг эса оқибати яхшилик билан тугамайди. Шунга розимисиз?

-Албатта! - жувон хурсанд бўлиб кетди.

Келишув шу тарзда амалга оширилиб, Замира опанинг эри хусусидаги маълумотларни бизга билдириши билан яқун топди. Биз ҳар эҳтимолга қарши унинг ўзи хусусида ҳам айрим нарсаларни сўраб, суриштириб олдик.

\*\*\*

-Оахон, сиз адашмасам эски оперлардан эдингиз-ку, "қонун ва буйруқ талаблари барча нарсадан улуг!" дейдиганлардан. - Замира опа чиқиб кетиши биланок

Зиёд акага кесатиқ қилдим.

-Биринчидан мен ҳеч қачон сенга бунақа деб мақтанмаганман. Сен бу сассиқ гаплар билан менинг шаънимга тегаясан. Иккинчидан, ушбу ишни боягина ўзинг маъқулладинг. Учинчидан эса бир нарсани билмасдан, валдираб ётаверишнинг оқибати яхшиликка олиб келмайди. Менинг болаликда бир кучугим бўлгич эди. Шарик деган. Худди шу жонивор ҳам айримларга ўхшаб бир нарсани фаҳмига чуқур етиб олмасдан, вакилаб ётарди. Оқибати нима бўлди, де?

-Хўш, нима бўлди?

-Ўша менинг севимли, бироз лаққироқ кучугим - Шарик машинанинг асида нима эканини фаҳмига етмай, уларнинг орқасидан қувиб юрарди. ГАЗ-51 деган юк машиналари бўларди у замонларда. Тумшуги сенинг бурнингга ўхшаб ўткир бўлгич эди. Кучугим машиналарнинг гизиллаб кетиб қолишини уларнинг қўрқоқлигидан, деган хулосага бориб қолганда ва бир куни ўша - бурни узун ГАЗ-51 автомашнасига олдиндан ҳужум қилмоқчи бўлибди. Оқибатини эса ўзинг фаҳмлаб турган бўлсанг керак, агар шу нарсдан озроқина бўлса.

Устознинг менга айтмоқчи бўлган гапларини жуда яхши тушунганимга қарамай, бақрайиб, юзимни савол белгиси каби буриштириб қараб туравердим. Зиёд ака "шундай..." деб сўзига яқун ясагандан кейин ҳам менинг афтимда ўзгариш бўлмаганини, ҳиссиз термулиб ўтирганимни кўриб, каловланди. У ўзича қойиллаб қўйдим бу жулдирвоқини, ҳозир терлаб-пишиб менга ташланиб қолади, деган ўйда эди. Жинни эмасман, орадан ўтган қисқа, аммо анча серғалва вақт ичида унинг хусусиятларини жуда яхши ўзлаштириб олгандим. Ҳозир яна уч дақиқага чидаб беролсам, ўзининг юраги торс ёрилиб кетишини аниқ биламан.

-Нега буқага келган бақага ўхшаб бақрайиб қолдинг? - Устоз ҳикоясидан қутилган натижа чиқмаганини ҳис қилиб ва бундан ўнғайсизланиб, ўзини йўқота бошлади. - Ёқмаган бўлса айт, бундай эмас, мана бундай де. Бўлмаса бунақа, менга тегиб сен куруқ қолгандай олайишингни бас қил.

-Қизиқсиз-да, - дедим ниҳоят бундан ортиқ ўзимни ҳиссиз қилиб кўрсата олмаслигимни сезиб қолганимдан кейин. - Бир қараса туппа-тузук ходимсиз, яна бир қараса ким билади, аллақандай кучуқлар, машиналар ҳақида чўпчаклар тўқиб, ёш болага ўхшаб қола-сиз...

-Бердисини айтганча уриб ўлдирма-да, сен ҳам. - Устоз ўзига келиб, банд овозда гапирди. - Сен ўйла-санки, мен анави аёлнинг чиройига, чиройли кўзларига учиб унинг шартларига кўндим. Бекорларни айтибсан.

У шундай деганча қўлларини мушт қилиб, калласига урди. Ундан аллақандай бўғиқ тўқиллаган овоз чиқди:

- Каллани ишлатиш керак, каллани. Чирой нишолда бўлса экан, нон ботириб есанг. - Устоз ҳазил қилмоқчи бўлганди, фишдай буришган башарасига ярашмади. Жиддийлашди. - Эркак, хотинни иккита қилдими, жиноят билан шуғулланиб юрибди. Ҳозирги кунда ким ҳам кетмон чопиб, заводда ишлаб, хотинни иккита қилади, деб ўйлайсан? Демак бориб турган жиноятчи. Лекин у бизнинг қора рўйхатимизда йўқ. Демак янги жиноятчилардан, ёки усталик билан бизнинг таъсир доирамиздан чиқиб кетаётган туллаклардан. Бизнинг тахминлар тўғри келмай қолган тақдирда ҳам, унинг иккита хотин олишининг ўзиёқ жиноят, шуни биласанми? Шундай экан, уни қўлга олиш учун энг аввало ён атрофидан ишончли вакиллар топишимиз лозим бўлади. Бундай одам эса ўз оёғи билан келиб турибди

Агар аёлга ҳозир рад жавобини бериб юборганимизда битмас-туганмас гуноҳга қолиб кетган бўлардик, тушундингми? Уйлайсанки, Зиёд аканг арзимаган нафс ёки кўнгил учун аёлларга хизмат қилишга кўниб ўтирармиди? Асло. Мана кўрасан, аслида улар мен учун хизмат қилади.

Устознинг бу гаплари мени чўчитиб қўйди. Касбим оператив ходимлик ва жинойатчиларни тутиш бўлишига қарамай, аёлга, унинг эрига раҳмим кела бошлади. Мен учун Устоз айни пайтда, жувоннинг ожизлигидан фойдаланиб, унинг эрини қамоққа тиқиб қўядиган ёвуздай кўринди. Жувон ҳам биздан ёрдам сўрагани учун мингдан минг пушаймонлар қилса керак, кейинчалик.

Лекин, боя, Замира опа билан суҳбатлашаётган пайтимизда Устозга эътибор бергандим, лаб-лунжи тортишиб, қулоғи томонга кетиб қолгандай бўлаётувди. Кўнғир тусли, офтобда ялтиллаб турган сочини калта – эркакча қилиб олдирган, ингичка лабли, бироз қизғиш, юмалоқ юзли бу жувоннинг қай томонлари Устозга ёқаётганини тушунмагандим. Аммо тан олишим лозим, мен аксарият ҳоларда чиройли аёлларнинг фарқига бир қарашданоқ етавермайман. Илк кўрганда, дастлаб жувоннинг иккинчи иягига кўзим тушганди. Кўпинча қиз-жувонларни икки-уч марта кўрганимдан сўнггина ёқтириб қоламан. Буларнинг барчаси менда оператив қобилиятнинг, хотиранинг пастлиги сабабли бўлса керак. Аммо бу айбимни бировларга билдирмасликка ҳаракат қиламан, чунки ҳар икки-уч йилда бир марта бизда навбатдан ташқари шаҳодатлаш, деган тадбирни бошлаб қолишадими, ўшандай пайтларда, агар кадрдагилар менинг оператив хотирам пастлигини билиб қолишгудай бўлишса, тавсифномага киритиб юбоишлари мумкин ва бу билан ишни расво қилишадими, мен қайдасан кўриқлаш хизмати деб, жўнаб қоламан.

Зиёд ака жинойатчилик хусусида гапираётган бўлишига қарамай, унинг кўзлари бошқача бир тарзда ловиллаб турганини сездим. Уларнинг бу тарзда ўйлаши нимани англатишини ҳозирча англаб етмаган бўлишимга қарамай, бунинг хизмат вазифамизга сира алоқаси йўқлигини ички бир туйғу билан англаб турардим. Чунки кишининг кўзлари хизматга алоқадор ишларни бажариш чоғида бу қадар ярақлаб кетмайди. Уйнамайди ҳам.

-Бу, кўнгилда бошқа нарса яширинми, дейман? – сўрадим сирли кулиш қилиб.

-Кўнгилни ишга нима алоқаси бор экан? – Устоз бироз ўзини йўқотиб қўйгандай бўлди. – Мен бунақа нарсаларни хизматга келишдан бурун уйга ташлаб келаман.

-Кеннойига-да, демак.

-Шундай десак ҳам бўлади.

-У киши ахлат қутига отиб юборганлари йўқми, ишқилиб? Охирги марта қачон кўргандингиз кўнгилни? Менимча унинг қолган-қутганини ҳам Замира опамизга бериб юборган кўринасиз.

-Кўйсангчи, шу сассиқ гапларни. Бировнинг хотинига кўз олайтирадиган аҳмоқлардан эмасман, агар билсанг. – Устознинг юзлари бироз қизарди.

-Барибир қаранг, дейман-да. Менинг ишим огоҳлантириб қўйиш. Ҳаракатларига, юриш-туриши ва кийинишига қараганда, бизнинг нима десанг хўп дейдиган мазлума, хокисор аёлларимизга ўхшамайди. Қармоққа тушиб қолиб, эртага кеннойимизнинг олдида алфавитни биринчи ҳарфидаги ишни қилиб қўйган боғча боласидек қизариб, бўзариб турманг.

Зиёд ака "сен билан гаплашгандан кўра, тилимни ютиб юборганим яхши", дегандай қилиб, тескари ўғирилиб, хаёлга берилиб, дераза орқали ташқарини кўзата бошлади. Шу пайт навбатчилик қисмига уланган

бевосита телефон асабий жириглаб қолди. Бу Зиёд аканинг ҳовлиқиб қолишига сабаб бўлди. Устоз бу сафар ҳам бирор-бир чиройлироқ жувон мени сўраб келган бўлса керак, деган хаёлда эди. Устознинг ҳовлиқгани беҳуда кетди: гўшакни кўтариши билан унинг афтидаги ширин орзуларнинг излари – лабнинг билинар билинмас тиржайиши, кўзнинг чақнаши ва юздаги ҳаловат излари йўқолиб борди. Сездимки, биз учун бирорта ёқимсизроқ иш чиқиб қолган. Бўлмаса, Устоз унча-мунчага афтини буриштириб, ўзини оввора қилиб ўтирадиган одам эмас.

-Пастга тушишимиз керак экан, — деди у гўшакни жойига қўйиб, менга томон яхшилаб хўмрайиб қараб олган. Унинг бу ҳаракатидан худди бизни безовта қилган ўша номаълум жинойтни мен содир этганману, бу билан унинг чойхона паловига пашша туширганман.

-Яна нима бало бўлибди? – ичим қизиб кетаётганимдан унга эргаша бориб сўрадим.

-Борсанг кўрасан. – Устоз ўзига хос совуқлик билан жавоб берди. Шундай пайтларда унинг ўзича жиддий одам бўлиб қолиши мени куйдиради.

Навбатчилик қисмида ҳеч ким бизни кутиб ўтиргани йўқ экан.

-Ҳамма жўнаб кетди, — деди навбатчи ҳиссиз бир тарзда бизга қарамай. – Сизларни кутиб ўтиришга вақт йўқ. Биринчи микрорайонда кимнидир ўлдириб кетишганмиш. Боринглар, мана манзили.

Навбатчи ёрдамчиси шу гапларни айтиб, бизга бир парча оқ қоғоз узатди.

Ташқарига чиқдик. Устоз бугун яна аллақайси бир танишининг машинасини бир кунга сўраб, миниб келган экан. Қизил тусли "Жигули" - "нўл бир" дейишади бизлар томондан бунақасини. Ўшанга миниб, манзил томонга жўнадик.

Устоз иккимиз ҳеч машинага ёлчимадик. Устознинг "Запарож"и моторини катта йўлда тушириб қўйганимиздан кейин бу борада омадимиз сира юришмади, ишимиз ўнганмади. Устоз машинасиз оператив ходим масхара, деб ҳисоблашига қарамай, машинасини таъмирлашга тоқати келмади. Ўша тушиб қолиш жараёнида мотор деганимизнинг абжағи чиқиб кетган экан, одам бўлмайди, дейишди усталар. Янгисини олишга эса на менда ва на Зиёд акада пул бор эди. Эскироғини олиб босайлик десак, "Запарож"нинг мотори бир марталиб бўларкан. Шунинг учун ҳам Устоз бу борада мендан умид қилиш товукдан сўт талаб қилишга тенг бир нарса бўлишини яхши англагани ҳолда машина топиш учун ҳар доим ўзи киришарди. Лекин бирор марта ҳам бу борада менга миннат қилмаган. Қайдан ҳам қилсинки, менинг томорқамда ишламаётган бўлса.

Хуллас, Устоз эски кинода айтилган: трубка, от, хотинни сўрашга ҳеч ботинма, деган қоидага зид ўлароқ учраган одамдан машина сўраб юрарди. Бугун ҳам мана шундай илтимосларнинг натижаси ўлароқ, ушбу машинани миниб келган экан. Буни у эрталабдан менга мақтаганди.

Қотиллик етти қаватли бетон уйнинг тўртинчи қава-тида содир этилган экан. Биз бу ерга етиб келганимизда уйнинг олдидаги майдончага одам тўлиб кетган эди.

Бошлигимиз ҳам шу ерда экан, биз машинадан тушаётганимизда подьезддан чиқиб келди. У кўпинча бўладиганидек фуқаро кийимида эди. Катта қорни камарига сиғмай, отилиб чиқаётган пуфақдек шишиб, бўртиб турарди. Оқ қўйлағи йиртилиб кетгудай таранглашган. Унинг катта гавдасида нисбатан жуда кичик кўринадиган оёқларидаги туфлиси жуда ихлос билан тозаланган, ялтираб турарди. Мен унинг туфлисига термулар эканман, шундай катта гавдани бу қандай қилиб





кўтариб юрибди? - деган хаёлни қандай қилиб бошимдан ҳайдасам экан деган ўйда қолдим. Бошлиқ бизларни кўрсаткич бармоғи билан имлаб чақирди.

-Борларинг, кўшнилари суриштириб чиқларинг. Сенларга икки соат муҳлат, шу вақт ичида қотилни аниқламасанглар билдиргиларинг билан келларинг.

У кетди. Устоз учун эса бошлиқ томонидан айтилган кўрсатмани бажаришдан кўра, бориб, воқеа жойини кўриш қизиқроқ туюлди. Унингча асл воқеанинг нимадан иборат эканлигини билмай туриб, одамларни суриштирган билан бирор нарсани аниқлаш мушкул. "Нимани сўрашни ҳам билмайсан бундай пайтларда", - деди пиллоялар бўйлаб тепага кўтарилар экан. Менга эса нима, индамай орқасидан эргашавердим.

Жабрланувчи уч хонали хонадонда истиқомат қиларкан. Бу ерда шу кунни навбатда бўлган тезкор гуруҳ ва бошқа яна тўрт-беш киши бутун хонани тўлдириб, ўзларича нималар хусусидадир қизғин баҳс қилиб туришарди. Хоналарнинг ҳолатига қараганда жабрланувчи анча бадавлат яшаганга ўхшайди. Бўлмасам-чи, "Самсунг" деган ката экранли рангли телевизор унча-мунча одамнинг уйида йўқ-ку. Оловдай ёниб турган гиламларни айтинг. Залдаги гиламларга мос тусдаги юмшоқ мебеллар.

Биз Устоз иккимиз эргашиб ошхонага кирдик. У ерда бўлимимиздаги қотилликларга қарши кураш гуруҳи катта оператив вакили Восит ака. Унинг лақаби Чалпак эканлигини эшитгандим, аммо айнан нега шунча эканлигини сўраб, суриштириб, тагига етолмадим. Устоздан "нега Чалпак, дейлик Патир эмас?" - деб сўрасам, у киши оддийгина жавоб берди: "Чунки Патир экспертимиизнинг лақаби".

Зиёд ака атрофга бир кўр назар ташлаб чиқди:

-Ўликни қайга яширдиларинг?

-Мана, сенинг хизматга яроқлигинг қай даражада. — Восит ака севинди. — Уч хонали уйдан ўликни тополмагандан кейин, катта бир мамлакатдан тирик жиноятчини топаолармидинглар. Милисаям бола боғча бўлиб кетди.

У шундай деганча ўрнидан турди ва ичкарига томон юрди. Биз эргашдик. Ўлик ётоқхонада экан. У ердан аллақандай кўланса хид анқиб турарди. Бизга криминалистимииз қаршилиқ қилмоқчи бўлганди, Восит ака "ўлик бир сеники эмас", деганча нарига суриб қўйди.

Кароватда қонга беланиб ётган марҳумнинг кўриниши киши баданини жимирлатиб юборарди. Унинг жони узилганига анча бўлган, нимқоронғу хонада ўзига хос кўланса хид анқиб турарди, виғиллаганча пашшалар ҳам ўралашиб қолганди. Лекин марҳумнинг танаси ҳали бўшашиб улгурмаганди - оқ халатли бир киши, врач бўлса керак, унинг қўлини кўтармоқчи бўлганди, бутун танаси қимирлаб кетди, лекин қўли кўтарилмади. Марҳум шафқатсизларча ўнг пешонасига ов милтигидан, сочма ўқ билан отиб ўлдирилгандики, ўқ теккан жойдаги юз ва бош қисмининг анчагина жойи гўштга айланиб, синган суякларни чиқиб ётарди. Устидаги оқ кўйлагини бутунлай қонга беланган. Қон марҳум чалқанча ётган яшил тусли икки ўринли кароватга оқиб тушиб, шимилиб кетганди.

Ўзимни мажбурлаб, марҳумга қарадим. Бу ёши 20-25 лар атрофидаги, озгиндан келган, сочлари куюк, қора ва калта қилиб олдирилган йигит экан. Ранги тириклигида қандай бўлганлигини англолмадимки, юзининг қон сачрамаган қисми аллақачон мурда тусига - оқ-сарғиш рангга кириб қолганди. Афтидан у ўлимидан бурун кўчадан келган ёки эндигина ташқарига чиқмоқчи бўлиб турган пайтида қотил келиб қолган. Чунки қийимлари уйники эмас. Тўқ яшил рангдаги яхшилаб дазмолланган шим, оқ кўйлак, оппоқ пайпоқ -

буларнинг барчаси хонада кийилмайди.

Булардан ташқари марҳумнинг ҳолатидан хулоса қилдимки, марҳум қотилни жуда яхши таниган бўлиши керак, бўлмаса унинг шу ергача киришига йўл қўймаган бўларди. Бошқа хоналарда кураш излари кўринмайди. Ўрилиқ аломатлари ҳам йўқ.

Хона дид билан безатилган экан: деразага зарли гуллар тикилган, оқ дарпарда осилган, ўнг томондаги деворга катта, кўк тусдаги гуллар устунлик қиладиган гилам осилган. Полга эса қизил пояндоз тўшалган. Шифтга эндигина русумга кириб бораётган - ганчдан нақшлар солинган ва тилла суви югуртирилган. Қандилнинг ўзи эса бутун бошли эртақ - мен шу пайтга қадар ҳали бунақасини учратмаганман.

Устоз ўртада туриб олганча, ҳеч кимга халақит бермаган ҳолда синчковлик билан атрофни кўздан кечирарди. Менинг эса негадир ташқарига чиққим келиб қолди. Нафасим сиқилиб, ўзимни беҳузур сеза бошладим. Зиёд аканинг енгидан тортдим:

-Кетдик, бошлиқнинг айтганларини қилайлик.

Ўлиқдан кўрққанимни, кайфиятим бузилганини сездирмаслик учун шу баҳонани топгандим, бўлмаса бутун бўлими менинг ожизлигимдан кулишга тушиб кетиши мумкин. Бизда ахлоқ масаласи жуда қаттиқ - кўнгилчан кишиларни унчалар хушлашавермайдилар. Шундай одамларнинг ишлайдиган жойи ҳам эмас-да, бу жиноят-қидирув деганлари. Фақат жиноятчилару ўликлар билан муомала қилиш кишини жуда асабийлаштириб юборади ва кўнгилчанлик охир-оқибатда киши учун руҳий жиҳатдан оғир оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Қотиллик жойидан бир парча куйган қоғоз топилган экан. Бу милтиқнинг ўқиға тикин вазифасини ўтаган бўлса керак. Ушб қоғоз залдаги столнинг устидаги айрим нарсаларни олдиға ёйиб қўйилганди. Эксперт уни суратга олмоқда эди. Мен яқин бориб, катак дафтарнинг бир варағидан юлиб олинган бу қоғозни қизиқиш билан кўздан кечирдим. Унда нималардир ёзиб ташланганди. Уларни ўқиб кўрмоқчи бўлдим, лекин сўзларнинг ярми куйиб кетганлиги сабабли аниқ ўқийолмадим ва бу машғулотга қўл силтадим.

\*\*\*

Худудимизда қотиллик жиноятининг содир этилиши анча ташвиш келтирди. Бундай пайтларда барча куч ва эътибор қотилликни очишга қаратилади. Шу сабабли Замира опанинг буюртмаси уч-тўрт кун давомида умуман бизнинг эсимизга ҳам келмади. Фақат юқоридаги ҳолатнинг тафсилотларини аниқлаш учун елиб югурдик. Маълум бўлишича ўлдириб кетилган йигит бундан уч йил бурун шаҳарга кўшни туманлардан биридан кўчиб келган, исм-шаърифи Назарқулов Абди экан. Унинг ҳаёт фаолиятини ўрганар эканмииз, тузук-қуруқ бир жойда ишламаганлигини, уйини бу тарзда безатиб қўйиши учун етарлича қонуний даромадга ҳам эга бўлмаганини аниқладик. Зиёд ака у бугунги кунда барча учун одатий тусга кирган - бозорда савдо-сотик билан шуғулланган бўлиши мумкин деган тахминни ўртага сурганди, бўлмади. Фикрнинг тасдиғини тополмадик. Йигирма етти ёшга кириб ҳали уйланмаган бу йигитнинг қишлоқда яшайдиган қариндош-уруғларидан сўраб-суриштириб билсак, у умуман бозорга чиқишни ёқтирмайдиган, консерватив йигитлардан экан. Бу маблагларни (унинг уйидан катта миқдордаги пул ҳам чиққанди) қаердан олган бўлиши мумкин, деган саволимизга барчаси бирдай елка қисийди. Бир балоси бўлмаса шудгорда куйроқ на қилур, деганча, ҳайратдан ёқа ушлашдан ўзга чорамиз йўқ эди. Ҳали Устоз иккимиз кўни-кўшнилари суриштириб юранимиздаёқ бу

ҳолат бизнинг бошимизни жуда кўп қотириши мумкин-лигини англаб етгандик. Чунки йигитни кўшнилари тузук-куруқ билишмас, унинг уйига кимлар келиб, кимлар кетишидан беҳабар эканлар. Шунинг билан бир қаторда у жуда сирли тарзда яшаркан. Ҳеч кимга аראлашмаган. Оддийгина салом-алик билан чегараланган, холос. Имкон қадар кўни-қўшнилари билан учрашишдан қочган.

Хуллас, марҳум жуда сирли тарзда ҳаёт кечирган эди. Ҳатто ота-онаси унинг нима ишлар билан шуғулланганидан мутлақо беҳабар бўлишган. Билишганлари шуки, ўғилларининг омади юришиб, анча-мунча бойлик тўплаган. Уларга мунтазам равишда ёрдам бериб турган. Ўз навбатида ота-онаси бу пулларни қайдан оляяпсан, деб сўрашмаган. Сўрашганда ҳам жавоб бермаскан, чунки марҳум жуда ичимдан топ кишилардан бўлган.

Шундай қилиб ушбу қотиллик жуда мураккаблиги билан ажралиб турарди. Марҳумнинг бирор-бир гайриқонуний ҳатти-ҳаркатлари бизга маълум эмас, муқаддам судланмаган. Унинг яқинлари, таниш-билишларини ҳеч ким билмайди. На ота-оналари ва на кўшнилари.

Мана шундай мавҳум бир ҳолатда Замиранинг алдамчи таклифи бизнинг хаёлимиздан умуман кўтарилиб кетган экан. Бир куни пешинга яқин Устоз иккаламиз навбатдаги топшириқни бажариб, ҳориб-чарчаб хонага кириб келганимизда телефон жиринглаб қолди. Гўшақни кўтарганимиз, ундан аёл кишининг жуда ёқимли овози эшитилди:

- Алло, бу ким?

Ўзимни йўқотиб қўйдим.

-Олиман! - дедим ҳаяжон билан. - Ким керак эди?

-Мен Замираман, эсларингизда бўлса бундан уч кун бурун бориб, айрим масалаларда гаплашиб олганимиз. Шунинг натижалари нима бўлди деган мазмунда кўнги-роқ қилаётганимиз. Уч кундан буён уринаман, ҳеч ким жавоб бермайди.

Гапининг мазмунидан ўргулдим, дедим ўзимга ўзим. Бу рашқчи жувон бошиданок менга ёқмаганди. Юрса юрибди-да, эр деганларининг бирор жойи камайиб қолармиди. Бунақаларни сира жиним суймайди, жуда қаттиққўл оилада тарбия топган эмасманми, аёл деганлари уйда эрини кутиб ўтириши лозим, деган фикрдаман. Шаҳарнинг бу каби чаққон жувонларини эса кўргани кўзим йўқ. Зиёд ака хусусида эса бундай деб бўлмайди. Биринчи кўришиданок Замира опа унинг ҳушини ўғирлаб қўйганини англаганимиз. Кўзлари сузилиб-сузилиб кетганди ўшанда. Мен гўшақни кафтим билан беркитиб, "Замира опа, нима дейин?" дейишим билан отилиб келиб, қўлимдан уни тортиб олди. Зиёд аканинг бу ҳаракати кал бошига унчалар ярашмаса ҳам, индамадим. Назаримда у жувоннинг кўнги-роғини, киши билмас кутиб юрган экан. Устознинг шу тешик хотираси билан ҳеч бўлмаганда, беихтиёр бир тарзда "ким?" деб сўраб қўйиши керак эди. Бунақа қилмадим, юракдан урган. Товба, эри бор жувонларни ҳам севиб қолиш мумкинмикин?

-Ҳа, нега йўқ бўлиб кетдингиз? - томдан тараша тушгандай Устоз жувонни сўроққа тутди. - Бир марта келиб, айтиб кетсам бўлди, ҳаммаси ўз-ўзидан ҳал бўлиб кетаверади, деб ўйлайсизми? Биз бу ерда, манави шогирдим иккимиз уч кундан буён кутиб ўтирибмиз. Ишга киришолмай турибмиз... Нималарни аниқладик?! Сиз бу иш олма пиш, оғзимга туш, дегандай ҳал бўлиб кетаверади, деб ўйлайсизми? Иши кўп... Телефонда айтиб бўлмайди бунақа гапларни. Вақт топиб, бир келиб кетмасангиз бўлмайдим, дейман. Қачон келасиз?

Устознинг бунақа хотинбозлик одати йўқ, эди чама-си. У ҳар доим аёллар хусусида гапирганда, гапининг мазмунидан аллақандай нафрат ҳиди уфуриб турарди.

Мана энди эса биринчи бор аёллар хусусида гапирилганда унинг кўзлари "Нексия"нинг чироқлари каби ёниб турганини кўриб турибман. Бу жуда жиддий ўзгариш эди. Чунки унда, бир марта бошлиғимиз ийиб кетиб, бизга бир ойлик иш ҳақимиз миқдорида мукофот ёздирганида ҳам у бунчалар қувонмаган. Ойлик иш ҳақи миқдоридаги мукофот деганлари нима эканини биласизми ўзи? Бу дегани амал маошига унвоннинг ҳам пули қўшилгани дегани бўлади ва у ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Қувонса бўладиган ҳолат. Аммо Зиёд ака унчалар секинмаганди. Умуман олганда у жуда жиддий одам. Аммо унинг бу башараси кўпинча жиноятларни очишимизда қўл келади. У ўзини шайлаб, гумондорга шундай бир ола қараш қиладики, бечора ўзини кўярга жой тополмай қолади. Бошлиқнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари эса сенлар гумондорни кўрқитаяпсанлар, деган гаплари билан бизни ҳоли жонимизга қўймайди. Ахир ҳеч кимда гумондорлар биздагичалик тез жиноятларини бўйниларига олмайди-да. Кўпинча ўзим ҳам ҳайрон қоламан, бу дўстан бўлдими, душмандан деганча, ёқамни ушламан. Назаримда, гумондорлар Устознинг хўмрайган башарасига бир қарашдаёқ бунга қаршилиқ кўрсатиш беҳуда деган хулосага борсалар керак. Мен сўрайдаган бўлсам, улар гапни тоғдан, боғдан қилиб, мени бурнига ҳалқа солинган ҳўкиздай у ёқдан бу ёққа судраб юраверади. Зиёд ака келиб, бизнинг дилкаш суҳбатимизга қўшилдим, тамом, уларнинг дами ичига тушиб кетади.

Шунақа қилиб, Зиёд ака кўринишдан ҳам аёлларга ёқадиган, уларни ёқтирадиган одамга ўхшамасди. Бироқ бу сафар икки ўртада нимадир бўлгани шундайгина сезилиб турарди. Уйлаб, ўйимга етолмайман.

Мен ўйлаб турганимда, Устоз бугун, соат кечки бешларга яқин Замира опага "Баҳор" кафесининг рўпарасида учрашишга таклиф қилди.

- Сиз яна у-бу нарсани ўйлаб, кўнглингизга ҳар хил нарсаларни олиб юрманг. Касбимиз шуни тақазо қилади. Махфийликни таъминлаш лозим. Шусиз ҳаммаси барбод бўлиб, мўлжалланаётган тадбир ошкор бўлиб кетади. Мени ҳам ишончли ходимлар билан ишлай билмасликда айблаб, ишдан ҳайдаб юборишади.

Нима бўлишидан қатъий назар, Устоз бу борада сал ошириб юборганди. Мен гапининг сўнги жумласи хусусида айтаяпман. Бошлиқнинг кўзи учиб турибдимик, шу бирортасининг эрини орқасидан пойлоқчилик қиламан, деб сирини ошкор қилиб қўйсаю, мен уни ишдан ҳайдасам, деб. Билишимча буларнинг барчаси "иш"га сирлилик бахш этиш, унинг аҳамиятини ошириш учун қилинапти.

- Икки дона сурат ҳам олиб келинг, олтидан ва ёнидан бўлса янаям яхши... Йўқ, ўзингизники эмас, эрингизники. Умуман олганда, сизникиям халақит бермайди. Хизмат юзасидан айрим масалаларни ўз вақтида ва тезкорлик билан ҳал этиш учун яраб қолиши мумкин. Олиб келаверинг, рангли бўлса янада яхши. Қаери оқу, қаери қизиллигини билиб тураман, бировлар билан аралаштириб юбормаймиз.

Зиёд ака беармон гаплашиши мумкин эдию, бироқ навбатчилик қисмининг телефони асабий жиринглаб қолгандан сўнг, сесканиб уйғонган кишидай, ялт этиб менга қаради ва қўли билан телефонга ишора қилди: "ол!"

Бахтга қарши бизни бошлиқ сўрамаётган экан. Навбатчи хоналарингда шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосар йўқми, деган саволни бериб, ижобий жа-





воб ололмаганидан кейин, алоқани узиб қўйди.

Пешиндан кейин Зиёд ака учун вақтнинг ўтиши сезиларли тарзда секинлашди. Кўриб турибман, қўли бирор ишга бормади қолди. Ҳар икки дақиқада бир соатига қараб олади, юрмаяптими, йўқми, дегандай афтини буриштириб, қўлини силкийди, соатни қулоғига олиб келиб эшиттади. Унга қараб менинг юрагим сиқилиб, зерикиб кетдим.

- Тадбирга мени ҳам жалб этасизми, ёки бу сафар ўша эски – учинчиси ортиқча, деган қоидага амал қиласизми? Лекин айтиб қўяй, жувон билан учрашувга бир ўзингиз чиқиб, унинг ярамас эрининг орқасидан кузатишга бирга олиб бормоқчи бўлсангиз, тўппа-тўғри бориб, бошлиқдан розилигини сўраб чиқаман.

Аслини олиб қарайдиган бўлсангиз, буларнинг учрашувида, сассиқ алафга ўхшаб менга бало борми, бироқ мен ҳам мустақил бир йигит сифатида ўз сўзимни айтиб қўймоқчи эдим, ахир булар бугун учрашиб келишадими, эртага мени кузатувга юборишади. Бунисини аниқ биламан.

"Баҳор" қаҳвахонасининг сал нарироғида адл қоматли бир жувон атрофига олазарак термулиб турарди. Шубҳасиз бу бизга тегишли инсон бўлиши керак, оператив ишда салгина тажрибаси бўлган, умуман шунақа иш борлигини сал-пал тушунган кимсаларнинг ўзиёқ унинг туришидан кимнидир шубҳа ва хавотир билан кузатганини дарров англаб олиши аниқ эди.

-Мижозингизга бунақа борада озроқ дарс бериб қўйсангиз бўлмайдами, туришига қаранг, бургут ёки тулки келиб қолишдан чўчиётган юмронқозикқа ўхшайди, – дедим Зиёд аканинг тирсагига туртиб.

-Ростдан ҳам келипти! – Зиёд ака уни ҳали кўрмаган эканми, мен кўрсатган томонга қараб, кўзлари чақнаб кетди. Овозидан ҳаяжонни англаш мушкул эмасди. Кейин менга бир қарадию, ўзини босишга ҳаракат қилди. – Сен бола, биров хусусида гапирганда, тилингни эҳтиёт бўл. Бу нима деганинг – юмронқозик? Шуям гап бўлди? Бунинг устига хунук, бадбашара аёл бўлганда ҳам майли эди, унинг қоматига қара, рандалаб қўйилгандай.

Дарҳақиқат Замира опа қомати кўзни ўйнатиб юборар даражада тик ва гўзал эди. Бунинг устига у бу сафар атайлаб қилгандай, баданига ёпишиб турадиган, мен номини ҳам билмайдиган оч жигарранг, ялтироқ матодан тикилган қўйлак кийиб олибдики, куёшнинг нурларида кўкраклари, сони ялтираб, кўзни қамаштиради.

- Адабиётда шунақа бир ибора бор, ўхшатиш, дейишади. Еттинчи синфдалигимда Ақтам малим ўргатганди, – гапни бошқа томонга буриб, ўзимнинг оғзимдан чиқиб кетган бояги сўз учун Устоздан узр сўраган бўлдим. – Бу дегани, ҳали ҳеч кимни юмронқозик, деганим йўқлигини ифодалайди. Тагин олдига борганимиздан сўнг, оғзингиздан гуллаб ўтирманг, гап топган киши бўлиб.

Аслини олганда, "юмронқозик" деган гапни беихтиёр айтиб юборгандим, кейин бундан ўзим ҳам роса ҳайрон қолдим. Дарҳақиқат Замира опанинг ўзи чиройли бўлишига қарамай, айна ҳолатда ўхшатиш жуда ўринли эди. Биринчидан, устидаги оч жигарранг қўйлак, шу жонзотнинг рангига жуда ўхшаб кетаркан, иккинчидан бу жонивор ҳам иссиқ пайтда инидан чиқиб олиб, олдинги икки оёғини кўтариб, тик турганча атрофга аланг-жаланг қилишни хуш кўради.

Биз машина билан унинг ёнига бориб тўхтадик. Устоз бироз довдираб қолиб, олдинги гилдиракни ариққа тушириб юборишига бир баҳя қолганини эътиборга олмаганда, деярли ҳеч қандай саргузаштларсиз машинани тўхтатдик.

- Замира опа, машинага ўтиринг, – дедим мен эшикни очиб. – Битта-яримтаси кўриб қолса гап-сўз кўпайиб кетади.

У шошиб орқа ўриндиққа ўтирдиму, ҳе йўқ, бе йўқ, сумкачасини қовлашга тушди. Икки дона сурат чиқариб, Зиёд акага узатди:

-Мана, поччангизнинг суратлари. Ёнидан олингани йўқ экан, тополмадим, ўрнига мактаб пайтида, ўртоқлари билан тушгани бор экан, шуни олиб келавердим. Бўладими?

-Бўлади, – деди негадир тўмтайиб олган Устоз қўлига суратларни олиб, айлантириб қарар экан. – Ранги анча заҳил экан... Ўғлингизнинг суратини ҳам олиб келибсизми, адашиб?

Зиёд ака иккинчи суратни орқага қайтарди.

-Айтдим-ку, – Замира опа ажабланди. – Поччангизнинг мактабда тушган сурати, деб.

-Буларнинг барчаси болалар-ку. – Зиёд ака суратни қайтариб олиб, синчиклаб қарашга тушиб кетди.

-Мактабда ўқиган пайтларида ҳали бола бўлган. – Замира опа бунинг учун ўзи айбдордай бироз довдираб қолди. У суҳбатнинг оҳангини, руҳини англаб оломай сарсон эди.

-Ҳаққатан ҳам ёш бўлган экан... – Устоз суратни кузатишда давом этди. – Аммо мен уни таниёлмаяпман. Манави бақалоқ бўлмаса керак, ўхшамайроқ турибди. Буниси эса, телпак кийиб олибди, менингитдан кўрқадиганлардан эканми, ёки аллақачон бу касалга йўлиқиб улгурганми, билмадим. Манави тарашадай бўлиб тургани, аниқ сизнинг эрингиз бўлиши мумкин эмас, башараси жуда аҳмоқона. Қарашлари ҳам жиниларникига ўхшайди. Манавинисини қара, Олим, почаси кенг шим кийиб олибди, бунақаларнинг русумдан чиқиб кетганига роса йигирма йил бўлаяпти. Бу эса кийиб олибди. Ёнидагининг пойабзали эса менга бир пайтлар "платформа" деб аталадиган туфлини эслатаяпти – тумшуғи тўмтоқ, ости етти сантиметрлик қалинликда бўларди. Раса аҳмоқона туфли эди. Эгнидаги чарм костюми ҳам модадан қолган, ҳозирги замонда кастимнинг устидан ёпиштириб кўкрак чўнтаги тикишмайди... Бу русумдан қолган одамларни қайдан топиб келдизми бизга. Музейдан ўғирладингизми?

Замира опа тушунмай бир менга, бир Зиёд акага бақрайиб қарай бошлади. Вазиятдан чиқиб кетишнинг бирор-бир йўлини қилмасам, Устоз ўзининг довдирсовдир гаплари билан янада бадтарроқ шарманда қилиши мумкин.

- Зиёд ака, сиз менимча масаланинг янада чуқурроқ моҳиятига етиб бормоқчисиз, чамаси, – дедим Замира опага термулиб, аслида ҳам бу гап қизим сенга айтаман, келиним сен эшит, услубида айтилаётганди. – Ҳамма гап шундаки, почча ёшлигида негадир ўша замонларда яшаган экан. Буниси эса сиз ҳазм қилолмайсиз. Шунинг учун болаликдаги суратни бир чеккага йиғиштириб қўйверсангиз ҳам бўлади. Барибир биз поччанинг ёшлигини қидирмаймиз.

Устоз кўзларини суратдан олиб, уни орқага қайтарди. Лекин барибир нимадир дейиши кераклигини ҳис қилиб турарди. Аммо, назаримда унинг бу қовоқ бошига тузукроқ гап келмаётгандай эди. Чунки оғзини бир-икки марта қумга чиқиб қолган балиқдай очиб, ёпди, сас чиқмади. Ўйлаётганди. Чунки унинг оғзи калласидан тезроқ ишлар, ҳаракат қиларди. Бундан сездимки, Устоз бу жувонни ҳақиқатан ҳам ёқтириб қолган. Бўлмаса унча-мунчага довдирайвермайдиган, совуққон ва эътиборсиз бу катта оператив вакил ўз ҳаёти давомида озмунча жиноятчилар билан дуч келмаган дейсизми. Эҳ-ҳей. Сочларнинг тўкилиб бораётгани ҳам шундан дарак берса керак. У шубҳасиз Замира



опага ёқадиган гап қилмоқчи бўлаётми, аммо бир умр жиноятчилар билан муомала қилиб келган милиция ходимининг гап заҳираси жуда кичик бўлади ва унда аёлларнинг кўнглига мос тушадиганлари деярли бўлмайди. Устоз айни пайтда шу ҳолатдан қийнаётганди.

-Керак бўлмайди, деб ўйлайсанми? - деди у ниҳоят менга. Унга шогирди билан гаплашиш осонроқ ва ўнғайроқ эди.

-Шусиз ҳал қиламиз, — дедим мен ташаббусни ўз қўлимга олишимиз лозимлигини англаб.

- Манави паспортга тушган суратни олиб қолсак бўлди. Бир марта таниб олсак кейин келаси сафар хотирамиздан фойдаланиб кетаверамиз, сурат ҳам лозим бўлмайди.

Устоз "мана масала қайда" дегандай қилиб қошларини учириб, пешонасини буриштирди ва иягини чап томонга қараб бурди.

- Шундай қилсак ҳам бўлади, — деди Устоз. - Жуда ўнғай усул эмас-ку, чидаса бўлади.

Бу гап менинг жаҳлимни чиқарди. Бу ўзича мени ерга урмоқчиси, ёки гап топган киши бўлаётгани, англаш мушкул бўлганлиги сабабли унга жавоб қайтармадим. Яхши кўрган қиз билан гаплашиш нақадар оғир эканлигини ўзимнинг тажрибамдан билганлигим сабабли ҳам уни тушунишга ҳаракат қилдим.

Замира опа энди нима қилиш лозимлигини тушунолмай, каловлана бошлади, бу томонда эса Устоз меровга ўхшаб, нима дейишини ўйлаб, режалаштириб ўтирарди.

- Сиз бизга поччанинг иш жойини, уйини кўрсатиб қўйсангиз яхши бўларди. Кузатувни эртадан, имкони бўлиб қолса, шу бугундан бошлаб юборамиз.

Замира опа бизга иккита манзилни берди, бири уйлари, иккинчиси аллақандай ташкилотники, бу хўжайинлари ўша ерда бош ҳисобчи эканлар. Ҳар эҳтимолга қарши, машинасининг рақамини, русумини ҳам ёзиб олдик. "Жигули" минаркан, 06-сидан.

- Менимча бизга шунинг ўзи етарли, узоғи билан икки кунда бу йигит бизнинг қўлимизда балиқдай потирлаб туради, — деди устоз шавқ билан қўлларини бир-бирига ишқалаб. - Энди бизга, Замирахон ўзининг ҳам адресингизни берсангиз, ҳар ҳолда зарур бўлиб қолса сарсон бўлиб, бутун шаҳар бўйлаб излаб юрмайлик.

Унинг бу гапидан Замира опанинг кўзларида ҳайрат аломатлари чақнаб қолди. Негадир у менга термулаётганди. Мен ҳам "ҳайронман" деган маънода елка қисийдан нарига ўтмадим. Зиёд ака эса айб иш қилиб қўйган боладай, тараддуланиб қолди.

-Мен эрим билан бирга яшайман, — деди Замира опа ниҳоят.

-Яшасангиз ҳам бераверинг, хавотирланманг, булар келиб, тўполон қилади, эрим билиб қолади, деб. Махфийлик тартибини жуда яхши биламиз ва қатъий роия қиламиз. Бу ёғи беҳавотир.

-Бердим-ку, - деди ниҳоят Замира опа ҳайратини яширолмай. - Шу манзилда мен ҳам яшайман-да. Телефони ҳам ёзилган.

Устоз қовун туширганини англади. Нима дейишини билмай, ўгирилиб, яна бояғи расмга термулишга тушиб кетди. Унинг бу ҳаракати мени асабимга тега бошлади. Одам деган ноқулай вазиятга тушиб қолгандан кейин, бирор-бир гап қилиб ундан чиқиб кетишнинг йўлини қилиши керакми, йўқми. Бу эса индамай сурат томоша қилишга ўтиб олди.

-У киши ишхонагизнинг манзилини сўраётганди, — орадаги нохуш ҳолатни бироз юмшатмоқчи бўлдим.

-Ҳа, шундай демайсизми, мен тушунмабман. - Жувон ҳам анча кўнгилчан эканми, ҳаммасини билиб турган

бўлишига қарамай, айбни ўз зиммасига олмоқчи бўлди. - Аслида ҳозир уйда ўтирибман, ишламайман. Керак бўлиб қолсам уйдан топасизлар. Ўйлайманки, бу менинг шахсий ҳаётимга ҳалақат бермайди ва қўни-қўшнилари орасида гап-сўзнинг кўпайишига олиб келмайди.

Биз Замира опани шу ерда қолдириб, орқага қайтдик. Ишхонага кириб келар эканмиз, Устоз энгил нафас олди. Мен унинг севгига мубтало бўлган кўнглини бироз масҳара қилмоқчи бўлгандим, чиқмади, бурнининг пачоқ бўлиб кетишига бироз қолдию, бу қизиқшимни бас қилишга тўғри келди.

\*\*\*

Эртаси куни эрталабдан биз бекорчи эдик. Шунинг учун ҳам ишни Мақсуд билан сиртдан танишиб олишдан бошламоқчи бўлдик. Бунинг учун Замира опанинг уйи жойлашган кўчанинг бошига ижарага олинган машинамиз билан эрталаб соат еттидан бориб турдик. Бу бош ҳисобчи деганларимиз анча интизомсиз чиқиб қолди. Пешинга қадар кўча бошида ўтирган бўлишимизга қарамай, ундан дарак бўлмади. Жаҳлимиз чиқиб, тўғри ишхонага бориб, Замира опага кўнғироқ қилдик. Тўғрироғи Устоз мени шунга мажбурлади. Гўшақдан Замира опанинг кўнғироқдай овози эшитилдию, пешинга қадар қуёшнинг кўзида шишиб ўтирганимиз ҳам ёдимдан кўтарилиб кетди. Аслида унга бақирмоқчи бўлиб турган бўлишимга қарамай, бошлиққа қилинган ишлар тўрисида ахборот бераётгандай, дедим:

-Замира опа, бугун эрингиз ишга бормади, уйдан чиқмадиям.

-У киши кечаси уйга келмагандилар. Ишга борган бўлишлари керак.

Шунда мен Устоз иккимиз бориб турган аҳмоқ эканлигимизни англаб қолдим, аммо буни унга маълум қилмадим - эси бўлса ўзи англаб олгандир. Ахир бу жувон бизга шикоят қилганида ва эримнинг ортидан кузатиб беринглар деганида кечалари уйга келмайди, қайларгадир сандироклаб юради, бирортасига уйланиб олган бўлса керак, демаганмиди. Агарки эри кечалари уйда тунайдиган бўлса, бизнинг нима керагимиз бор эди.

-Демак ишхонасини ҳам кузатишга тўғри келади, - дедим вазиятга ишчанлик тусини бериш учун босиқ ва дўриллаган овозда. - Буниси бизга семичка чаққандай бир гап, бир деганда қалпоқ қилиб ташлаймиз.

-Қалпоқни билмайманку, лекин у кишини ушлаб, азоб бериб юрмангизлар, тагин. Менга қаерда, қачон, ким билан бўлганлиги тўғрисида ахборот бўлса етарли.

Шу гапдан кейин Устоз гўёки мен унинг севимли аёли билан аллақандай хиёнатнинг режасини тузаётганимдай чидаб туролмади, қўлимдан гўшакни шундай тортиб олдики, хизматим давомидаги илк ва охириг мижозим билан хайрлашолмай қолдим. Бундан унчалар хафа ҳам бўлмадимку, эҳ-ҳэй, ҳали у киши билан қанча марталаб учрашимизга, гаплашимизга ва шарманда бўлишимизга тўғри келадиганга ўхшаб турибди. Алам қилгани эса Устознинг гўшакни иддао билан силтаб тортиб олгани. Ростакам келиноий билан гаплашган пайтимда ҳам бунчалар ҳовлиқиб қолмайди бу инсон. Замира деган гапни эшитиши биланок уч кундан буён вино ичмаган ароқхўр каби қўллари қалтираб, ўзини кўярга жой тополмай қолади. Катта оператив вакил деган номи бўлса, бунинг устига менинг буйруқ билан тайинланган устозим саналса, шу қилган иши яхши эмас, деган ўйга бораман.

Устоз менинг нигоҳларимга нафрат ифодасини уфуртиришга ҳаракат қилиб қараганимга аҳамият бермай,



гўшакка ёпишиб кетдики, гўёки у ердан ана-мана Замира опа, “ассалому алайкум” деб чиқиб келаётгандай. Бунинг устига шу жувон билан гаплашганда унинг овози беихтиёр суюлиб кетадиган одати бор. Негадир унинг шундай пайтлардаги гаплари менга янги туғиб, бола-сини ялаётган сигирни эслатади. Нега? Ҳозирча аниқ моҳиятига етиб боролганим йўқ-ку, бироқ бу бор нарса. Аслида бундай пайтларда кишилар суяк талаб қилган кучук боласидай ялтоқланади, дейишади. Бу ўхшатиш бир қараганда, жуда мос тушадигандай кўринадию, менинг қайсар тасаввурим буни тан олгиси келмайди. Барибир сигир билан бузоқ кўз ўнгимдан нарига кетмай тураверади. Зиёд акани ҳўл бўлиб ётган нимжон бузоқчани ялаётган сигирга ўхшатаётганимдан анча қийналаман. Виждоним азоб чекади. Бироқ не илож? Барибир бунинг учун мен ўзимни айбдор санамайман. Ўхшашлик томонлари бўлса керакки, эсимга келади. Қолаверса жиноят қонунчилигида ният учун жинойи жавобгарлик йўқ, дейилади. Демак, тасаввур учун ҳам жазо бўлмаса керак. Аммо Устозни гап ўзининг шаъни хусусида кетадиган бўлса, жиноят тугул, процессуал қонунчиликни ҳам тан олмайдиган одати бор. Шу сабабли унга ўзи хусусида калламга келган тасаввурни, жуда-жуда хоҳлашимга қарамай, сира айтмайман. Бир қўшиқда айтилганидай, “биз тинчлик истаймиз”.

Хуллас, Зиёд ака тилини куёвнинг пойига ташланган поёндоздек тўшаб, эрқаланиб гапиришга киришиб кетганда, ўзимни зўрға тутиб туришга ҳаракат қилиб, олдин тилимни, кейин эса лабимни тишладим.

Устоз Замира опа билан анча пайтгача эрқаланиб гаплашиб турди. Улар иккиси қари кампирларга ўхшаб гапни анча чувалаштирган бўлишларига қарамай, аниқ бир хулоса ва тўхтамга келишолмагандилар. Негадир менга уларнинг иккаласи учун ҳам ишнинг битиши унчалар аҳамиятсизга ўхшарди. Иккалови учун ҳам нима бўлишидан қатъий назар гапни чувалаштириб ўтириш хуш ёқаётгандай эди. Бу дунёда ҳар нарсанинг охири бўлгани сабабли булар иккисининг ҳам Тошкентни лағмонидай чўзилган маъни-матрасиз суҳбатлари ниҳоят яқун топиб, бироз енгил нафас ола бошладим. Ахир уларнинг бу тузсиз суҳбатларини яқунлашнинг имкони йўқдай, туюлаётгандай-да менга. Бунчалар мужмал суҳбатни шу пайтга қадар эшитмаганим сабабли, уни қай тарзда яқунлашга ҳам ақлим етмай турганди. Йўқ. Жуда унчалар қийин эмас экан бу. Оддий элакка чиққан аёллар мусохабасининг якунига ўхшаб кетаркан: ҳозир эрим келиб қолсалар, жаҳли чиқади... Хотима мана шунга ўхшаш гап билан бошланди, чамамда. Бундан кейин ҳам Устоз оператив ходимларга ярашмаган бир қилиқ билан, бироз чучмал гапларни қилдию, кўнишдан ўзга қораси йўқ эди. Шу пайтга қадар Зиёд акани бу ҳолатда кўрмаганим: хонада ўтириволиб, ўзининг буйруқ билан тайинланган шогирдига йиғмажилдларни иргитиши билан машҳур экан, деб ўйласам, ҳали бунақа – аёлларни олдида ёш болага ўхшаб ўзини йўқотиб қўядиган одати ҳам бор экан. Ниҳоят гўшаклар қўйилди.

Бу дилкаш суҳбатдан сўнг Устознинг юзи кизариб, кўзлари ёниб, ярим соатга яқин менинг кўзимга қаролмади. Бояги гапларидан энди уялаётганди.

– Кечки пайт Мақсуднинг ишхонасига бормасак бўлмайди, — деди у ниҳоят. – Бировнинг ишончини суистеъмол қилиш яхши эмас.

Шу гапнинг кучи билан биз бошлиқнинг олдига, амалга оширишимиз мумкин бўлган иш учун расмий рухсат олишга кирдик.

– Бир жиноят изидан тушганмиз, — деди Устоз бир-икки кириш сўзи қилиб, тамомлаганидан кейин юзи ҳам қизармай. – Гиёҳвандлик жинояти. Ички бир туйғу

билан ҳис қилиб турибманки, шахримизга гиёҳванд моддалар келтирилаётган асосий ва йирик бир канални аниқлаб, ушлаётганга ўхшаймиз. Агар шу ишни яхшилаб охирига етказадиган бўлсак шаҳар янгитдан ҳаммомдан чиққан қиздай топ-тоза ва покиза бўлиб қолади, мана мени айтди дерсиз. Шунга сиздан уч-тўрт кунга, таг-туғи билан жавоб сўраб киргандик. Ишдан озроққина чалгисак, жиноятчиларнинг муҳим ҳаракатларини назардан қочириб қўямизми, дейман. Шунга... жавобингиз керак.

– Мен уч кун эмас, уч соат рухсат бераман. Соат сак-кизда шу ерда бўлиб, қилинган ишлар хусусида ёзма ахборот берасанлар. Бўладими?

Тогдай сўрасанг томдай беради, деган иборани бизнинг бошлиққа нисбатан ҳам қўлласа бўлади. Қўлламаса-да бўлади-ку, бироқ бу унинг асосий шиорини белгилайди, яъни ҳар доим ўзидан сўралган нарсанинг ўндан биригагина рози бўлади.

Иккимиз йўлакка чиққанимиздан сўнг Устознинг юзларига мамнунлик аломатлари югурди:

– Жавобни олдик. Муддат масаласини эса ўз ҳоли-мизча ҳал қилаверсак бўлади.

Шундан кейин биз Устоз қайдандир, кимнидир алдабми, ялинибми топиб келган “Жигули”га ўтириб “иш-га” жўнадик.

Мақсуд аллақандай қурилиш муассасасида бош ҳисобчи бўлиб ишлар экан. У ишлайдиган ташкилот билан қизикиб ўтирмадикки, бунинг бизга алоқаси кам. Қолаверса қолган қутганларини йўл-йўлакай аниқлаб кетаверамиз, деган фикримиз ҳам йўқ эмасди. Ўзи аслида ҳар доим шундай бўлади: барча нарсани бирданга билиб олмоқчи бўласанку, бироқ ҳеч вақони билолмай қолсан, ёки эшитган барча ахборотларинг-ни ёдингга сақлаб қололмайсан. Сақлаган тақдирингда ҳам, калланг бунча кўп маълумотларни қабуллаб, таҳлил қилолмайди. Бош деганлари ҳам Салимнинг компютерига ўхшаган бир нарса бўларкан. Унинг олдига бирор нарсани ёзиб бер деб борсак, уч қатор ёзиб, анча пайт кичкинагина экранга термулганча, жимиб қолади. Сабабини сўрасанг, ахборот кўплик қилаяпти, ўйлаяпти, дейди. Шундай пайтларда принтери бўлмасаям, барибир ўзимнинг каллам яхшироқ экан, деган тўхтамга келиб қоламан. Ўйлаб ётмайди. На осилиб ётган симлари бор ва на электр керак. Кечаю-кундуз баҳоли қудрат ишлайверади.

Зиёд ака икки қаватли фиштли бинонинг ёнига келиб тўхтаганимиздан сўнг, мени тепага чиқариб юборди. Унга бунчалар очиқ-ойдин иш қилмайлик, деганимга қарамай, бошқасига кўнмади.

– Бирор баҳона топиб, жойида ўтирибдими, йўқми, билиб кел. Бўлмаса эрталабки иккита аҳмоққа ўхшаб, ярим кечагача эшикни пойлаб ўтирмайлик... Бу ишда бир марта чув тушдик, шуниси етарли. Эшитган қулоққа ҳам яхши эмас.

Фуқаролар ишлайдиган ишхоналарнинг ёқтирадиган томонинг шуки, эшикнинг ёнида ҳеч ким ўтирмайди ва сен қайга кетаяпсан, деб сўрамайди. Бемалол кириб чиқаверасан. Бизга ўхшаганларга эса жудаям қулай, ҳар ҳолда энди баҳона тўқиш учун кириш эшигигача етгунчалик эмас, балки янаям ичкарироққача имкон яратилади. Вақтдан ва масофадан ютамиз. Ҳозир ҳам кетиб борар эканман, нима деган баҳона тўқисам экан, деган хаёлда эдим. Бизнинг расмий тилда бунақа гапларни “афсона”, дейдилар. Лекин шу сўзга менинг ҳушим йўқ. Кишини ёлғончига чиқариб қўяди. Баҳона деганлари дурустроқ бўлади, бегараз ва ҳокисорроқ туюлади.

Бинонинг иккала қаватидаги барча эшикларни бирма-бир кўздан кечириб чиқдим. Аксига олгандай “Бош ҳисобчи” деган тахтача осилган эшик иккинчи қаватнинг энг чеккасида экан. Унинг рўпарасига келиб, ўпкам-



ни босиб олишга ҳаракат қилаётган пайтимда ҳам ҳали тузукроқ баҳона топмагандим.

Мен эшикни очар эканман, каловланиб қолган бўлишимга қарамай, тилим бу сафар панд бермади:

- Ассалою алайкум! – дедим бурро қилиб. – Садир домла... Кечирасиз, ўша киши йўқмиди бу ерда?

- Йўқ экан-ку! – шундай дегунча, шарт эшикни ёпиб қўйиб, орқага қайтдим. Мақсуд деганлари гап нимада эканлигини англолмай ҳам қолди. Бадтар бўлсин.

Ўзини қийнаб турган саволга ижобий жавоб олгандан кейин Устоз бироз нафасини ростлади ва енгил ҳаво чиқарди. Ўпкадан, албатта. Кейин томдан тараша тушгандай сўради:

- Ранги қанақа экан у ярамаснинг?

Савол кутилмаганда берилгани учун, довдирадим:

- Тушунмадим, қайси маънода?

- Одамнинг рангини қанча маъноси бўлиши мумкин? – саволга савол билан жавоб берди Зиёд ака.

- Оддий, - дедим ранжиган бўлиб. – Монголоид. Ҳабаш эмас ҳар ҳолда.

Менинг жавобим Устознинг асабига тегди. У тишларини қаттиқ гижирлатдику, аммо ич-ичидан ўзига "қўй, шу аҳмоқнинг бўлари бўлган, энди бундан ортигини кутиш мумкин эмас", деган ўйда индамади. Ўзининг аҳмоқлигим даражасини бироз ортиқча қилиб кўрсатаётганлигимни англаб қолиб, гапимнинг орқасини тўғрилашга киришдим:

- Ўша – суратдаги кишига айнан ўхшаб кетаркан. Бироқ рангли. Туси буғдойрангнинг сояда ўтиравериш оқаргани, заҳилроқ. Қанақалигини аниқ билмайман, криминалистика дарсида бунақа туслар тўғрисида аниқ бир нарса дейишгани йўқ. Кўзлари қисикроқ, сочи нимжон ва сийрак. Пешонаси кал, десаям бўлаверади, аммо сизниқичалик эмас. Сал беҳроқ.

Мен аҳмоқ яна довдирлигимга бориб қўйдим. Айтилган гап – отилган ўқ, қайтариб олиб бўлмайди. Кечирим сўраш эса айна вазиятни икки баробар оғирлаштириб юборади. Буни бйр-икки бор тажрибадан ўтказиб, синаб кўрганман. Шу сабабли индамай, бақрайиб туравердим. Аслида жағим тинмай, саннаб турганимда Устоз ўзининг шахсига тегиб кетилганини пайқамай, қулогининг ёнидан ўтказиб юбориши ҳам мумкин эдику, бироқ аксига олгандай айнан мана шундай ҳолларда гап анқонинг уруғига шафе бўлиб кетади. Калла ақл ўзларининг борлигини, тўғрироғи йўқлигини эслашиб қўядилар.

- Сен бола ҳаддиндан ошаяпсан. – Устоз тишларини яна бир бор гижирлатди. – Неча марта айтдим, менинг олдимда соч, калла ва ҳатто жун ҳақида ҳам гапирма деб. Сен галварс эса билганиндан қолмайсан. Билиб қўй, агар яна бир марта шулар хусусида менинг олдимда маҳмаданалик қиладиган бўлсанг, бошлиққа айтиб, қўриқлаш хизматиға ўтказдириб юбораман, юрасан хина кетди, сақич кетди қилиб. Бу борада ҳазиллашаётганим йўқ. Расмий устозинг бўлганим сабабли ҳам гапимга бошлиқ ишонади ва айтганимни қилади. Шунга мажбур. Синов муддатинг тугаши билан мен билдирги орқали ахборот беришим керак, шуни билсанми?

Шу одамни тушунмадим – билгани мен билан тортишиш. Бекор қолди дегунча, топгани шу. Гоҳо тушунмай қоламанки, мен келмасимдан бурун у ким била мана шундай майман-чалпак айтишиб юрган экан. Энди аста-секин англаяпманки, бу киши асосий вазифаси кутиш бўлса-да, шу нарсага тоқати йўқ экан. Шу сабабли бўш қолди дегунча менга сассиқ гапларни қилиб, айтишиб ўтираркан. Ҳам саёҳат, ҳам тижорат деганларидай ҳам вақт тез ўтади, ҳам айтишиб оламиз.

Шундай қилиб, анча вақт бир биримизга навбат бер-

май, саннашиб ўтирдик. Бу орада қаттиқ огоҳлантирилган бўлишимга қарамай, гапнинг мавзуи Зиёд аканинг калласига тўрт марта келиб тақалди. Менинг синов муддатида эканлигим беш марта эсланиб, икки марта ишдан эртагаёқ ҳайдалиб кетишим мумкинлиги эслатилди. Бир марта эса инсоннинг шахсини топташ учун жинойий жавобгарликка тортилишим мумкинлиги хусусида эслашиб ўтилди. Гап айнан мана шу – Жинойят кодексиға келиб тақалганда жинойий ҳуқуқ мавзусида мен ўқимоқчи бўлиб турган маърузанинг қоқ белиға тегиб, пиллапоялардан Мақсуд тушиб келди. Кўз қирим шу томонда бўлганли сабабли уни дарров қўриб, эғнидаги оқ тусли, енгил калта қўйлагидан танидим. Чап қўлим билан жағларини икки ёнга обориб-опкелиб мускулларининг чигилини ёзиб, янги ҳужумга шайланаётган Зиёд аканинг бикиниға туртдим ва кўзларим билан эшик томонға ишора қилдим. Бундай пайтларда бизнинг сўхбатларимиз дарров ниҳоя топадию, иккимиз бир хил фикрлай бошлаймиз. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

\*\*\*

Мақсуд ўзининг "Жигули"си билан еттинчи микро-районға келиб, 15-уйнинг иккинчи подъездига кириб кетганда Устоз иккимиз анча нарида, қари терак орқасида машинани тўхтатганча, бармоғимизни тишлаганча қолавердик. Мен Зиёд акаға қарадим, у киши менға. Бунақа ҳолатларға биринчи марта тушишимиз эмаску, бироқ ўзимизча ҳозир бу бирор-бир гўзални олиб, ресторанға, кафеға, бирор ерга маишат қилгани боради, деган ўйда эди. Бироқ бунинг нияти ўзгачага ўхшайди. Машинани бир чеккаға қўйиб, қулфлагандан тез орада қайтиб тушадиганға ўхшамайди. Бундай кузатишлар қанча узок давом этаверса аниқлаш мушкул бўлган саволлар шунча кўпаяверади. Энди биз бу подъездда турувчиларнинг барчасини ўрганиб чиқишимизға ва Мақсуд кимнинг олдиға келганини аниқлашимизға тўғри келади. Ана ундан сўнг бу миссиянинг мазмун-мақсадини билиш мумкин. Бу эса айтишға осон.

- Бориб палатанинг балонини тешиб келайинми? – дедим жаҳл билан Устозға.

Зиёд ака ушбу таклифда аллақандай пухта ўйланган тадбирнинг бошланишини кўрдими, умид билан термулди:

- Ҳўш?

- Нима "хўш"? Фақат бизлар қийналиб ўтирамизми бу ерда, анавиям жазосини олсин-да, — дея таклифни изоҳладим.

- Бунақа аҳмоқона ишларни хизматдан чиққандан кейин қилиш керак, шундаям ишхонадан узоқроққа бориб. – Зиёд аканинг ҳафсаласи пир бўлганди. Сенинг гапларингға кулоқ осган менинг ўзим аҳмоқ, дегандай ҳафсаласизлик билан қўл силтади. – Бўлмаса одамлар милиса жинни бўлиб қолибди, дейди. Тушундингми?

- Бўлмаса анави чинорға чиқиб, хонадонларни бир кўр кўздан кечириб чиқсам қандай бўларкин? Ҳар ҳолда учинчи қаватға кўриб чиқиш имкониятиға эға бўламиз, — яна бир таклифни муҳокамаға ташладим.

- Одамлар нима дейди? Ҳали ҳатто қуёш ҳам ботмади-ку?

- Қуёшға қараб иш тутадиган бўлсак уч ой ёзда биророрта ҳам жинойятчини тутмаслигимиз керак эди... Одамларнинг эса биз билан неча пуллик иши бор, сантехникман, японларнинг усулини қўллаб, канализацияни дарахтдан олиб тушиш имкониятларини қидираяпмиз, дейман. Бўладими?

- Нима, ростдан ҳам японлар канализацияни дарахтдан туширишадими?

Бу қанақа одам ўзи? Ҳозиргина айтиб турибман,



одамларни чалғитиш учун деб. Бунинг эса дарров лаққа тушганини қаранг. Одам деганлари ҳам шунақа содда бўладими? Яна менга жиноят-қидирув фаолиятининг ўзига хос томонларидан дарс бермоқчи бўлади.

-Японлар тентак бўлибдими, дарахтни саситиб. Айтдимку, шунчаки гап, деб.

-Билмасам, худди ростдай гапирасан-да ўзинг ҳам.

-Шундай қилиб, нима дейсиз?

-Менимча бўлади. Дарахтга чиқиш процессуал қонунларни бузиш ҳисобланмайди-ку, тўғрими? Мабо-до товоқ бориб қошиққа тегадиган бўлса биз айбдор бўлиб қолмаслигимиз лозим.

-Йўғ-э. Бир жойда бу хусусида ўқиганим йўқ, дом-лаларимиз ҳам лом-мим дейишмаган.

-Бўлмаса олға! – деда Устоз жарангдор оҳангда. Кейин гамгин ҳолда кўшиб кўйди. – Агар битта яримта-си пайқаб, бошни қотирмоқчи бўлса, орқага ўгирили, яна олға! Мен бу ерда машинани шайлаб тураман... Ҳар эҳтимолга қарши, пока сен дарахтдалигингда ана-ви бугалтирининг машинасини гилдирагини дами-ни чиқариб кўйсам ҳам бўларди. Орқамиздан кувади-ган бўлса, масала чувалашиб кетади... Майли сен кет-таверчи, менинг ўзим бу ерда, каллам ишлаб қолгудай бўлса, бундан ҳам ақллироқ бирор иш қилиб кўярман.

Устознинг мана шунақа ўзини катта олиб гапириши менинг кўнглимга сира ўтиришмайди. “Каллам ишлаб қолса...” эмиш. Бир-икки марта ишлагандай гап қила-ди-да шу матаҳни.

Дарахтга чиқиб, тўртинчи қаватгача барча уйларга мўраладим, шубҳали нарсани кўрмадим.

Пастга тушиб, уст-бошимга қараб ўзим кўрқиб кет-дим: ҳаммаёқ ҳозиргина тракторнинг тагида қолиб кет-гандай бир неча қават чанг. Шу ҳолда мени ҳеч ким, ҳатто туққан онам ҳам оператив вакил демаслиги аниқ... Айнан шу фикр мени янада хавфлироқ ғояни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга туртки бўлди: нариги томондаги хонадонларга ўзим кириб чиқаман. Теле-визорларнинг антенналарини текшириш учун келган-ман, десам бўлади. Одамлар ўйлаб, гапнинг тагига етиб бўлгунларича керакли ахборотларни олишга улгурман.

Ушбу ажойиб ғояни Зиёд акага тасдиқлатиб олмоқ-чи бўлдим-ку, бироқ у киши минғирлаб, ўзининг таж-рибасидан мисоллар келтириб, аллақандай маслаҳат-лар бериб, рози бўлгунича вақтдан ютқазишимиз аниқ. Қолаверса менинг бу ўзбошимчалигим, иккимизнинг ўзбошимчалигимизнинг бевосита мантиқий давоми сифатида тадбирга жойлашиб кетаверади.

Ўзимнинг фикрлаш қобилиятимга қойил қолганча биринчи қаватдаги эшикни қаттиқ тақиллатдим. Жуда илхомланиб кетган эканманки, хаёлим ҳам бироз қочиб, ўзимни қаерда эканлигимни унутиб қўйибман. Ичка-ридан “ким?” деган овоз келди. Ўзим ўйлаб топган тад-бирдан руҳланиб кетибману айнан унинг моҳияти ни-мадан иборат эканлигини ёдимдан чиқариб қўйган экан-манми, ғайриихтиёрий бир тарзда “милицияданмиз, очинг” деб юборибман. Бошимга бир бало келадиган бўлса албатта тилимдан келса керак. Буни илгарироқ англаган эдимку, бироқ айни пайтда яна ёдимдан кўта-рилган экан.

Ичкарида қарас-курус қилиб нималардир синди, пачоқланди. Гап нимада эканлигини англаб олгунимча, гупиллаб айвонча деразасидан кимдир ўзини пастга ташлаб юборди. Зудлик билан ташқарига чиқиб, мили-циядан қочмоқчи бўлган кишини ушлаш чорасини кўри-шим лозимлигини англаб, орқага ўгирилиб, бир чоп-моқчи бўлдим-ку бироқ бўлмади, оёғим ерга тўшаб қўйилган пол латтага илашиб, юзим билан бетонга йи-қилдим. Яхшиям вақтида қўлларимни ўнглаб олдим, бўлмаса Зиёд ака ҳар икки гапнинг бирида эслаб ўта-

ётган - бурундан айриларканман. Шунга қарамай, чап оёғимнинг тиззаси оғир лат еди чамаси, ҳали ўрним-дан туришга ҳаракат қилмасимданоқ биров миҳ қоқиб қўйгандай зириллаб оғрий бошлади. Беихтиёр қаттиқ сўкиниб юбордимки, овозимнинг баландлигидан кўни-қўшнилар телевизорларини ҳам ўчириб, жим-жит бўлиб кетишди. Барчалари оғир жиноят содир этилаётган-лигини ҳис қилиб, гувоҳ бўлиб қолмаслик илинжида эдилар. Одамларнинг бу борадаги фалсафаларини жуда яхши ўрганиб олганман. Аммо бундан менга айни дамда сариқ чақалик ҳам фойда бўлмагандан кейин, нима қиламан. Ундан кўра пол латтага ўралиб йиқил-ганда қандай қилиб тиззани эҳтиёт қилишни ўргансам бўлмасмиди. Фойдаси кўпроқ тегаркан. Фалсафа эса ҳар доимгидай, ўзининг онг бирламчими, материя? - деган аҳмоқона саволларига қўшилиб, бир пулга қим-мат нарса бўлиб чиқаяпти. Ўзи шу фан билан сира чиқишолмайман, ўрта милиция мактабидан ҳар доим “қониқарсиз” қўйишганлари етмагандай, қаерга бор-майин, ҳар доим бошимга оғир савдо тушди дегунча уни эслайман. Мана ҳозир ҳам ўзим тиззамни чангал-лаб думалаб ётибману, хаёлимда фалсафа. Бунақа бе-тайин, бунақа сур фанни умри бино бўлиб учратма-ганман. Қайга борма, нима иш қилма, албатта сўқилиб киравереди. Бўлмаса айни пайтда шунинг мавриди-ми? Тиззамнинг кўзи тарс ёрилиб кетгандай бўлиб турибда хаёлимга. Оғриқдан кўрқаяпман. Бундан ҳам зўрайиб кетса нима қиламан, деган ўй билан ўзимни чўчитаяпман.

Мен ўзим билан ўзим курашиб турган бир пайтда деразадан ўзини ташлаган жиноятчи жуфтакни рост-лаб қолди чамаси, ундан сас ҳам эшитилмай қолди. Тўғри-да, Зиёд ака ҳар доимгидай анқовсираб ўтирган бўлса қочиб қолмай, олдига борармиди, мени кўрдин-гми, деб. Жиноятчилар сизга чироққа талпинган май-кўнғиз эмас, лип этиб қочиворади. Ҳолбуки, Устознинг ҳам ялтиллаб ўзига тортадиган нарсаси йўқ, мода кўнғизларга ўхшаб орқа томонидан нур таратмаса...

Мен амаллаб ўрнимдан тураётган пайтимда ташқа-ридан машинанинг вариллаган овози эшитилди. Би-лолмадимки, бу боя биз орқасидан кузатиб келган Мак-суднинг машинасини, Устозники. Овозига эътибор бер-маган эканман. Менимча, менинг овозимни эшитган Мақсуд, ёки Мақсудни кўрган Устоз жуфтакни ростла-япти. Ҳар иккала ҳолатдаям мен ҳеч кимга керак бўлма-ган матаҳдай бу ерда қолиб кетаяпман. Кўнглим шуни сезиб турибди.

Бироқ кўнғил деганлари ҳар доимгидек мени ал-даган экан, ўрнимдан турар-турмасим, Зиёд ака ҳал-лослаб етиб келди:

-Сенга нима бўлди, пичоқлаб ташладими? – деди келгани ҳамоноқ елкамдан олиб, туришимга кўмакла-шар экан, — Қаердан?

-Сизга қолса дарров пичоқлаб кетишса, камига рози эмассиз, — Оғриқдан афтим буришиб кетаётганлигига қарамай кесатиқ қилишни унутмадим. Буям сут билан кирган шекилли. – Лорсиллаб, қоринни айронхалта-дай чайқатиб юрганча, жиноятчининг орқасидан қув-сангиз бўлмайдами? Қўлдан чиқариб юборамиз.

Зиёд ака менга жиноятчилар қўл ҳам теккизишма-ганларини англаб етгунича анча вақт ўтди. Унгача зин-ҳор қочиб қолган Мақсуднинг орқасидан боришга рози бўлмади. Ақли етганда эса кеч бўлганди. Икаламининг сувга тушган мушукдек орқага қайтишдан ўзга чорамиз қолмаганди. Бу орада тиззамнинг кўзи ҳам синмагани маълум бўлди – оғриқ секин-аста босилганди. Тезда ўз ҳолимага қайтдим. Бу эса Зиёд акани анча ғазаблантир-ди. Унга қолса менинг тиззам синганда хўп иш бўларди. Бундан унга сариқ чақалик наф йўқ. Аммо у машинаси-



дан менинг олдимга қадар чоғиб келганча кўнглидан ўтган хаёлларни ёлғон бўлиб чиққани билан сира чиқишолмаётган ва менга нисбатан беҳудага кўрсатган озроқ раҳмдиллиги учун ўзидан уялаётганди.

Зиёд ака майдончада туриб, уйнинг эгаларига эшикни очинглар, деганча анча бақирди. Ичкаридан ҳеч ким жавоб бермади. Сезиб турибмиз, кимдир биқиниб олганича; нафасини ҳам чиқаришга кўрқиб ўтирибди. Далили ашёлари бўлса, барчасини йўқ қилапти. Устоз балкон томондан бориб ҳам бақириб кўрди, бўлмади. У ернинг очик деразасидан эса ичкарига киришга кўрқдик. Палакат босиб прокурорнинг кўлига тушиб қолгудек бўлсак, бу қилиғимиз учун икки қават теримизни шилиб олади.

-Боя анавининг машинасини дамани чиқариб қўяман, деганга ўхшаш ақлли гаплар қилаётгандингизми? – сўрадим Зиёд акадан ноилож бизнинг бақирчақиримизга ҳеч ким жавоб бермагандан кейин орқамизга қайтиб, машинага ўтириб олганимдан кейин, — ўзим ҳам ишонмагандим, сизнинг каллангизга бунақа ақлли гаплар сизга сизга. Айтганимдай бўлиб чиқибди.

-Шу калла билан қандай қилиб қишдан чиққансан? – Устоз кимдандир эшитган гапини такрорлади. – Яхшиям дамани чиқариб қўймаганим, бўлмаса Мақсуд қочиб кетмаганида нима деган одам бўлардик. Ўладиган хўкиз болтадан тоймайди, деган гапни эшитмаганмисан? Худди шундай бўларди. Гап чувалашиб кетиб, ҳаммасининг ости очилиб кетса, ана унда кўрардинг томошанинг каттасини. Унинг қочиб кетгани бизнинг омадимизнинг юришганидан бошқа нарса эмас.

\*\*\*

Эртаси куни эрталаб ишга келганимда телефон ҳеч ким гўшакни кўтармаётганидан асабийлашган, жажли чиққандай берилиб-берилиб жиринглаётганди. Эганга ўхшамай ўл, дедим ичимда. Устознинг столи устида эмасми, мен телефонни уники деб ҳисоблардим ва шу гап билан сўкканда уни назарда тутаман.

Гўшакни кўтаргандим, нариги томондан таниш жувоннинг майингина овози эштилди:

-Алло, бу сизлармисизлар?

-Бизлар! – Аҳмоқона саволга аҳмоқона жавоб бўлади-да.

Бу Замира опанинг овози эди. Буни жавобни бериб қўйганимдан кейин, бироз калламнинг пучмоқларидаги хотира қатламини титкилаб топдим.

-Кеча нима иш қилдиларингиз? – жувоннинг овозидан аллақандай ваҳиманинг ҳиди уфуриб турарди. – Поччангизларни жуда кўрқитибсизлар. Мен сизлар билан бу ҳақда келишмагандим-ку.

Қарасам Замира опа бундан бошқа яна алламбалоларни гапириб юборадиган. Бизнинг алоқа қанақалиги ҳаммага маълум, бир гапни айтадиган бўлсангиз, бутун маҳалла эшитиб ўтиради ва сиз гўшакни кўяр-қўймасингиз, ўнта қилиб шаҳар бўйлаб тарқатиб юборишади. Айнан шунинг учун бўлса керак, трубка сўзини нуроталиклар тилидаги миш-миш "ўшак"нинг олдида "г" ҳарфини қўшиб таржима қилишган. Шунини эътиборга олган ҳолда ва айби борнинг тиззаси қалтирайди, деган мақолга амал қилиб, дарров оғзига урдим:

-Бўлди, яхшиси сиз ҳозир бизнинг ишхонамизга келинг, қолганларини кейин айтиб берасиз. Телефонда ҳар нарса бир нарса деб гапириб бўлмайди. Американинг марказий разведка бошқармаси эшитиб қолиши мумкин.

Албатта, бу ҳазилга йўғирилган гап эди. Аммо Замира опанинг ўтақаси ёрилай деди:

-Вой ўлай, мен айтиб қўйдимку, энди нима бўлади? Энди улар сизларга эримининг орқасидан кузатишни сўраганимни ҳам билиб олишдиларми?

-Йўқ, ҳали билишгани йўқ. Яна бир марта айтсангиз, кейин билишади, — дедим мен ҳам кесатиб, биروق жуда жиддий оҳангда.

-Худога шукр-эй, — енгил нафас олди Замира опа. Аёл халқи ҳақиқатан тубсизликдан иборат экан. — Бўлмаса мен бир соатдан кейин ишхоналарингизга бораман. Ўша ерда бафуржа гаплашиб оламиз... Зиёд акангиз келганларми ўзи? Лекин эримни бекорча чўчи-тибсизлар, бечора шаҳардан қочиб кетмоқчи. Энди мен нима қиламан? Бошим қотиб қолди. Ҳозир у ишига ариза ёзгани кетган. Менга нарсаларингни тайёрлаб қўй, кўчиб кетамиз, деди.

-Сиз келаверинг-чи, унганча Устоз ҳам пайдо бўлиб қолади. Ўшанда гап нимадалигини ва масалани қандай ҳал қилиш кераклигини келишиб оламиз.

Устоз келганидан кейин унга бўлган гапларни оқизмай-томизмай, бироз пуфлаб, шишириб етказгандим, у кишининг афт-ангори ўзгариб кетди. Ўтирган жойидан туриб, хона бўйлаб юра бошлади. Уни нима бунчалар чўчитганини англаб етолмадим. Одам ўлгани йўқ, тушиб кетибдими, деб кўрқадиган осмон ҳам жойида турибди. Менинг тасалли бермоқ учун айтган тўрт-беш гапим, Устозга ари чаққандай тез ва тескари таъсир қилди: бир шаппат уриб, мажақлаб ташлашга тайёрдай бўлиб, эпчиллик билан мен томонга бурилиб қарадию, бармоқларини асабий ўйнатганча (дарвоқе, унинг шу ҳолатини узокроқдан — дераза ортидан кузатиб турган одам бўлса, Зиёд ака лажига рақсга тушяптими, деган тахминга борарди) фикридан қайтиб, сассиз термулиб қолди. Кейин яна юришини давом эттирди. Унинг бу ташвишини минг хил қолипларга, хулосаларга солиб кўриб, барибир тушунмадим. Ҳар ҳолда мен учун юзага келган ҳолатнинг ҳеч кўрқинчли, нафақат кўрқинчли балки, ўйлайдиган ҳам жойи йўқ эди — бир ҳисобчи хотини билан шаҳарда яшаб юрганди. Бир кун келиб улар кўчиб кетишга аҳд қилдилар. Шу. Бу ерда икки оператив вакилни ташвишлантирадиган, ўйлантирадиган ҳеч вақони кўрмаяпман. Тўғри, шу ҳолатга биз ҳам озгина аралашиб қолдик. Аммо бу аралашувни бошлиқнинг шахсий таркиби билан ишлаш бўйича ўринбосари компютердаги мукофотланадиган ходимлар рўйхатидан бизнинг исм-шарифларимизни олдин қора қилиб, кейин Delete деган тугмачасини бир босиб ўчириб ташлаганидай йўқ қилиб юбориш мумкин, изи ҳам, ҳиди ҳам қолмайди ва худди онаси аслида шундай туққандай бўлиб тураверади. Аммо мен ушбу ҳолатни Устозга ўқитолмадим. Менинг компютер ҳақидаги гапим шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосарга уйғун ҳолда келганлиги сабабли унинг бир жаҳлини ўн қилди, кўркуви эса бадтар кўпайди. Авваллари ҳам Зиёд ака шу лавозимни эшитди дегунча сержун қўлларидеги туқлар тикрайиб кетардики, мен ҳам шунини унутиб, айни пайтда мисол келтиришда бироз адашдим. Бу тўғрилаб бўлмас хато эди. Чунки Устоз энди бундан кейинги ҳар қандай гапни ўша фикрнинг кетини суваш учун айтиляпти, деб қабул қилаверади. Шу сабабли жим ўтиришдан ўзга чорам қолмаганди.

Кейинроқ англаб етдимки, Зиёд ака бунақа ишларда тажрибали ходим сифатида иккимизнинг ўзбошимчилик билан тутган ҳаракатимиз керакли одамларнинг қолоғига етиб борса, ёки ошкор бўлиб кетса балога қилиб кетамиз деган хавотирда экан. Ўз ҳаёти давомида шунга ўхшаш, яъни ўзбошимча ҳаракатларнинг кўпини кўрган бу инсон бунақа ишларнинг натижаси нима билан якунланишини жуда яхши билади. Менга ўхшаган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотмаган йигитларга эса гап бўлса, қизиқ-



қизик воқеалар бўлиб турса... Қолгани билан неча пуллик ишим бор.

Замира опа бир соатга қолмай етиб келди: рангидан ранг қолмаган, гапираётган гапларини адоғига етолмайди, хансираган. Зиёд ака уни шу ҳолича – хона ўртасида серрайиб турганича кутиб олди. Кейин бироз ўзини босиб, жойига ўтиб жойлашгач, жувонни ҳам ўтиришга таклиф қилди.

Маълум бўлишича, кеча эри Мақсуд ярим кечаси кўрқиб-писиб, олазарақ ҳолда кириб келибди ва ўзининг орқасидан милиция тушганини, кимнидир ўлдиришда гумон қилишаётганларини айтибди.

- Тонггача вос-восларга ўхшаб, тўшақда қалтираб чиқди, - деди Замира опа. – Ҳаво иссиқлигига қарамай, эшик-дезаларни беркитиб кулфлаб олди. Жудаям кўрққан. Даров кўчиб кетамиз, ҳеч ким қайга кетганимизни билмаслиги керак, деяпти. Ўзи ишдан бўшаб келиш учун кетди.

Биз зўр бериб жувонга гап нимадалигини, эрини у даражада кўрқитмаганимизни уқтирмакчи бўлдик-ку, бироқ натижаси бўлмади. Эридан унга ҳам юққан кўринадди ваҳима касали, бирор нарса қилинглари, у кўрқмасин, дейди бизларга. Бу борада бизнинг қўлимиздан нима ҳам келиши мумкин? Бунақа ҳолатларнинг барчасида одам ўзига ўзигина ёрдам бера олади, холос. Ваҳимаси асоссиз бўлгач...

Бир томондан олиб қараганда, Мақсуднинг ҳаракатлари бизнинг нақадар бўш ишлашимизни, ўз касбимизни яхши билмаслигимизни, маҳоратимиз етмаслигини билдирарди, ахир бор-йўғи у билан икки мартагина дуч келдик-ку, у эса аллақачон бизнинг кимлигимизни ҳам билиб қўйибди. Ҳар икки ҳолатда ҳам мен билангина дуч келган. Иккинчи ҳолатда эса фақат овозимизгина эшитган, холос. Эшикнинг орқасидан туриб, у мен эканлигимни билиши мумкин эмасди-ку...

Булардан келиб чиқадиган хулоса шу эди: биринчидан, Мақсуднинг хотираси жуда кучли. Иккинчидан, ҳамма ишни мен расво қилдим ва шундан келиб чиқадиган яна бир хулоса - касбий малакам жуда паст. Учинчидан, ортиқча ваҳима ҳам кўп нарсаларни ҳал қилиб юбориши мумкин экан. Устоз ўтиролмайдиган қолганида тўғри йўлдан кетаётган экан.

Аммо бу хулосалар билан вазиятни ўнглаб бўлмасди. Улар ўз йўлига ва энди кейинги шунга ўхшаш ҳолатларда ва амалий фаолиятимизда фойдаси тегиши мумкин, агар ҳаммаси яхшилик билан тугайдиган бўлса.

Зиёд ака бошини қашлаб, гўёки энди нима иш қилиш кераклигини ўйлаб ўтирганда (аслида эса у бундан сўнг нима қилиш кераклигини ўйлаётгани йўқ, чеккадан қараганда шундай туюлишига қарамай қилиб қўйган ишларимиз учун шусиз ҳам сийрак сочларини юлаяпти) менинг эшитган, бўлган воқеаларни солиштириб, таҳлил қилишга киришдим. Мен учун негадир Мақсуднинг "мени қотилликда айблашаяпти" деган гапи қизиқиш уйғотди. Унинг орқасидан кимдир кузатса бу қотилликда гумон қилинаяпти дегани эмас-ку. Мақсуд бунга жуда яхши билса керак. Эҳтимол гап бизда эмасдир... Бунинг остида бошқа маъно ётган бўлиши ҳам мумкин. Яна ўша гап – айби борнинг тиззаси қалтирайди, деганларидек Мақсуд ўзи билан милициядагилар қизиқайтганини англаб, қилиб қўйган айби ёдига тушиб қолгандир. Ваҳиманинг асосида ҳам шу ётган бўлиши мумкин. Мен ушбу фикримни Устозга маълум қилиш ва шундан келиб чиққанча фаолиятимизни давом эттириш учун Замира опани кеткизиш тадоригига тушиб қолдим. Аммо булар иккиси икки етим кўзига ўхшаб бир бирларига умид билан боқиб ўтирардиларки, менинг гапларим қўлоқларининг ёнларидан ўтиб кетаверди. Устоз Замира опани ёқтиришини жуда яхши билардим, аммо

уларнинг айна дамдаги ўтиришидан жувон ҳам Зиёд акага нисбатан эътиборсиз эмаслигини пайқадим. Аммо бу ҳолат мени қувонтирмади – азалдан жуда рашкчи йигитман. Эри бор жувоннинг мана шундай қилиб юришини сира ҳазм қилолмайман. Ноилож, ўз фикрларимни тиниқлаштириб олиш, хулосаларимни давом эттириш ва бир тўхтамга келиш учун ташқарига чиқиб кетдим. Шундан ўзга чорам ҳам қолмагани – Устоз менга ортиқча одамдек қарашлар қилаётгани.

\*\*\*

Ташқарида – бино йўлагига нима қилишни билмай, у ёқдан бу ёққа бориб келиб турсам, кўшни хонада турувчи ҳамкасбларимиз келиб қолишди. Уларнинг орқасидан судралиб кетавериш ниятим йўқ эдику, бироқ тунов кунги қотилликнинг очилган-очилмаганини билиш иштиёқи кўнгилга тинчлик беравермагач, ҳазилхузул билан уларнинг хоналарига кирдим.

Ўша қотиллик масаласи негадир бошлиқ унча кўп эсламай қўйганди. Бўлмаса унинг ҳатто товук ўғирланса ҳам очилмагунча жойида ўтиролмайдиган одати бор эди. Бу сафар эса худди ушбу жиноят кўшни вилоятда содир этилгандай тинч, бамайлихотир, ўзининг майда-чуйда саволлари ва муаммолари билан қўл остидагиларнинг асабига тегиб ўтирарди. Айнан шу сабабли ҳам биз Устоз иккаламиз бекорчиликдан кимларнидир кузатиб, шаҳардан кўчиб кетишига сабаб бўлиб ўтирибмиз. Агар бошлиқ тапшириқлар бериб, ижросини қаттиқ туриб талаб қилганида бошимизга тушиб ўтирган манави кўргуликлар йўқ эди. Аслидаку, буларнинг барчасини кўргулик, демаса ҳам бўлади. Аммо Устознинг буларни ўзига жуда яқин олиши ва асабийлашаётгани мени ҳам вазият жуда жиддий, чамаси, деган хулосага бориб қолишимга сабаб бўлмоқда.

Бу икки нафар ҳамкасбимизга эргашишимдан яна бир мақсад, Мақсуднинг хотинига айтган гапларининг остида ростдан ҳам ҳақиқат борми, йўқми, шуниям бир текшириб олиш эди. Тўғри-да, бекордан бекорга йўлакда ўтганнинг ўроғини, кетганнинг кетмонини олиб ўтиргачна, фойдали иш билан шуғулланган дуруст. Фойдали бўлмаган тақдирда ҳам, зарари тегмаса керак, деган йўдаман.

Бу икки қария (милицияда 40 ёшдан ўтганларни қариялар бўлади. Худди армияда 20 ёшли йигит кексарган ҳисоблангандай) бошқаларнинг ишларига кўпам аралашавермайдиغانлар хилдан эди. Шу сабабли ҳам уларнинг айна пайтда нима ишлар қилаётганини ҳеч ким билмайди, ўзлари билан ўзлари машғул, биров билан ўртоқлашмайдилар. Назаримда, ўзларини бошқалардан юқорироқ ҳам оладилар. Тўғри-да, улар жуда ваҳимали бўлинмада – қотилликларга қарши кураш бўлинмасида ишлайдилар. Бизга ўхшаб транспорт ўғрилиги билан шуғулланмайди. Бу ёғини сўраб келсангиз, шаҳарда йилига 5-6 та ҳақиқий қотиллик содир этиладиган бўлса (қолганларини шундай демаса ҳам бўлаверади – маст бўлиб ўртоғини пичоқлаб қўйган, тўйда ҳамтовоғини муштлаб бошини ёрган, ошинг шўр деб хотинини жонига зуғум қилганларни бу ҳисобга қўшмасам ҳам бўлаверади. Булар ўлишга ҳам, ўлдиришга ҳам арзимайдиган ҳолатлар), деярли барчасини бизлар кўплашиб очиб берамиз. Икки ўртада буларнинг гупириб юришлари ортиқча.

- Ҳа, - деди хонага кирганимиздан сўнг катта оператив вакил, қотмадан келган, пешонаси бироз кал бўлиб қолган Восит ака (лақаби Чалпақлигини айтгандим). – Хонада ўтиравериб чарчадингларми? Орқалар ҳам қадок бўлиб кетгандир? Биласанми, кимнинг қаери кўп ишласа ўша жойи қадок бўлиб кетар экан. Фан буни



тасдиқлаган. Дейлик маймуннинг кети – даррахтнинг тепасига чиқиволиб ўтиришни яхши кўради-да, туянинг кўкраги ва панжалари. Сен, Зиёд иккалангларники ҳам маймунникидай гап бўлиб қолди, чамамда. Эртадан кечгача хонага кириволиб ўтирганларинг ўтирган. Шу бўлишларингга ҳеч иккиланмай штабга ҳайдаб юборса бўладиган. Шунга тайёр бўлиб қолдиларинг... Опервакил деганлари худди ёлғиз бўридай бўлиши керак – тинимсиз изланиши, ҳаракат қилиши ва санғиб юриши лозим.

Чалпакнинг умумий биологияга йўғрилган оператив хизмат хусусидаги ярим чала илмий маърузаси шу ерга келганда узилди. Айни шу пайт унинг назари менга тушганди ва ансам қотиб тургани шундайгина нигоҳларимдан ифодаламоқда эди, чамамда, шу сабабли бас қила қолди. Тўғриси, унинг маймунлар тўғрисидаги мисоллари менинг таъбимга унчалар ўтиришмаганди. Агар ўрта милиция мактабида ўқиб юрган пайтларимда мактаб бошлигининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари бизни ҳайвонот боғига саёҳатга олиб чиқмаганида ва мен ушбу жонзотларнинг орқалари тўғрисида тасавурга эга бўлмаганимда, ҳатто хурсанд бўлишим ҳам мумкин эди. Бироқ бахтга қарши мен ушбу жонзотлар хусусида бироз тасавурга эга эдим ва бу ҳолат мени кувонтирмади. Аммо бир нарсадан кўнглим тўлди: милиция мактабидан берилган ҳар бир сабоқ ҳаётда барибир ўз ўрнини топиб, фойдасини бериб келмоқда.

– Лекин ёлғиз бўрилар ҳам иккитадан бўлиб юрмайдилар, — эътироз билдирдим мулойим қилиб. Бу пайтда улар ўз ўринларига ўрнашиб ўтириб олгандилар. Мен ўртада қаққайиб қотиб қолдим. Гумондорлар ўтирадиган – синавериби, миҳланавериби, минг ямоқ бўлиб кетган стуллардан бирига ўзимни ташламоқчи эдимку маймунлар тўғрисидаги гап иззат-нафсимни сақлаб туришимни талаб қиларди.

– Бу буйруқ талаби. – Чалпак сиёсатдан олди. – Уни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

– Бўриларга тил теккизилмасин, – гапга суқилди Исом деган оператив вакилимиз. Унинг лақаби Пўстак эди. Сезганингиздек анча-мунча сержун йигит эдики, унинг олдида Устознинг жунлари номаъқул еб қолади. Маймун тўғрисидаги мисолни айнан мана шу кишига нисбатан келтирса жуда мос тушардики, бироқ бу ер ортиқча ҳазилнинг жойи эмаслигини жуда яхши англаб турганим сабабли тилимни тишладим. Ахир уларнинг иккаласини ҳам тўпончаси бор, биз эса ҳали навбатчилик қисмидан олишга улгурмадик. – Тўғри гап тўққанингга ёқмайди, деганлари чин, аслида. Иккалаларинг уч ойдан буён бирорта натижа берганларинг йўқ, тўғрими?

– Аслида жуда кўп иш қилиб ташлаганмизку, сизларнинг хабарларингиз йўқ-да, — гапни усталик билан бошқа мавзуга буриб юбориш лозимлигини пайқадим. Ортиқча машмаша кимга керак, — Ўзларингиз тунов кунги қотилликни очдиларингизми? Негадир иси чиқмай кетди?

Минг ҳаракат қилмай, барибир гап танлашда адашгандим. Аслида бу ҳам бир санъат экан, суҳбатдошнинг кўнглига тегмайдиган қилиб гапириш. Менга ўхшаган қишлоқдан, бунинг устига ҳатто туман марказидан ҳам 50 километр узоқликда, тоғнинг ичида жойлашган қишлоқдан чиққан йигитларга бу санъатнинг барча кир-

раларини илғаб олиш ва усталик билан фойдалана билиш борасида озгина фаҳм етишмайди. Бўлмаса айни пайтда саволни бу тарзда қўймаслик лозим эди. Иккала ҳамкасбим ҳам мен томонга олайиб қаради. Шундайгина уларнинг ёлғиз бўрилар эканлигига, бунинг устига оч эканига ишондим: кўзлари одамни ютиб юбораман, дерди. Улар бунақа қарашнинг ҳадисини жуда олишган. Ахир гумондорга мана шундай бақраймасанг ким ҳам ўз жиноятини тан олади. Ҳатто кечаси жойига сийиб қўйган бола ҳам эрталаб туриб, қилган ишини рад этиб, гапни оқшом иссиқ бўлгани, роса терлаганидан бошлайди. Ана шундай-пайтларда ҳозиргидай – совуқ ва оч қарашлар қилиш лозимки, айбдорнинг тиззалари қалтираб кетсин. Айни пайтда эса менинг тиззаларим қалтирамади, бироқ барибир нигоҳларимни чеккага олишга мажбур бўлдим.

– Сен биздан ҳисобот талаб қилаяпсанми? – биринчи бўлиб Чалпак гапирди. – Унақа одам ҳали онасидан туғилгани йўқ... Бошлиқдан бошқа, албатта.

– Мақсуд деган одамнинг қотилликка алоқаси бор-йўқлигини текшириб кўрдиларингизми? – тўсатдан хужумга ўтдим мен. Йўқ, бу сиримизни очиб ташлаш эмасди. Мен ҳам эсимни еганим йўқ. Агар булар шу одам билан қизиқиб қолгудай бўлса, гапни чувалаштириб юбормоқчи эдимки, ана ундан кейин бутун шаҳар бўйлаб Мақсуд деганларини қидириб юравердилар.

– Сен қайдан биласан? – ҳамкасбларимнинг иккаласи ҳам бир овоздан шу саволни беришди. Шунда бу уларнинг асосий сири ва кейинчалик бирдан уришга олиб қўйган туз зотлари эканлигини англадим.

– Ишлаяпмиз, — дедим бамайлихотир. – Давлатнинг пулини бекорга еб ётадиганлар хилидан эмасмиз. Ахир биз ҳайвонот боғидаги маймунлар эмасмиз-ку.

– Биз бу Мақсуд деганингни роса уч кун олдин, қотиллик содир бўлгани ҳаманоқ аниқлаганмиз ва қўлга олиш чораларини кўриб қўйганмиз. – Чалпак паст кетгиси келмай мақтанди. – Бир-икки марта суҳбатлашиб ҳам келдик. Ҳозирча далилларимиз камроқлиги сабабли қўлга ололмай турибмиз, бор фактларга эса прокурор кўнмайди. Лекин далилни топамиз. Албатта топамиз, прокурор ҳам ўсал бўлиб қолади.

Мен ичимда ўзларинг ўсал бўлиб қолмасанглар гўрға эди, деб ўйладимку, лекин тилимга чиқармадим:

– Мана, сиз, Восит ака (албатта уни ҳеч ким суҳбат чоғида Чалпак, деб чақирмайди. Ҳатто, назаримда, у ўзининг мана шундай иштаҳа кўзгатувчи, ажойиб лақаби борлигини билмайди), катта-матта оператив вакилсизку, лекин бир нарсани фаҳмига етмайсиз. Агар сиз у билан бир-икки марта суҳбатлашган бўлсангиз, аллақачон жиноят изларини йўқотиш чораларини кўриб қўйган, яширинишга ҳам улгургандир.

*Давоми келгуси сонда.*





Вафо ФАЙЗУЛЛО

# ЖОН ЙЎЛИНИ ЯШИРГАН АРМОН




\*\*\*

Кетдим турналарнинг изидан  
Шамол уясида ёрни қолдириб.  
Афиф гунчаларнинг қони қизиган...  
Ўзимдан сўзимни тондириб.

Тавба, юрагимни сўрайди очун,  
Тош асрига узанган ёдим.  
Одамови жийда ушлаган қамчи,  
Кўнглингизга кирмаган додим.

Қайтаманми, билмадим ҳабиб,  
Ой тушида менинг ўрним бўш.  
Тонг отгунча Бухоро ғариб,

Кунботгунча мендан айри хуш,  
Хайр энди оқ ғозли кўча,  
Зилзиласиз қулаган девор...



\*\*\*

Нигоҳингга олтин дош тушиди,  
Тонг уйғонди - кимё саодат.  
Ёлворасан сен ўғил кушни,  
Соғинади гўзал ҳалоқат.  
Тегранг гуллар қурган адоват,  
Яқин роҳга ачинмай қўйдинг.  
На бир сир бор, на бир аломат,  
Кимни сўйдинг, кимни ўлдирдинг?  
Базмлардан гунглигинг безди,  
Безди сендан аъроф чўллари,  
Машъум туйғу ожиздай сизди,  
Ўнгни тан олмайди сўлларинг.  
Кўлмак теграсида елади  
Жон йўлини яширган армон.  
Сени ҳамон йўқ деб биллади.  
Замон,замон, яна бир замон...

\*\*\*

Юрак сим-сим оғрир, дунё қоронғу,  
Бир кўнгил изладинг сени тушунган.  
Юрак сим-сим оғрир, тутдилар оғу,  
Узилмай туриб ҳам кетдинг ҳушингдан  
Айрилдинг етмасдан суянч қушингга,  
О, одам изладинг, истадинг бекор,



Қайдадир бемажол қулаган вафо  
Сен кетиб борасан,яшайсан ночор,  
Йилларинг соврилган, умринг бевафо,  
Балки йўқдир меҳр, излайсан бекор.

Мордек судраласан, итдек инграйсан,  
Чаёндек чақади аталган дўст-ёр,  
Нега ўзинг билмай кун-тун тинмайсан,  
Сенчун ҳеч бўлмаса битга одам бор,  
Ҳар касни бўйлайсан, ул деб ўйлайсан.

Балки ака сенга, балкидир сингил  
Онанг термулади оламлар оша,  
Тушингга киради энг чиройли гул,  
Киндик қонинг томган қирлар рошида,  
Йиғлаб уйғонасан қани, қайда ул?

Омадинг келмайди, йўлинг ўнмайди,  
Қасос олмоқликка етмайди сабот.  
Сени армон билар, мардон билмайди  
Наҳот бир лаҳзали нажот йўқ, нажот,  
Ботирар чуқурроқ ханжарин ҳаёт!

\*\*\*

Юрагимнинг саҳросига чопдим яна,  
Шаҳид кетган лолаларни топдим яна.  
Ўз қалбимни ўз дардим-ла ёпдим яна  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

Очилмаган гунчамининг ҳур малагим,  
Юрагимга мил тортди-ку камалагим,  
Тўнинг бошқа, кўнглинг бошқа капалагим,  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

Гунгсирадим, мунгсирадим ўлан қани?  
Қаҳратонда қасам ичган гулхан қани?  
Тирикмисан, келган қани, кетган қани?!  
Баҳор кетди, баҳор кетди...

\*\*\*

Хушу билан тирикчилик чалғитди тинмай,  
Кун яқиндир, гуноҳ яқин ул кундан кўра.  
Ҳидоятнинг кавкабида ҳазин, дудуқ най,  
Ҳабиб излар, журми исён бўлгудек жўра,  
Ҳақдан кўра, Ҳақдан кўра нимадир имлар.



Одам ўша, Ҳавво ўша, ўшадир мавлуд,  
 Янги-янги ранги рангсиз сароб жимирлар.  
 Ишғол этди дунни қавми, ўзи унут Лут,  
 Жазо бекор, номус анқо, ғозий имиллар.  
 Оқдан кўра доғ таққанлар кўтарган байроқ.

Бўғизланган зариф ишқнинг руҳида ёлқин,  
 Истиффордан нажот йўқдай очилган рўза,  
 Иймонини замониға пуллади оқин,  
 Керилади дилни сўқир этиб сивизға  
 Сўздан кўра маънолироқ бешакл имло...

Иблискўнгил Ҳаққа қарши очганми уруш?  
 Ҳар шом офтоб эврилади ўғри бошига,  
 Ҳурриятнинг маҳзани бўш, давлати поймол,  
 Ким ишонар тонггача тун ичган ёшимга,  
 Шоҳдан кўра номаълум қул беради фармон.

Хушу билан тирикчилик чалғитди тинмай,  
 Ихлос билан кўзларимни боғлади жаллод,  
 Аросатнинг қўлларидан сипқараман май,  
 На хушёрман, на маст-аласт, азалми шундай?  
 Ҳақдан кўра, Ҳақдан кўра нимадир имлар...

\* \* \*

Мен нимадир демоқчи эдим...  
 Афсус қайтарибман сўзингни.  
 Билганини балки билдирдим,  
 Ким такрорлар менинг ўзимни.

\* \* \*

Шундай донолар бор, кўзга илмайди,  
 Филча дардинг билан эмассан пашша,  
 Мен ҳам одамман-ку, тушун, биродар,  
 Рухсат олганим йўқ сендан яшашга.

\* \* \*

Карвон кетиб қолди, нағмаси нолон,  
 Эртани эгаллади кечаги ёлғон.  
 Асру учқур ва ҳур орзулар қани?  
 Ҳалол насибамиз наҳотки армон.

\* \* \*

Жанг бошлайман десам ушладинг қилич,  
 Гуссани ардоқласам юбординг севинч.  
 Илдиз отсам ерда ойни кўрсатдинг,  
 Кўкка кетмоққа ҳам қўймайсан-ку ҳеч.



Илҳом АҲМЕДОВ

# ТАШЛАНДИК

Ҳикоя

— Шодикул, ҳо-о Шодикул! — овозини баралла қўйиб чақирди Искандар ака. Кейин бетоқат бўлиб дарвозани итарди. Аммо дарвоза мустаҳкам берк эди.

— Шодиқ-у-ул, ҳо-о Шодикул Шўро...

Искандар ака аччиғи чиқиб, тоқатсизлик билан Шодикулни хаёлан сўкарди. Аслида бунга ҳукумат бўлишни ким қўйибди ўзи? Юравергин эди ўша завхозлигини қилиб, касалхонадагиларнинг ризқига шерик бўлиб.

— Шодикул дейман-эй. Тура қолмайсанми? Дўм деган бир марта чақирганданоқ лаббай деб чиқса...

Искандар ака Шодикулни овоз бериб чақираверган билан уйғота олмаслигига кўзи етиб, елкаси баравар келадиган бетон тагдевор ёқалаб юрди. Аммо деразаларнинг бирортасига қўли етмади. У кўча томонга ўтиб, нимқоронғуликда оёғи билан пайпаслаб муштдек келадиган тош олиб олди-да, деворнинг одам бўйидан юқориқ кумшувоқ қисмининг уч-тўрт ерига дуқиллатиб урди.

— Ҳа-а, ҳозир... — деган бўғлиқ овоз эшитилди ичкаридан. Кейин ўртадаги деразанинг юқорисидаги туйнукча очилди. — Ким у?

Атроф қоронғу бўлса ҳам, Искандар ака туйнукчада Шодикулнинг шишинқираган башараси пайдо бўлганлигини сезиб, ижирғанди. Ювуқлими, ювуқсизми, қарайверар экан-да.

— Тез бўл. Ювиниб чиқ. Гап бор.

— Айтавер-да.

— Бу ёққа чиқ дейман, зарил гап бор.

Искандар ака қайтиб давоза томонга йўналди.

Ярим тунда одамнинг дилини хуфтон қиладиغان шунақа хунук иш чиқиб турганда, тонг отдими, отмадими — нима фарқи бор? Бу ёқда бало тақалиб кептурмаса, бошимга ураманми сени ярим тунда?

Дарвоза сезилар-сезилмас қалқиди. Сўнг шарақлаган овоз эшитилиб, дарча очилди. Тобора сўнаётган шип-шип қадам товушлари кимнингдир узоклашаётганлигини билдириб турарди.

Оббо ярамас-эй. Юз-қўлини чайқамасдан эшик очибди-да. Ё хотинимикан-а? Битта ёстикдошнинг бошини еб, ёшгинасига уйланиб олганига қаранг. Энди туни билан... тўймайди-ю, биров чақирганда туриш малол.

Искандар ака дўм чиққунчалик фурсатни ўтказиш учун кўчанинг нариги томонига шошилмай ўтиб, носини тупурди. Кўройдин кечада на у томонда, на бу томонда одам қораси кўринар бирор сас йўқ, фақат қаердадир итнинг хургани қулоққа чалиниб қоларди.

Елкасига сочиқ ташлаб олган Шодикул дом кўринди.

— Намунча? — деди у йддао билан.

— Ана уни қара.

— Нимани? Ҳеч нарса кўрмайман-ку.

— Яхшироқ қарагин. Ху ана, толнинг тагида, оқариб турибди-ку.



Шодикул ака ошнаси кўрсатган томонга ҳар қанча синчиклаб қарамасин, ҳеч нарса кўра олмади.

— У нима эди ўзи?

— Бола.

— Бола?

— Ҳа, бола.

— Қанақа бола?

— Чақалоқ.

— Қанақа чақалоқ?

— Ким билсин қанақалигини, ишқилиб, чақалоқ-да.

— Тирик болами?

— Билмадим. Ўлик бўлса керак.

— Ёспирай. Биров ташлаб кетганми?

— Шуни айтаман-да. Ўз кўзим билан кўрдим. Бир аёл ташлаб кетди.

— Қачон?

— Ҳозир. Томорқага сув очмоқчи бўлиб чиқаётган эдим. Аёл қораси кўринди. Кўлидаги тугунчани толнинг тагига ташлади. Кўзимга алвасти-палвасти кўриндими, нима бало, деб кўрқиб кетдим. Калимани қайтариб, ҳушимга келгунимча ғойиб бўлибди. Индамай уйимга кириб кетаётган эдим-у, қизиқиш ўлсин, қайтаб бориб қарасам, узунчоқ тугун. Секин бир учини очиб қарасам бола.

— Юр қани.

— Бу, албатта, бирорта бузуқ аёлнинг иши. — Валдирай бошлади олдинга тушган Искандар ака. — Нега бўлмаса боласини ташлайди? Яна келиб-келиб менинг деворим тагига-я. Мелиса чақириб, ўша аёлни топтиришимиз керак.

— Мелисани аралаштириб нима қиласан?

— Топиб жазоласин-да.

— Хў-ўп, ана, топиб жазолайди. Қамайди. Э-э, отириб юборади ҳам дейлик. Бундан сенга нима фойда?

— Ия-а?! — Искандар аканинг кўзлари қисилди. — Нима бало, тарафкашлик қиладиган бирорта одамдан гумонинг борми?

— Бе-э, кимдан гумоним бўларди?

— Шуни айтаман-да. Нега бўлмаса?...


Искандар ака жимиб қолди. Тўхтаб, ошнасининг кўзига қаради. Сўнг иккала кўлини белига тираб, кеккайганича бошини ликиллатди.

— Хў-ў, бир йили, қаердандир келиб қолган анави Шурага илакишганингга ўхшаб... а? Эсидан чиқиб кетган деб ўйлайсанми? Ҳечам-да. Ўша йили касалхонанинг ҳам, уйингнинг ҳам деворларига миҳ билан тилиб, катта катта ҳарфлар билан “Шодикул кўшув Шура” деб ёзиб чиққан мен эдим. Билдинг?

Шодикул ака индамади. Нима ҳам дерди, ҳаммасига ўзининг лақмалиги сабаб. Жўра деб, одам қуригандай, келиб-келиб шу аҳмоққа сир бериб ўтирибди... У бўлса, бутун сирини элга дoston қилиб юборди. Мақтанмай ўл-а... Шодикул ака қадамини тезлатди.

— Ўша деворларни суватиб ташлаганинг билан, эл унутади деб ўйлайсанми? Йў-ўк, биродар. Одамларнинг оғзига лойсувоқ уролмайсан-ку. — Искандар ака ўзининг гапи ўзига нашъа қилиб, янада авжланди. — Ўтмишга лой чаплашга сендан бошқалар ҳўп уриниб кўришган-у, лекин халқнинг оғзига элак тутиш ҳеч кимнинг қўлидан келмаган-да. Аммо сен бало экансан-эй. Қандай қилиб бир думалаб дўм бўлиб олдинг-у, “Шодикул Шура”дан “Шодикул Шўро”га айландинг кўйдинг. Қойилман-эй. Бор давлатинг ишга солган бўлсанг керак-а ўзинг ҳам? Бир йилда ҳам амал, ҳам одамларнинг оғзига қопқоқ урдинг, ҳам ўзингни ўнглаб олдинг.

— Энди... Шу гапларнинг мавриди эмас-да, Искандар, — Шодикул аканинг овози мулоимлашди. — У



вақтлар ёш эдик. Орадан қанча сувлар оқиб кетди. Ундан кўра, жувонмарг бўлган ўша гўдакнинг савобини олайлик. Бечора аёл ҳам мажбур бўлгандирки, шу ишни қилган-да. Шу... мелиса-пелиса деб ўтирмай, ишни ўзимиз ҳал қилиб кўя қолайлик, жўра. Майли, харажатлари мендан. Гўрковга ҳам ўзим айтаман.

— Ҳоо-оо, бир балоси бўлмаса... Сенинг бирор гапдан хабаринг бор-ов, — кўрсатгич бармоғини таҳдиднамо силкитди Искандар ака.

— Нима гапдан хабарим бўларди? Қишлоқнинг шаънига доғ бўлмасин дейман-да.

— Қишлоқнинг шаъни эмиш. Ўша, қишлоқнинг шаънига доғ бўлаётганини топиш керак-да.

— Топганинг билан нима фойда, а, нима фойда? Биров сенга раҳмат дермиди?

— Хў-ўй, — Искандар ака яна тўхтаб, кўлини белига тиради. — Ростдан ҳам ими-жимиди кўмиб юбормоқчимисан?

— Агар топайлик деб тихирлик қиладиган бўлсанг, ўзим топиб бераман сенга ўша аёлни. Фақат органга билдирмайлик.

— Қанақа қилиб топасан?

— Сўраймиз, суриштираимиз.

— Ва-ха-ха-ха-ха! — Искандар ака кўзлари қисилиб, мириқиб кулди. — Билган “фалончи” деб кўрсатади. Ўша аёлнинг ўзи ҳам сенинг суриштиришингга “ҳа, бу менинг ишим” деб тан олади. Дарров топамиз-кўямиз, а?

Шодикул ака оёғи остида ётган тошни жаҳл билан тепиб юборди. Тош шағал тўкилган кўчада бир неча бор сакраб-сакраб анча нарига бориб тўхтади. Осойишта тун тошнинг тошга уриб чиқарган чақ-чуқ товушини қаердадир сергак ётган итнинг қулоғига етказди шекилли, бўғиқ овозда хуригани эшитилди. Унга жавобан қишлоқнинг бошқа томонидан иккинчи ит хурди. Учинчиси бир-икки акиллаб қўйди-ю, итлар овози тинди.

— Менга қара, мелиса чақирсанг ҳам ит билан излайдими? — деди Шодикул ака юзини ит овози келган томонга ўгириб.

— Шунақа бўлса керак.

— Шу... ўзимиз ит билан қидирсак-чи?

— Қани ўшанақа изтопар ит?

— Менда зўри бор, — деди Шодикул ака ошнасининг кўниш-кўнмаслигидан хавфсираб.



— Эплай оладими?

— Бўлмасам-чи. Бир ҳарбий кишидан сотиб олганман. Немис овчаркаси.

— Бўпти. Олиб чиқ, қани.

Ошнаси чиққунчалик фурсатда Искандар акани турли-туман томонларга етаклаган бир-бирига зид хаёллари тилини осилтириб турган итни кўрган заҳоти бўлинди.

— Ҳа, нега қаққайиб қолди бунинг?

— Бошла-да.

Искандар ака олдинга тушди. Шодикул дўм унинг кетидан талпинган итининг бўйинбоғидан маҳкам тутиб, эргашди. У итини толлардан бирига боғлади-да, нарироқда, Искандар ака бир учини қайириб очган, ариқ лабидаги тугунча устига энгашди. Кечани сутдек ёритиб турган тўлиной чақалоқнинг юзини оқартириб кўрсатар, бўйнидаги, эҳтимол, бармоқ излари бўлган учта доғ қорайиб кўринарди.

— Айби нима экан-а бу бечоранинг? Бирорта бола-сизга бермайдими шуни? — деди Шодикул ака.

— Шуни айтаман-да. Тирноққа зор оилалар каммики, бирортасининг эшигига ташлаб кетса.

Шодикул ака итини ечиб, тугунча томонга етаклади.

— Рекс, ҳид ол, Рекс.

Ит унга бир тикилиб, яна тескари қаради. Сўнг, эгасининг мақсадими тушунди шекилли, тугунчага яқинлашиб, уни ҳидлади-да, бир неча қадам бери келиб, Искандар акага қараб ириллади. Шодикул ака бўйинбоғни силтаб қўйди. Ит ер ҳидлаб, жойида бир айланиб олди. Кейин яна Искандар акага қараб талпинди.

— Э-э, бунинг ё ҳеч нарсани пайқамайди, ё ўзинг эплай олмаяпсан. Менга бер-чи.

Шодикул ака итининг тизгинини ошнасига тутқазди.

Искандар ака тарс ёрилиб кетаёзган ичини бўшаши мақсадида зарда қилган бўлса ҳам, оғзидан чиққан гапга эгалик қилиш учун боғични ушлади-да, энди ўзига парво қилмай қўйган итнинг, негадир, тескари томонга юра бошлаганини кўриб, ич-ичидан шодланди.

Ит уларни қишлоқ оралаб анча вақтгача етаклаб бориб, қийшиқ-мийшиқ пастқам пахса девор ва шох-шабба билан ўраб олинган ҳовли оралиғидаги торгина тупроқ йўлгага бурилди. Ит шох-шабба томондан аллақандай шарпани сезиб, қулоқларини динг қилиб, қотди. Кейин ўша томонга қараб ириллади.

— Ҳмм, кўрдингми? — Искандар ака шеригининг биқинига туртди.

— Секинроқ, — шивирлади Шодикул ака. — Овозингни чиқарма.

— Нега энди?

— Жим-эй. Ана у ерда биров борга ўхшайди.

Иккаласи тўхтаб, Шодикул ака кўрсатган томонга қарашди. Шодикул ака итининг ириллашидан хавотирланиб, тизгинни Искандар аканинг қўлидан олди. Ўн қадамлар чамаси наридаги шохтўсиқ томонда одам бўйи хода энгашиб, яна тиккайди.

— Шошма, яқинроқ келсин, — шивирлаган овоз эшитилди ўша томондан. — Итидан кўрқма. Ўзим ҳал қиламан.

— Тўхташди-ку, — деди унга жавобан бошқаси паст овозда.

Хода ёнида одам қораси кўринди.

— Қамар, орқасидан чиқ, — буюрди хода томондаги киши баланд овозда. Сўнг ўзи шатир-шутир қилиб, шох-шабба устидан сакраб ўтди.

— Ўлдик, — деди Искандар ака дўмга яқинроқ келиб. — Ана топган қилигинг. Ҳозир ўғри деб ушлаб

олишади.

— Қалтирама, — силтаб ташлади уни Шодикул дўм. — Юракдан ҳам бор экан-ку. Бўлгани бўлди энди. — У овоз чиқариб, йўталиб қўйди.

— Кел, келавер, полвон. Ўлдирмасам, сендан қутилмайдиғанга ўхшайман.

Шох-шабба устидан сакраб ўтган кишининг овозидан Баҳри эканлигини танишди. Уларнинг орқароғидан калтак кўтарган яна бир эркак пайдо бўлди. Афтидан, бу Баҳрининг боя “орқасидан чиқ” деб буюрган катта ўғли Қамар эди.

— Тек тур, — деди Шодикул ака бор овозда ҳурган итининг тизгинини силтаб. — Жим! Жим бўл, деяпман!

— Ие, бу дўмниям етаклаб келаяптими, — деди Баҳри унинг овозини таниб. — Ҳой, Шодикул ака, сиз аралашманг.

— Шайтонга ҳай бер, Баҳри, бу бечорада нима гуноҳ? — Нима гуноҳ эмиш. Ўзиям бир-икки ой боқиб кўрсин, бола ўстиришнинг нималигини тушунади.

— Нега энди сенинг болангни бу боқаркан?

— Туғдиргандан кейин боқади-да.

— Ҳой, Баҳри, — Шодикул дўм уни шаштидан тушириш учун бироз овозини юмшатса-да, жўяли ҳеч гап топа олмади. — Ҳа, хў-ўп, бола сенга керак эмас экан, ўлдириб нима қилардинг?...

— Нима-а? — Баҳрининг бақирғидан гўё қўшнисининг пахса девори-ю, ўзининг шох-шаббасидан тортиб, фарбга ёнбошлаган тўлинойгача титраб кетгандай бўлди. — У-ур муттаҳамни!.. — Жон ҳолатда Искандар ака ташланган Баҳрининг йўлини ириллаб тўсган ит калтак зарбидан баттар ҳуриб, қутилмаган зарбдан ўзини йўқотиб қўйган эгасининг қўлидан чиқиб кетди. Баҳри унга чап бера олмаслигига ақли етиб, ўғлига қичқирди: — Қамар, ур!

Искандар ака калтак зарбидан гангиган бошини ҳимоя қилиш учун иккала қўли билан маҳкам қучиб, додлади.

— Вой боши-им! Мен сизларга нима қилдим?

Қамар унинг овозини таниб, яна уриш учун қайта кўтарган калтаги боши устидан қотди.

— Ие, — деди у ҳайратланиб. — Ота, бу Искандар ака-ку.

— А?

— Бу Салим эмас, Искандар ака-ку.

Шодикул ака ҳушини йиғиб, Баҳри билан олишаётган итнинг тизгинини қоронғуда пайпаслаб топиб, жонининг борича тортди. Ит ҳамон ирилласа-да, ҳар қалай, итоат қилиб, бироз тинчиди. Қамар калтагини тушириб, отасининг ёнига келди.

— Ота, бу кишини уриб нима қиламиз? Ахир...

— Наридан, — йўлини тўсаётган ўғлини силтаб ташлади Баҳри. — Ўшалар юборган-да. Тагин кўрққанидан ит етаклаб келганини қара. Барибир ҳаммасини ўлдираман. Мен аҳмоқ, тирик болани ўз кўлим билан юбориб ўтирибман-а.

Искандар ака Баҳрининг ҳамласидан паналаш учун ўзини Шодикул дўм томонга олди.

— Шошма-шошма, — деди Шодикул дўм, итининг тизгинини ўз пинжига тикилаётган ошнасига тутқазиб, Баҳрига яқинлашар экан. — Нима гап бўлди ўзи?

— Нима бўларди? Билмайсизми ўша Салимни? Худонинг берган куни ичади, кейин жанжал қилгани-қилган. Қизимга кун бермайди. Бугун ҳам учта жўраси билан келиб, ярим кечагача улфатчилик қилишибди. Кейин яхши қарамадинг деб, хўп дўппослабди. Қизим шўрлик иккита боласини етаклаб, изиллаб йиғлаб келди. Бор, уйига ташлаб кел, ўзи боқиб кўрсин, деб болаларни Қамардан бериб юбордим. Улар борса, ғирт маст экан.



Шу кеча ҳаммангни ўлдираман деб, пичоқ олиб қувлапти. Қамар болаларни ташлаб қочибди. Келиб қолар деб, пойлаб ўтирибмиз.

— Хе, жанжаллашмай...

Хўроз қичқирди, унга жавобан бошқаси жўр овоз берди, қишлоқнинг барча хонадонларидаги деярли битта сим билан туташтирилган радиокарнайлардан чанг садоси эшитилди, бирор сония ўтмай, унга майин оҳанг уланди, элас-элас эшитилаётган итнинг хуриши, қайсидир хонадондаги сигирнинг мўраб қўйишига дарахтлар шохида тунаб бўлган қушлар сайроғи қўшилиб, тун ниҳоясидаги сукунатни буза бошлади. Дикторнинг қулоққа зўрға чалинаётган овози тинди-ю, оркестр садоси янгради, сўнг хор ихросида айтилаётган қўшиқнинг дастлабки сўзлари аниқ эшитилди:

Ас-сало-ом...

Шодикул ака эсини танибдики, ҳар тонг ана шундай бошланади: уйқуси батамом қочишга улгурмай, кўзини чала очган ўзбекнинг боласи ҳали ўз ота-онасига салом беришга улгурмай, худди ўша боланинг қулоғи остида азон айтилаётгандай:

Ас-сало-ом...

садоси янграйди. Ана шу "ас-сало-ом" садоси ҳаётнинг кундалик бисмиллосига айланиб бораётгандай гўё.

Шодикул шу аснода димоғига урилган қўланса ҳиддан ижирғаниб, унинг қаёқдан анқий бошлаганига тушуна олмай, ён-атрофга аланглади.

Кўча четидаги эски пахса деворда бир тартибда ёпиштирилган таппилар оқариб келаётган тонг шульсиди дона-дона бўлиб кўрииб қолди. Дарчанинг очиқ турганлигидан хонадон соҳиббаси анчадан бери йиғилиб қолган гўнгни ҳозиргина деворга ёпиштириб бўлиб кириб кетганлигини англаган Шодикул дўм ошнасига ҳадиксираб қараб қўйди. Хайриятки, Искандар аканинг фикри-ёди битта нарса — итнинг қаёққа бошлаб бориши билан банд эди...

Ит ҳали дарвоза ўрнатилмаган уй олдида таққа тўхтаб, қулоқларини динг қилди.

— Ана! Ана! — деди Искандар ака ҳозиргина қўлига олган носкадисини шоша-пиша шимининг чўнтагига қайтариб солар экан. — Энди топди-ик. Энди топдик, жўра.

— Шумикин-а? — деди Шодикул ака шалвираб.

— Аниқ шу. Ота-она ўлиб кетган, тергайдиган киши йўқ, истаган номаъкулчилигини қилаверади-да.

— Мумкин, — деди Шодикул ака бутунлай бўшашиб. — Барибир ўзимизнинг қишлоқдан чиқди-да, а?

Кутилмаганда ичкаридан хотин кишининг "Ҳозир, чиқаяпман", деган овози эшитилди. Иккала изқувар бир-бирларига қараб, бақрайиб қолишди. Нарироқ кетишни ҳам, шу ерда тураверишни ҳам билишмасди. Орқасидан излаб келаётганини билгандай, Маликаси тушмагур ўзи "Мана, чиқаяпман", деб ўтирибди-я. Хў-ўп, қилган номаъкулчилигини ўзи билгани билан, тан олмаса, бўйнига қўйиш осонми? Ит ит-да, нима учун айнан шу ҳовлига етаклаб келганлигини тушинтириб беролмас. Аёл кишининг ёмони билан тенг келиб кўр-чи, ё қочиб қутулсан, ё ўлиб. Айтайлик, "Бола сеникими?" деб сўрадинг. "Ҳа" дейди. "Ярми сеники-ку", деб тўхмат қилиб туриб олса, нима қиласан? Қайтанга, обрўйингни тўкканинг қолади. Ҳалиям бўлса кеч эмас. Эс борида бундан нарироқ кетиш керак.

— Искандар, — деди Шўро паст овозда, дашт томонга қараб интила бошлаган итнинг тизгинини тортиб. — Мана, топдик. Лекин... Ке, қўй, шу билан пачакилашиб ўтирмайлик. Ҳалиям бўлса ўша гапим гап, ҳаммасини ўзим бажараман...

— Нима-аа-а? — жиддий тортиб кўзлари қисилган Искандар ака. — Шу касофатни деб, бекордан бекор

таёқ еганим қолди. Мен буни шундай кўярмидим? Тавбасига таянтирмасам, юрган эканман. Қилиб юрган ишларидан шундоқ ҳам раҳматлик Ҳалимнинг арвоҳи чирқиллаб ётибди.

— Бўлмаса... — Шодикул ака бўшашиди. Осмондаги ойни ерга тушишга кўндириб бўлар, лекин буни айтганидан қайтариб бўлмас. Ўр, бирам ўр, сил қилиб ташлайди.

— Бўлмаса, ўзинг гаплашасан.

— Гаплашаман ҳам.

— Чиқаяпман, — Маликанинг овози эшитилди ичкаридан.

Зум ўтмай сумкачасининг бандини билагидан ўтказиб олган Малика енгил ҳаракат билан уларга қараб кела бошлади.

— И-е, — деди ярим йўлда таққа тўхтаб. — Сизлар-ку! Мен шерикларим деб ўйлабман. Ассалом. Келинлар.

— Хў-ў, қизгина, — деди иккала қўлини белига тираб, оёқларини кериб турган Искандар ака қовоғидан қор ёғилгудай бўлиб, унинг саломига алик ҳам олмай. — Қачон ташлайсан шу хунарингни?

— А-а?! — Маликанинг қошлари чимирилди, кулгичлари текисланиб, юзи жиддийлашди. — Ташласам-ташламасам сизга нима?

— Қишлоқнинг юзини ерга қаратдинг-ку!

— Ҳо-оо-о, ор қилиб қолдиларми?

— Албатта-да, — деди Искандар ака шох ташлаб.

— Бошқа қишлоқдан ўйинчи чиқмаганми?

— Улар ўз йўлига. Лекин биздан...

— Шошма, — деди итини қайрағочга боғлаб келган Шодикул дўм Искандар аканинг қўлини ушлаб, унинг сўзини бўлар экан. — Дўқ-пўписа қилмай, сал юмшоқроқ гапиргин. Ахир, қиз бола деган номинг бор, бундоқ ор-номусингни ҳам ўйласанг-чи.

— Сизлар айтмасаларинг ҳам биламан, — қўлини силкитди Малика. — Еттита етимчанинг увол-савоби ҳам менинг бўйнимда. Ота-онаси жувонмарг кетди, деб биров қайғурармиди?

— Давлат боқувчисидан ажралганлик нафақасини бераяпти-ку.

— Ўша берган қирқ сўмига рўзгор қилиб бўларканми? Етмиш сўм ойлигимни кўшганимда ҳам, бир ўзимга етмайди. Уларни едириш-кийдириш керак, уйлантириш керак, ўқитиш керак. Шуларнинг ўзи бўларканми?

— Қариндош-уруғларинг бор, бир томони юртчилик, биз ҳам қараб турмасмиз.

— Бизга садақа керак эмас. Қариндошнинг биттаси Ҳамроқул амакимми? Ўз иниси бўла туриб, отамнинг йили чиқмасдан кўмишга қилган харажатларини қистаб туриб олди-ку. Хайрият, отамдан пича заём қолган экан, ўшани бериб қутулдик. Яна қаратиш учун докторларгаям қанчадир берган экан, майли, бунисига розиман деб, бизга миннат ҳам қилади. Ҳаммаям шу-да. Йў-ўқ, тирик эканман укаларимни миннатлик нон билан боқмайман. Сизлар ор қилсангиз ҳам, шу топганим ўзимга ҳалол.

— Бўлди, гапни чўзмай, индаллосига ўтиб кўя қол, — деди Искандар ака.

— Сен айт... айтмоқчи эдинг-ку.

Улар бир-бирларига қараб қолишди. Бировнинг ўғрилигини билсанг, юрагинг сезиб турса-ю, ўз кўзинг билан кўриб, ушлаб олмаганингча "сен ўғрисан" деб бўлармиди? Далил-исботинг йўқ, қайтанга ўзинг тўхматчига чиқиб қолишинг ҳеч гап эмас.

— Қизим... — Искандар ака бироз юмшаган бўлса ҳам, гап топа олмай, чайналди. — Ана у... Энди-и, қишлоқчилик. Раҳматлик отанг билан қиёматлик дўст эдик.

— Шунинг учун кеча-ю кундуз холимиздан хабардор



бўлиб турасизлар-да, а? Хатто тонг отгунча уйимизни ит билан кўриқлаб ҳам чиқасизлар.

Ўрнига тушган қочирикдан Шодикул аканинг қоши сезилар-сезилмас чимирилиб кўйди.

— Гапни бўлмайтур-да, — деди Исқандар ака мўйловини бураб кўйиб. — Хабар олишни-ку, унутганимиз йўқ. Лекин шу хулқингдан бироз ранжиб турибмиз-да. Ахир, дўм бобонг айтганидай, киз бола деган номинг бор. Биров у дейди, биров бу.

— Э-э, нима деса деявермайдими!

— Ҳаммаси майлику-я. Шу юришингда яна бирор... бирор нарса орттириб олсанг, еттита етимчанинг устига...

Малика қақиллаб кулиб юборди.

— Вой амакилар-эй, — деди у қаҳқаҳаси бироз су-сайса ҳам, ҳамон кулгидан ўзини тия олмай. — Шундан хавотирдамиз денглар-а? Вой амакилар-эй. Агар шугина бўлса, ҳечам кўркманглар. Отамнинг арвоҳини ўртага солиб қасам ичаманки, мен ўзимга мустаҳкамман. Лекин... — Малика жиддийлашди, — сиз ҳақсиз. Барибир бунга ҳеч ким ишонмайди. Иложим қанча, — у чуқур нафас олиб, уф тортди. — Пешонамга эр битган бўлса...

— Хафа бўлма, қизим, азбаройи куюнганимиздан-да, — деди ийиб кетган Шодикул ака нима мақсадда саҳарлаб кўча кезиб юрганлари эсига тушиб, Маликага сездирмайгина ошнасига "кетдик" ифодасида кўз қисиб, ити томон йўналар экан.

— Ҳа-ҳа — унинг гапини маъқуллади Исқандар ака. — Бошларинг омон бўлса, худо хоҳласа яхши кунларга ҳам етасизлар.

— Раҳмат, амакилар, — деди Малика ёш йилтираган кўзларини артиб. — Уйга кирсаларинг бўларди. Бир пиёла чой...

— Йўқ-йўқ, қизим, бошқа сафар. Ҳали зарур ишларимиз бор, — деди Шодикул ака дашт томонга талпинаётган итининг тизгинини маҳкамроқ тортиб, унга эргашаркан.

Малика ичкарига кириб кетди.

Орқадан патиллаган овоз эшитилиб, шалағи чиққан аравачали мотоцикл уларни қувиб ўтди-да, кўчанинг деярли охиридаги ҳовли олдида тўхтади. Собир сарикнинг ўртанча ўғли мотоциклдан сакраб тушиб, ичкарига кириб кетди.

— Ҳа-а? — истехзоли илжайди Шодикул ака. — Айтолмадинг-ку.

— Қасам ичиб ўтирибди-ку, ишонмай бўладими?

— Ҳа-ҳа-а, — масхараомуз ҳиринглади Шодикул дўм. — Ана шунақа, биродар. Ҳар кимдан гумон қилаверганининг билан, бетига очиқ айтишнинг ўзи бўлавермайди.

Улар мотоциклнинг ёнидан ўтаётганларида ичкаридан Собир сарик, орқасидан кампири, ҳозиргина ичкарига кириб кетган ўғли Нурмат ҳамда унинг қайнотаси билан қайнонаси кўринишди. Улар ўз ташвишлари билан бўлиб, ёнгиналаридан ит етаклаб ўтиб кетаётганларга аҳамият беришмади.

Нурмат тепкини босди. Мотоцикл пир-пир этди-ю, ўт олмади.

— Ана улар ким эди? — деди улардан анча нарига ўтиб кетган "изкуварлар"га энди кўзи тушган Нурматнинг қайнотаси Бегимкул мотоциклнинг кажавасига ўтраётди.

Собир сарик орқасига ўгирилди.

— Шоди дўм билан Исқандар-ку.

— Ия, ҳукумат ит етаклаб юрибдими? — деди Бегим ака.

Оббо, барибир таниб қолишди-да, кўнглидан ўтказди Шодикул дўм. Унинг қулоғига кудаларнинг мазах гап-

лари аниқ-аниқ эшитилиб турарди.

— Саҳарлаб нима қилиб юришибди экан?

— Қиладиган бошқа иши бўлмагандан кейин.

— Ўзи жавраб чарчаса, итини хурдиради-да...

Мотоциклнинг париллаб ўтолганидан бошқа гаплар эшитилмай қолди.

Озига ўнг келганини мана шу саводсизлар ҳам қайтариб ўтирмаса, деворнинг ҳам қулоғи борлигидан кўркмаса, за-ап қизик замонлар бўлаяптими. Бурунги, ана у Нурматдай мўйлови энди сабза урган ўспиринлик пайтидаги вақтлар бўлганда-ку, бунақа гаплар учун уччаласининг ҳам тилини суғуриб олиб ё пешонасининг қоқ марказидан қарсиллатиб оттирган, ё авахтада чириттириб юборган бўларди-я...

Ит уларни жўрттага овора қилмоқчидай, ҳамон бирор хонадонга дадил кириб бормай, кўчанинг сўнгидаги унчалик кенг бўлмаган майдон олдидан ўта бошлади. Майдончада ўрнатилган уч-тўртта қийшиқ-мийшиқ устуну, икки чеккасида футбол ўйини учун дарвоза вази-фасини ўтовчи кўшалок тўсинни айтмаса, уруғлик лавлагипояларнинг уйиб ташланганлигини кўриб, бу ерни стадион эмас, колхоз хирмонжойи деб ўйлаш мумкин эди. Эгаси кўчиб кетган ҳовлидаи ҳолатда бўлиб турган мактабнинг стадион томонидаги деворининг бир неча жойларидан тиргак кўйилган эди.

Ит йигирма қадамларча юриб, мактабнинг олди томонига ўтай деганда кўёш ерда нималар бўлаётганини ҳеч кимга билдирмай пойламоқчи бўлгандай, рўпарадаги тоғ чўққисидан бир мўралади-ю, бари-бир ўзини сездириб қўйганлигини тушуниб, секин-секин бошини кўтара бошлади. У бир тўда ўқувчилар олдида Усмон муаллим билан мактаб директорида дағдага қилаётган Тўра бригадирнинг муомаласидан уялгандай, кип-қизариб кетганди.

— Айтиб қўяй, — дерди Тўра бригадир кўлини таҳдиднамо силкитиб, — болаларингиз бугун ҳам кечагидай ишлайдиган бўлса, масалангизни тўппа-тўғри райкомга қўяман.

— Сал андиша қилсангиз бўларди, Тўракул, — деди Усмон муаллим. — Ҳеч бўлмаса, ўқитганимизнинг ҳурматини қилинг.

— Ўқитган бўлсангиз ойлигингизни олгансиз, — жеркиб ташлади уни Тўра бригадир. — Мен сизларни томоркамга обориб ишлатаётганим йўқ.

Усмон муаллим унга жавобан нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади. Лекин директор уни гапиргани кўймай, қўлтигидан олиб, нарига етаклади. Шодикул дўм билан Исқандар ака директорнинг гапини эшитишмади.

— Мени ҳам тушунинг-да, Мухтор ака, — директорнинг гапини эшитиб бўлган Усмон муаллимнинг овози баралла чиқарди. — Кичкинам сариқ бўлиб, бир ойдан бери касалхонада ётибди. Онаси бошида. Болаларга қарайдиган одам йўқ. Ҳеч бўлмаса, тушликка чиққан вақтимда бир бориб хабар олиб келмасам, қанақа ота бўлдим?

— Бу ёқда план деган гап бор, касал-пасалингга қарамайди, — деди Тўра бригадир иккала кўлини шимининг чўнтагидан чиқармай. — Менинг ўрнимга бир кун планёркага бориб кўринг, кейин биласиз. Далада помидор чириб кетаяпти-ю, бу киши боласини пеш қилади. Ўшанинг баҳонасида хотинингиз ҳам ишдан қочиб ётиб олгани етар.

— Онаси бирга ётмаса, касал болага ким қарайди?

— Беш яшар бола ўзини-ўзи эплай олмайдими?

Усмон муаллимнинг юзи ғазабдан гезарди. У директорни силтаб ташлаб, Тўракул томонга интилди.

— Садқаи...

Директор унинг кўлидан маҳкамроқ ушлаб, яна ни-



маларнидир тушунтира бошлади...

— Э-э, қўйсангиз-чи, Мухтор ака, — тутақа бошлади Усмон муаллим. — Нимадан кўрқасиз бунча? Олса битта директорлигингизни олади-да, шунга шунчами? Сиз ҳам раҳбар бўлиб, бундай мактаб учун курашинг-да. Ўзингизниям, мактабниям, муаллимларниям, болаларниям тоза оёқ ости қилдингиз-ку. Муаллимлар-ку, майли, шўрлик болаларнинг айби нима? Эрта баҳордан экишга ёрдам берса, чопиғига чиқса, йиғим-теримда қатнашса, пилласига ёрдам берса... Ҳали у ёқда пахтаси ҳам бор, икки ой худонинг паноҳида кетамиз кўрпа-тўшагимиз билан. Янги мактаб қуриб беришни-ку, хаёлларига ҳам келтиришмайди. Колхознинг фермаси ҳам шу мактабдан минг марта яхшироқ. Ҳеч бўлмаса, ремонтга тузукроқ қарашсин шу колхозингиз, кейин келиб бизга дўқ қилсин. Мана, ўқиш бошланганига ҳам икки ҳафта бўлди, стадионнинг аҳволи ҳамон бу, лавлаги уруғ, сабзи уруғдан бўшамайди. Аввал ўшани йиғиштириб олсин.

— Сизга қолган эмас, — деди сигарет тутаётган Тўракул. — Вақти-соати етса, ўзимиз йиғиштириб оламиз.

— Сенларга қолса ҳаво ширр этгунча ҳам тураверади.

— Керак бўлса, киши билан ҳам туради, — деди Тўра бригадир кўзларини лўқ қилиб...

Ит сертупроқ кўчага чиқиб ўннга, Искандар аканинг ҳовлисига борадиган томонга бурилди.

— Бу ит дегани бизни айлантриб юраверса, бекордан бекор санқийверамизми? Ҳалиям бўлса менинг айтганимни қилайлик.

— Йўқ, — деди Искандар ака қатъий. — Топмасак, қўймаймиз. Аввал бошданоқ сенинг гапингга кирмслигим керак эди ўзи.

Шодикул ака индамади. Билганини қилсин.

Чўл томонга элтувчи йўл ёқасида гараж қоровули Ҳошимнинг хотини ўн ёшлар чамасидаги ўғли ва ундан каттароқ бўлган икки қизи билан турарди.

— Эрталабдан бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар, келин? — деди Шодикул дўм уларнинг саломига алиқ олиб.

— Машина кутиб ўтирибмиз.

— Йўл бўлсин?

— Чўлга. Ишлагани. Корейслар пиёз қаздиргани ҳар куни шу ердан одам олиб кетаркан.

— Ўзимизникиларгаям ҳашарчилар керак-ку. Шуларга ёрдам берсаларинг бўлмайдимми?

— Буларингиз ғирром-да, яхши ҳақ бермайди. Корейс ўзи обориб, ўзи келтириб қўяди. Тушликда гўштлик овқат қилади, қилган ишингга қараб пулини нақд тўлайди. Яна ҳар иш кунингга катта одамга икки-тадан, болаларга биттадан совун, бир пақирдан пиёз беради.

Шодикул ака унга қилган таклифидан пушаймон бўлиб, индамади. Нима ҳам дерди — Хосият келин ҳақ гапни айтаяпти.

Миниб келаётган велосипедидан тушиб, Шодикул дўм ва Искандар ака билан кўришган Аброр муаллимни кўриб, Хосиятнинг қизлари ўринларидан туришди.

— Ҳа, прогулки, — деди Аброр муаллим қизларнинг каттасига. — Бугун ҳам мактабга бормайсанми?

“Прогулчи” миқ этмади.

— Бормайди, — жавоб берди унинг ўрнига онаси.

— Нима, ўрнида мен ўқийманми?

— Керак бўлса, ўқийвер. Болаларингни ўқит. Ҳамма катталар билан муаллимларнинг болаларини ўқитавер. Биздан барибир ўқимишли одам чиқмайди.

— Нега унақа дейсиз, янга? Агар қизингиз прогул қилмаса, синфдаги аълочи ўқувчи бўлади.

— Бу яхши ўқиган билан биз ўқитолмасак-чи?

— Нега ўқитолмас экансиз?

— Нега-а, нега-а?... Дафтар йўқ, деб бир хархаша қилади, китоб йўқ, деб бир хархаша қилади. Магазинда бўлсаки, олиб берсам. Шаҳарга тушиб ахтаргани менда пул қани? Яна ҳали катта мактабга киритиш учун ҳам фалон пул керак дейишади...

— Дафтар ҳозирча бўлмаса, кўпайиб қолар. Китобниям мактаб бераяпти.

— Бо-а, ўргилдим. Увадаси чиқиб кетган битта китобни Саиднинг қизи билан иккаласига берибди. Бир кун буниси обориб дарс қилармиш, бир кун униси.

— Ҳа, энди, янга... — Аброр муаллим гап топа олмай, чайналди. — Энди... Шу йил шунақа бўлди-да. Келаси йил яхшиланиб қолар.

— Гўрда яхши бўли. Йилдан-йил баттар бўлса бўла-яптики, беҳтар бўлган эмас. Буниси ҳам майли. Ана у раз-двачи муаллимнинг бўлса ҳар дарсда пўрма кийиб келасан деб қистар эмиш.

— Янга, шу битта пўрма дегани нима? Беш-ўн сўм қаерларда қолиб кетмайди?

— Беш-ўн сўм. Оласан беш-ўн сўмга. Кеча дадаси бозорга тушиб келди. Энг арзони ўттиз-қирқ сўм дейди. Ушаниям бунини размери йўқ эмиш. Оёғига киядиган ҳалиги тапичкасининг ўзи саккиз сўм экан-а. Бунинг устига патпели, ручкаси, қалами, мактаб пўрмаси, яна бир нима балолар. Бундай ҳисоблаб қарасанг, битта болани мактабга сал одамшавандароқ қилиб юбориш учун кам деганда юз сўм кетаркан. Менда шунча пул қани? Сенларнинг ойлигинг кўп. Болаларингга истаган нарсасини олиб бериб, ўқитаверасанлар.

— Янга, битта форма бўладиган бўлса, мен ўзим директорга айтамай, қистамайди. Борсин.

Хосият тумшайиб, юзини тескари ўгирди.

— Яна етим болаларга ёрдам учун уч сўмдан олиб келинглар, деган эмиш. Ўша тирик етимларингни давлат боқиб ётибди-ку, етимдан баттар қишлоқ болаларидан ёрдам сўрагани нимаси. Анави куни бўлса, сувга чўқаётганларни қутқариш учун пул сўраган эмиш. Товба қилдим, товба қилдим-эй, чўкадиган сувнинг ўзи бўлмаса, кимни қутқаради булар.

Аброр муаллим бир оёғини велосипедининг педалига қўйиб, минишга ҳозирланди.

— Ҳачча, Мунира билан Сойибагаям айт, боришин. Форма масаласини ҳал қилдириб бераман. Мен энди кеч қолмай борай, ўнинчиларни ишга олиб боришим керак.

У велосипедининг ёғсираган педалини гичирлатиб “изкувар”ларни қувиб ўтди-да, мактаб томонга қараб кетди.

Ит бўлса тупроқ йўлда аниқ-тиниқ билиниб турган ёлғиз калиш излари устидан борарди. Аёл қишлоқни бир айланиб келиб, дашт томонга чиққан, кейин ана шу тарафга бурилганига иккаласининг ҳам ақли етди. Иккаласи ҳам нега энди унинг бир қадамгина йўлдан ўтмай, шунча жойни айланиб келганлигига тушуна олишмади.

Искандар аканинг ҳовлиси ёнидан бошланувчи тош кўчага етишганида калиш излари йўқолди. Аёл дашт томонга ўтмай, шу ердан қайтиб қишлоққа кирганлигини сезган Шодикул аканинг кўнгли бироз таскин топди — афтидан, у Искандарни уйдан чиққандаёқ кўрган, кўрқиб кетганидан нима қиларини билмай, кўлидаги тугунчани ташлагану қочган. Нарироқда пойлаб турган. Буларнинг ит етаклаб келаётганини кўриб, қишлоқ оралаб кетган, изини йўқотиб, бизни лақиллатган-да, айланиб келиб, яна боласини олиб кетган. Қанийди шундай бўлиб чиқса. Искандар минг қирангани билан ҳеч нарсани исботлай олмай, тилини тишлаб қолаверган бўларди.



Ит эгасини судраб келиб, ўзини Искандар аканинг эшигига урди. Эски шалоқ дарвозанинг бир тавақаси гийқиллаб, бироз сурилди.

— Бунинг ўзингга ўхшаш ғирт аҳмоқ экан-ку, — жаҳли чиқди Искандар аканинг. — Шунча жойни айланиб келиб, яна менинг уйимга тақалади-я.

— Шошма, — Шодикул ака бирдан ҳушёр тортиб, кўзлари кенгайди. — Айтгандай, ўзларида ҳам қиз бор-а?

— Эсинг жойидами? — бақирди Шодикул ака. — Битта эрдан безор бўлиб келиб ўтирибди-ку.

— Ит билади, ҳаммасини билади, — деди Шодикул дўм кўрсатгич бармоғини бигиз қилгани ҳолда. — Қани, кирсин-чи, кўрамиз бу ёғини.

Искандар аканинг ҳай-ҳайлашга қарамасдан Шодикул дўм эрк берган ити дарвозани гийқиллатганича кўпроқ суриб, ичкарига кирди-да, супанинг пастидаги вайиш остида қўйилган эски тахта каравот чеккасида ҳолсиз ўтирган жувонга ташланди. Шодикул ака икки оёғини маҳкам тираб, кучининг борича тизгинни тортиди. Шоира чинқириб, каравот устига сакраб чиқди, лекин тик туришга мажולי етмай, ўтириб қолди.

— Сен... сен.. Ана у бола.. — гўлдиради Искандар ака кўзлари ола-кула бўлиб.

Шоира миқ этмай, иккала қўли билан юзини бекитди-да, бошини ҳам қилди.

— Бола... Ана у бола... сеникими? — деди Шодикул ака ўзи ҳам ишонмай, Шоирага қараб ириллаётган итни тортар экан.

Шоира ўша ҳолатда ўтирганича бошини сарак-сарак қилди.

— Гапир. Бўлмаса ҳозир талайди, — деди Шодикул ака.

— Меники...меники — деди кўрқиб кетган Шоира кўзлари жавдираб.

— Ҳа-а, падаргинангга лаънат-а! — Искандар ака иккала қўлини мушт қилиб силкитар, қизини дўппослаб, оёқлари остига мажақлаб ташлагиси келар, дунё кўзига тор кўриниб борарди. — Падаргинангга лаънат-а. Бир марта юзимни ерга қаратганинг етмасмиди-я!

Бундай бўлиб чиқиши Искандар аканинг-ку, хаёлига келган эмас, Шодикул дўм бўлса, қишлоқдан кимни айтсанг ишонган бўлар, лекин бир шапалоқнинг қасдига ўзига ўт қўйиб, бадани каштага айланган, устига устак, ажабтовур йигит умрининг бекордан бекор қамоқда ўтиб, у ёқдан бемаҳал ўлиги қайтишига сабаб бўлган мана бу беандиша сарқитга қайси эркак зоти қўл узатиши мумкинлигини тасаввурига сигдира олмасди.

— Мана, топди-ик, — деди у кесатиб. — Энди сазойи қиламизми?

— Шодижон, балогинангни олай, Шодижон, — ялина бошлади Искандар ака. — Мен аҳмоқ бошданок сенинг гапингга кирмадим-а. Кел, шуни айтганингдай қилайлик.

— Ҳо-о, шунча сарсонимни чиқариб, эндими?

— Айланай, Шодикулжон. Ахир сен элбошисан. Бу гапларнинг бир учи келиб келиб ўзингга ҳам тақалади-ку.

— Менга бунинг касофати тегиб бўлган. Ўшандаёқ хайфсан беришганди.

— Қишлоғимизнинг шаънига...

— Қишлоқнинг шаънини ўйлайдиган одам етти маҳаллага эшиттириб ногора қоқмасдан олдин ўзига қарайди-да.

— Юзимни ерга қаратма, жон жўра.

— Сенда юз қолганми? — итини етаклаб эшикка йўналган Шодикул дўм шунча вақтдан бери ичида йиғиб юрган бор аламини чиқарди. — Ерда ётган ўз зурёдинг эканлигиники билмасанг

# ЯШАМОҚ АСЛИДА

## Фидолик

### ЎХШАГИМ КЕЛАДИ...

Қани энди бўлсам Ширин ё Лайли,  
Бўлсам Тўмарисдек ёвқур, сершиддат.  
Юрт учун жонимни берайин майли,  
Яшамоқ аслида фидолик албат.

Ўхшагим келади Бибихонимга,  
Нодира назмида шеърлар ёзолмам.  
Зулфия мактабин кўзимга суртиб,  
Бир шеърхон меҳрини дилдан қозонсам.

### ТҮРТЛИКЛАР.

Дунёда кимгадир бойлик, тахт керак,  
Ғарибу мунисга тўқис бахт керак.  
Учинчи бировлар тирноққа зордир  
Кимдир ўзи соғу, фарзанди хордир.

\* \* \*

Сотқинларни шаксиз қарғиш уради,  
Бу дунё абадий борин кўради.  
Хиёнат қилдими номардлар, Ватан,  
Сенга етолмасдан йиғлаб ўтади.

\* \* \*

Кўнглингдан ғамларинг ҳайдагин, дўстим,  
Дунё яралмаган ғамдан, аламдан.  
Сен ўзинг ярату олға юр, мағрур  
Беиз кетма асло ёруғ оламдан.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**  
**Жиззах туманидаги**  
**16-мактаб ўқувчиси.**



## НУРИЛЛОХ

\*\*\*

### “Лисон-ут-тайр” ни ўқиб

Гар ўнгимда қалб янглиғ бир чўнг тош уйгонса боққим йўқ,  
Бу олам аро бошқа бир куёш уйгонса боққим йўқ,  
Кўрдим-ку, ёр ўшал бедод, дўст кун сайин бегонадир,  
Исо тонгида тўрт қибла нурга чулгонса боққим йўқ  
Қачон ерга оёқ қўйдим, ҳанузки кўкка муҳтожман.

Осмон на шамс ва на кавкаб, ва на моҳ учун яралган,  
Замин на-да, уммон учун, на-да тоғ учун яралган.  
Қат-қат синоат яралмиш олис сайёралар қадар,  
Қалб учун яралган, аммо бу қалб доғ учун яралган.  
Мен шу қалбни куйдиргучи бебадал ўтга муҳтожман.

Кошки йитмаса баҳорим, синмаса бошимдаги тож,  
Хазон бўлсам гулшанга кўм, гар гул бўлсам гулханга соч.  
Очиқ оят деб осмонни, шамсни, ҳилolni кўрсатма.  
Асли ҳайрат водийсида бўлмадим ҳайратга муҳтож,  
Жавзога эҳтиёжим йўқ ва на-да, хутга муҳтожман.

# МАНГУ МИК ЭНГ УЛУФ-ШИДДАТ - КУ, Ё РАБ...

Бас, койима, куш тилига ҳавас қилма, - деб, - эй, башар!  
Қоп-қора парда ичинда асли офият сўз яшар.  
Қирда қолган қизғалдоқни куйдирар самум жунуни,  
То тириклик шами билан қисмат шамоли ўйнашар.  
Нетай, чорасизман бунда, ўшал ҳудҳудга муҳтожман.

## КУЛБА

Ғамзададир кўнгил сингари,  
Тун кўйнида қоп-қора сийрат.  
Ичида сир - бу кулба ғариб,  
Ичида сир - бу кулба тийра,  
Асрларки, маҳлуқот мудроқ,  
Асрларки, занжиман ҳамон.  
Кечмишимни бўз каби судраб,  
Айланаман кулбани нолон.  
Кўкда дунё айланиб сарсон,  
Ой ўртанган каби бесамар -  
Шу кулба гирдида бемакон  
Рўҳим - ерда булганган қамар.  
То бу кулба мангу бебаёт,  
Зулмат ва жаҳолат шоҳиди.  
Бунда яшар энг олий жонзот,  
Ой нурига кўшилган ҳиди.  
Мудом йиғлаб ёлбордим Ҳаққа,  
Устимдан кулмасин азозил.  
О, коинот сарвари ҳаққи  
Мени бу кулбадан халос қил.  
Кетай, фақат кетайин бадар,  
Хур тонгдан ўзга тонг оувтмас.



Қайтмайин то қиёмат қадар,  
Мени бу кулбага ёвутма.  
Кулба тийра, дил азасидан,  
Ғам келтирмиш дил топан ўлим.  
Унинг қонли дерзасида  
Титрар олий жонзотнинг кўли.  
Тамуғ сари элтгучи ғамми -  
Кулба ғами - сўнгги йўқ ҳасрат.  
Раббим! мандан асра одамни,  
Раббим!.. мени одамдан асра.



## ИЗСИЗ ҚАТЛ

Ким у шафқатсиз сайёд, кўнглимга қилич солди?!  
Қатл этди севгимни - солди қора ўлимга.  
Бошимдаги мусаффо осмон қорайиб қолди,  
Кўлимда қолди ҳилol - қоқ иккига бўлинган.  
Мен севгимни кўрмадим, кун эдими, ё тунми,  
Фақат илғадим элас, хурлар тушди фалақдан.  
Бахтсиз куннинг ёмғири билан ювди севгимни,  
Кафан қилдилар унга оқарган камалақдан.  
Йиғламадим бу лаҳза, чекмадим оҳу фарёд,  
Гарчи ғавғо кўтарди жинлар садрга тушиб.  
Ётар эдим чалажон, ётар эдим бемурод,  
Билмас эдим бу қатл қайси дунёнинг иши.  
Тан бундоқ қолармиш жон бақога қилса рихлат,  
Билмасдим, шаҳид кўнглим бутми энди ё нобуд.  
Ҳайҳот, виро сингари оғир ул шафақ узра  
Кемадай сузиб кетди гулдан ясалган тобут.  
Сезмас эди она ер осмоннинг ярасидан  
Зардоб томарди чак-чак - изсиз қатл излари.  
Ётар эдим бемурод, сайёдлар орасида  
Бошим кесилган эди, ҳайрон эди кўзларим.



\* \* \*

Бани мардумга чоҳ дунё, жилвакорсан,  
Илдаоси кўкни ёргучи дилдорсан.  
Не кўзгусан, Ҳақ ёдидан адаштирган?!  
Бир бағри тош керак сенга, ёвуз ёрсан!  
Хастаи гирёнман, менга бардош керак.



Шамсга ётман бир ноёб нури толам деб,  
Ётман денгизларга қатраи жолам деб.  
На ўтда аёнман, на сувда - сўз ожиз.  
Мен ҳам олам ичра оламман оламдек,  
Менинг ҳам тийра кўнглимга куюш керак.

Керакмас, нурсиз шон бўлса умрим менинг.  
Бу кўйи жовидон бўлса умрим менинг.  
Ўнгингда оламдек комрон бўлсаму,  
Киши билмас хазон бўлса умрим менинг,  
Бу айём ичра на тахт ва на тож керак.

Бир дард бордир, мудом сенга малол келар:  
Одам изидан одам - хастаҳол келар.  
Хас қолмагай беҳудуд гулхан ичинда -  
Сендан келса, охир, ўти завол келар.  
Оқибат Ҳақ шамолидан фаррош керак.


Сенким, азал макри бедод чарх бўласан,  
Ўқиб билсам, аламинга шарҳ бўласан.  
Кўнглим тўфониди сузар Нуҳ кемаси,  
Кўнглим каби кўз ёш тўксам, фарқ бўласан.  
Дунё, сени фарқ этмакка кўз ёш керак...

## КЕМА

Кўрмай қолди Шимол ва на Шарқ билди,  
Ул фоже кечадан Фарб огоҳ эмас.  
Шиддатли тўлқинда йитди - фарқ бўлди —  
Денгизнинг тубига қўлди бир кема.  
Ҳижрон денгизда оҳ уриб мунгли,  
Оппоқ елканларга урганча тўшлар,  
Оппоқ қанотлари қорайиб тундек,  
Мангуга қузатди уни оққушлар.  
Кема қай замонда тоғмишиди завол?  
У қайси денгизда йитди, эй Худо!  
Нилуфаргулларга суяниб беҳол,  
Ул номсиз кемани эслайман мудом.  
Кун - денгиз, тун эса денгизнинг қаъри,  
Видо кечасида ютдимми қонлар.  
Орзум оққушлари қолди музтариб,  
Қалбим чўкиб кетмиш аллақачонлар.  
Соҳилга чиқмоққа етмайди ҳолим,  
Тун қаърида қолган озурда хасман.  
Денгиз тубидаги кема мисоли  
Бир умр Оллоҳга етмасман...

\* \* \*

Ортиқ қайғурмагай мендан безорлар,  
Кечар осон ки, қай кўнгилда озорман.  
Мендан сир кўрмайди дўсту ғамхорлар,  
Мен-да, сир кўрмасман аҳли бозордан.  
Кўлимдан тутгунча узлатга ёрлар  
Ҳам баломан ўзим, ҳам гирифторман,  
Ўзимдан безорман!



Бир суруд бағримни ўртайди ҳоло,  
Тордир томирларим - бағриқон вола.  
Нурдан музроб айлаб куй чалар олам,  
Жоним пардасидан чиқар бу нола:  
Ҳеч шак йўқ, қатлингни кўрмайди дорлар,  
Ўзим сенинг бошинг боғланган дорман,  
Ўзимдан безорман!

Етти қатдир осмон, ер етти қатдир,  
Ҳар қат ҳар қатра ёш учун шафқатдир.  
Ва лекин жон учун тонг машаққатдир,  
Одамман — ўзимни севарман қаттиқ.  
Дард кулбасида тинч ётар беморлар,  
Армон ҳўжрасидан чиққан беморман,  
Ўзимдан безорман!

Мангулик тоғларни айлайди ғорат,  
Вафосиз жисмимга бу бир ишора.  
Гарчи ҳаёт - жангоҳ, мен жигарпора  
Мангулик - энг улўғ шиддат-ку, ё раб!..  
Шафақ ҳар шом мени бағрига чорлар,  
Азал шаҳид кетган тан ичра хорман,  
Ўзимдан безорман!

Дил ёнади, ёли юзимда ўйнар,  
Соёи азми ер юзинда ўйнар.  
Бу на бало базми, кўзимда ўйнар?!  
Худойим, ўзимни ўзимга қўйма,  
Ўзингдан айроман, ўзингга зорман,  
Ўзимдан безорман!..


\* \* \*

Ой сайри... На осмон сайри у,  
На тун, на қаққашон сайри у,  
Ой сайри - умрлик қасди жон,  
Умрлик зимистон сайри у.  
Мени кун-қунида ўлдирма,  
Мени ой сайрида қурбон қил.

Ойдинда ҳилолдай бир дилдор  
Тикмиш ўз нуридан гўзал дор.  
Ўшал дор ҳажрида ётибман  
Шамс тиги остида ярадор.  
Мени кун-қунида ўлдирма,  
Мени ой сайрида қурбон қил.

Бори дун ғанимга ўхшайди,  
Оташ ҳамдамимга ўхшайди.  
Ҳилолни "уч кунлик" дедим, у  
Минг йиллик ғанимга ўхшайди.  
Мени кун-қунида ўлдирма,  
Мени ой сайрида қурбон қил.

Дил ерда, дил офат устида,  
Дил йиғлар қабоҳат устида,  
Мен осмон остида ётибман,  
Пешонам жароҳат устида.  
Мени кун-қунида ўлдирма,  
Мени ой сайрида қурбон қил.





# БУГУНГИ ДОСТОН ТАМОЙИЛЛАРИ

Достон жанри ўз тараққиёти давомида қатор ўзгаришларни бошдан кечирди. Бу ўзгариш ва янгиланишлар бугун ҳам давом этмоқда. Чунончи, Истиқлол арафаси, ундан кейинги йиллардаги ўзбек достончилигида ижтимоий фикрлаш тарзи хусусий, реал воқеа-кечинмалар тасвирига ўрин бера бошлади. Романтик кўтаринки оҳанг аниқ, реал ҳаёт манзаралари билан алмашди. Энди яққа, алоҳида шахс ҳаёти, ўйлари воситасида давр руҳини акс эттириш мумкинлиги лирик достонларда ҳам ўз тасдиғини топа бошлади.

XX асрнинг 60-70 йилларида яратилган достонларда қаҳрамон ўз ҳатти-ҳаракатлари билан фаоллик кўрсатган бўлса, 80-90 йиллар достончилигининг қаҳрамони ички кечинмаларининг фаоллиги билан намоён бўла бошлади. Шунинг учун бўлса керак, давр руҳини муаллиф шахсияти, муаллиф “мен”и орқали ифода этувчи лирик достонларнинг салмоғи ортди.

Тўлан Низомнинг “Гиря”, Икром Отамуроднинг “Сен”, Салим Ашурнинг “Атиргул” достонлари шулар жумласидан. Уч авлодга мансуб бу уч шоир достонларида умумий муштарак жиҳатлар мавжуд. Бу муштараклик энг аввало, туйғу ва кечинмаларнинг фаоллигида кўринса, иккинчидан, ҳаёт ҳақиқатини борлигича, бўямай-бежамай акс эттиришларида намоён бўлади.

Тўлан Низом достончилик борасидаги катта тажрибага эга ижодкор. “Гиря” асари унинг ижодидаги етук достонлардан бири. Бу асар композицион қурилиши жиҳатдан ҳам эътиборни тортади.

“Гиря” достонини шоир умр йўлдошининг вафоти муносабати билан ёзган. Қирқ кунлик мусибат тасвирига бағишланган бу асарда муносабатларнинг самимийлиги, мусибат руҳининг залвори сезилиб туради. Марсия давомида шоир фожейи ҳолатини, кечинмаларини тасвирлар экан, ёзалаётган шакл мусибат кўламини тўла акс эттиришга ожизлик қилаётганини сезади ва турли-туман жанрларга мурожаат қила бошлайди.

Маълумки Алишер Навоий гирянинг, яъни йигининг турли хил кўринишлари мавжудлигини “Муҳокаматун лугатайн”да эътироф этиб ўтади. Йиғламоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўқирмоқ, инчқирмоқ кабиларни форсида гиря сўзи билан ифодалайдилар. Бошига мусибат тушган одам бир хилда йиғламайди, албатта. Руҳий жараённинг маҳсули бўлган бу қайғу тамойили турли ҳолатларда турлича бўлади. Шу боис Тўлан Низом қалб изтиробини турли шаклларда (маснавий, мусаллас, мурабба, мухаммас) тасвирлайди ва бу усул ўзини оқлайди.

*Водариг иқболим забунми чунон,  
Дунёдан юз буриб, кулбамга чўқдим!  
Қоним сиёҳ бўлди, қалбим сиёҳдон,*

*Қирқ кун мушкулотин қоғозга тўқдим!*

Шоир гиря давомида Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб, Муқимий каби шоирларнинг дарчил, ҳасратли ғазалларига мухаммас боғлайди, улуг шоирларнинг ғазалларидан ҳамдардлик туяди. Фожеа кўнгил тубида чўкиб ётган туйғуларни жунбушга солади, тасаввурдаги қўналғасиз изтироблар турғени ассоциатив равишда моддийлаша бошлайди.

Лирик жанрлар уйғунлиги воситасида достон ёзиш анъанаси ўзбек адабиётида қадимдан давом этиб келмоқда. Бу усулнинг етук намуналаридан бири Хоразмийнинг “Муҳаббатнома” сидир. Моҳият эътибори билан лирик достон ҳисобланган бу асарда шоир даврнинг муҳим руҳий - маънавий қиёфасини чизади. Шоир кўнгил кечинмаларини, воқеликдан олган таассуротларини тўлароқ баён этиш учун турли хил жанрларга мурожаат қилади. Ғазал, маснавий, мадҳ, муножот, нома, қиёга шунингдек, фард каби қатор жанрлар бирлашиб яхлит достонни юзга келтиради.

Замонавий достончилигимизда эса бу анъана кучайиб борапти. Эркин Воҳидов “Руҳлар исёни” достони билан шу усулнинг ажойиб намунасини яратган бўлса, Икром Отамуроднинг “Сен” достонида бу ҳол ўзига хос тарзда намоён бўлди.

“Сен” достони ихчам ҳажмга эга бўлиб, мумтоз достончиликнинг ҳамд, наът, муножот каби шаклларини ёдга солади. Шоир қалб кечинмаларини вазн ва туроқланиши эркин бўлган қоришиқ жанрда баён этади.

*Тўқилади кўнглунг яфроқлари моҳ,  
Еллар шиквасида йироқдан-йироқ.  
Уч нуқталар-сўлғингина оҳ,  
Уч нуқталар-титроқ.*

Икром Отамурод талай шеърларида бўлганида каби достонида ҳам муайян сўзларга поэтик салмоқ юклайди. Бунда сўзлар чўзилган, сиқилган, синдирилган шаклларга киради ва шоирнинг поэтик мақсадини ифодалашга хизмат қилади.

*Ёлғизлик - сен каби суқун...  
Ёлғизлик - сен каби хушрўй...  
Ёлғизлик - сен каби маъюс...  
Ёлғизлик - сен каби...*

“Сен” достонида эпиклик белгилари: бирор-бир детал, ҳодиса, факт муҳим ўрин тутмайди. Шу боис лирик қаҳрамон ҳолати ихчам ва сиқик сатрларга жо бўлади. Шоир композици-



он яхлитликни сақлаш мақсадида мактуб шаклидан ҳам фойдаланади. Лирик қаҳрамон муайян кечинмалар изҳоридан сўнг мактубга, яъни объектив координат кутби ҳисобланган “сен”нинг хатига эътибор қаратади. Ва шу асосда яна кўнгили манзаралари баёнига ўтади.

Адабиётшунос И.И. Грибушин шеърини жанрларни тасниф этишда субъектнинг объектга муносабати асосий қоида сифатида қабул қилиниши лозим, деган фикрларни ўртага ташлайди ва “мен”, “биз” субъект, “сен”, “сиз”, “у”, “улар” объект қисмлардир, деган хулосага келади.

Бизнингча, бу хулосани лирик асарларнинг жанрини тайин этишда эмас, балки “мен” ва “сен” муносабатларини ойдинлаштиришда қўллаш мумкин. Демак, “Сен” дostonи “мен” руҳий оламидаги ўзгаришлар силсиласини кўрсатиш асосига қурилган.

60-80 йилларда яратилган дostonларда, асар мавзудан қатъий назар, даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммоларини кўтариб чиқиш удумга айланган эди. Тўлан Низом ва Икром Отамуродларнинг муваффақияти шундаки, улар бу “удум”га амал қилишмайди. Интим характердаги асар табиати ҳамиша ҳам публицистик оҳангни кўтаравермайди.

“Сен” дostonининг лирик характерини сиймосида биз курашчанликни, фаолликни, ижтимоий ғоялар ташиш хислатини кўрмаймиз. Бу лирик қаҳрамон дардчил ҳислари, маҳзун кечинмалари, безовта туйғулари билан намоён бўлади.

*Қалбим томирлари илинган  
ройиши, хоҳиши музтардир.  
Соғинар хотирлар гурунгин,  
армонлар гурунгин истайдир.*

Икром Отамуроднинг “Янги дostonи ифорли... шеърини ятга тўла”, -деб ёзади Йўлдош Эшбек.

Лиро-эпик дostonларда характер шаклланиш жараёнида кўрсатилса, лирик дostonларда шаклланган ҳолда намоён бўлади. Салим Ашурнинг “Атиргул” дostonи лирик қаҳрамони ҳам шаклланган характер. Шу боис биз бу қаҳрамонни воқеа-ҳодисалар гирдобиди эмас, балки ўйлар, фикрлар қуршовида кўраемиз.

Руҳий изтироблар қуршовидаги лирик қаҳрамон ўз характерини шакллантирган ижтимоий муҳитни, даврни, ўз қалбини, ундаги сезимларни аёвсиз тафтиш қилади.

*Олма Дарахт, мунгли ҳофизим,  
Минг бир томиримдан кўқарган бурғу.  
Халқимни пайқамай қолди ҳофизам,  
Юрагим - заминга санчилган урғу.*

Салим туйғулар самимиятини сақлаш мақсадида изчил қофияланиш тартибига ҳамиша ҳам амал қилавермайди. Дostonда туроқланиш тартиби ҳам бир хил эмас. Шоир ихчам ҳижоли сатрлардан чўзиқ чўзиқ мисраларга зўриқишсиз, табиий ўтаверадики, бу ҳол унинг шеърларига ҳам хос хусусият. Қоришиқ вазн Салим услубини белгилайдиган кўриниш. “Атиргул” дostonида ҳам шу вазндан самарали фойдаланади.

Умуман бугунги ўзбек адабиётида жанрларнинг синтезлашуви дoston тимсолида равшанроқ намоён бўлаяптики, юқориди кўриб ўтилган дoston намуналари буни мантиқан далиллайди.

**Шавкат ҲАСАНОВ,**  
филология фанлари номзоди

Нурали МИСИР



# АЙТ...

\*\*\*


Шамга ўзин уриб куйган  
Висол лаззатларин туйган  
Парвонадек бўлолмасам,  
Оёғингга бошим қўйиб  
ЎЛОЛМАСАМ, ўлолмасам,  
Айт, мен нетай,  
Айт, мен нетай?!



Лайлосининг сочин силаб  
Саҳроларда кулган йиғлаб  
Ишқ куйида ўша Мажнун-  
Девонадек бўлолмасам,  
Тизларингга юзим қўйиб  
Сўлолмасам, сўлолмасам,  
Айт, мен нетай,  
Айт, мен нетай?!

Севгилим, сен кимни суйдинг,  
Беҳудага ёниб куйдинг,  
Ўша ваъдалари буткул  
Ёлғонадек бўлолмасам,  
Чин суйсаму юрагингга  
Йўлолмасам, йўлолмасам,  
Айт, мен нетай,  
Айт, мен нетай?!

Кўксимдан кўк тутун равон  
Муҳаббатни куйлаб ҳамон,  
Шодонадек бўлолмасам,  
Ўксишларим совутмакни  
Билолмасам, билолмасам,  
Айт, мен нетай,  
Айт, мен нетай?!



# ЯНА...

Яна юрагимга мих урди армон,  
Соғинчлар айлади кундузим тийра.  
Тун эмас қуёшнинг ўрнини олган,  
Қоп-қора пардасин ёйган хотира.

Аламлар шамоли силаб сочимни,  
Хаёллар довули мени муз этди.  
Ҳижронинг лашкари кирди бостириб,  
Кунларимга бир-бир ўт қўйиб кетди.

Юрагим қонидан тикдинг чимилдиқ,  
Умидим жонидан тикдинг-ку рўмол.  
Жойимни жаннатдан тилагин энди,  
Номимни бир бора тилгинангга ол!






Икром ОТАМУРОД

# АНИНГ

# УМИДИ

Достон



*Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглунгиз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.  
Алишер Навоий.*

— Қай манзил сафарига йўл олдинг, умид?  
— Армонга..  
Бўлмаса, маниям бирга олиб кет!..

.....  
— Қай манзил сафарига йўл олдинг, армон?  
— Умидга..  
Бўлмаса, маниям бирга олиб кет!..

\* \* \*

Анинг умидига боғланди хаёл,  
Васлин висолига чоғланди хаёл,  
Йўлларнинг доғига доғланди хаёл,  
Соғиниб-соғиниб тўкилди дилим.

Чарх уриб ўйлари ўйлантиради,  
Рухимни кўқларга бўйлантиради,  
Канглумни канглумга сўйлантиради,  
Соғиниб-соғиниб сўқилар дилим.

Еллар пичиридан пайғомлар кутиб,  
Ишонч шевасига бағрини тутиб,  
Қамарсиз тун ўтиб, шамсиз кун ўтиб,  
Соғиниб-соғиниб буқилар дилим.

Жоним риштасида тўзимлар тўкин,  
Гуллайди қароғим дийдаси ўкин,  
Зорига интизор қайрилиб бир кун  
Соғиниб-соғиниб ўқилар дилим.

Анинг умидига боғланди хаёл,  
Васлин висолига чоғланди хаёл,  
Йўлларнинг доғига доғланди хаёл,  
Соғиниб-соғиниб тўқилар дилим...

\* \* \*

Не малакким қилур ҳолимни забун,  
ул - хуршида жамол, ул - нарғиз нигоҳ?!

Ул малак - канглумда хўрсинган сукун,  
ул малак - канглумда томир отган оҳ!

Мажзуб чилвирлари тўқийди таъбир,  
кўзларимга йўллар чангини кўмиб.  
Ул малак - канглумда гуллаган сабр,  
Ул малак - канглумда фарсуда умид.

Давворнинг синиқ тошлари гич-гич,  
Рухим қонларига соч ювар ёл-ёл.  
Ул малак - канглумда музайин соғинч,  
ул малак - канглумда лолагун хаёл.

Дариғ тутган васли қирмизи қуроқ,  
раво кўрган ҳажри маҳзун тасаввур.  
Ул малак - канглумда зумурад сўроқ,  
ул малак - канглумда армон деган хур.

Не малакким қилур ҳолимни забун,  
ул - хуршида жамол, ул - нарғиз нигоҳ?!  
Ул малак - канглумда хўрсинган сукун,  
ул малак - канглумда томир отган оҳ!

\* \* \*

Ҳилол мужгонлари - шамшир,  
ҳилол гесулари - дор.  
Маним умидимни кесгин-эй, шамшир,  
маним умидимни осгин-эй, дор!

\* \* \*

Настарин баргида йилтирайди нур,  
настарин мўғжасида шивирлайди сас.



Маним умидима бойлангин-эй, нур,  
маним умидима жойлангин-эй, сас!

\* \* \*

Дераза рахини чертади ёмғир,  
дераза рахидан бўйлар қалдирғоч.  
Маним умидимни кўклат-эй, ёмғир,  
маним умидимни кўклат-эй, қалдирғоч!

\* \* \*

Ёбон кунжларига тўшалар кўклам,  
ёбон кунжларида ниш урар майса.  
Маним умидима яшна-эй, кўклам,  
маним умидима яшна-эй, майса!

\* \* \*

Юзин оинасидан таралган нурлар  
кўзларимни қамаштиради.  
Минг ишва, минг карашма йўрлаб  
йўлларимни адаштиради.

Юзин оинасида икки барқ  
чақнашлари сеҳрангиз ҳайрат.  
Мени ҳижронига қилиб ғарқ  
истиғно бирла яйрар.

Юзин оинасида ғунча дудоғлар  
менгзайди лаъли шаккарга.  
Суманларнинг бағрини доғлаб  
насимлар чиқади шикорга.

Юзин оинасида обрўлари ё  
паришон ҳолима ташлайди каманд.  
Нисорига дилим маҳлиё,  
нисорига дилим занжирбанд.

Юзин оинасида саф тортган пайкон-  
жоним қасдиға чоғланган тир.  
Анинг пойида жон берар, жон,  
жоним анга боғлангандир.

Юзин оинасидан таралган нурлар  
кўзларимни қамаштиради.  
Минг ишва, минг карашма йўрлаб  
йўлларимни адаштиради...

\* \* \*

- Дунё, умид қандайин асрор?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин зарра?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин жавҳар?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин рақам?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин сас?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин чашма?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин жовид?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё умид қандайин шажар?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин ранг?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин ҳақир?

- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин ғалат?
- Дилингдан сўр дилингдан.
- Дунё, умид қандайин қуш?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин равиш?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин чечак?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин сифат?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин узро?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин толиб?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин оҳанг?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин ришта?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин дайро?
- Дилингдан сўр, дилингдан .
- Дунё, умид қандайин партав?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин карам?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин итоб?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин суврат?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин кавкаб?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин калом?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин ошиқ?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин қурбат?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин насим?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин йўл?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин макон?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин савол?
- Дилингдан сўр, дилингдан.
- Дунё, умид қандайин жавоб?
- Дилингдан сўр, дилингдан..

\* \* \*

Дилингдир - умид тарзи,  
умид - дилинг тарзинда.  
Дилингдир - умид арзи,  
умид - дилинг арзинда.

Гар умид дилдан бўлса мосуво,  
гар дил умиддан қолса бегонасираб.  
Унда умид - букчайган қувоб,  
унда дил - қувраган қувра.

Гар умид дилга тўкса озорин,  
гар дил умидга ўтказса жабр.  
Унда умид - хиёнатлар бозори,  
унда дил - гуноҳлар кўмилган қабр.

...Дилингдир - умид тарзи,  
умид дилинг тарзинда.



Дилингдир - умид арзи,  
умид - дилинг арзинда...

\* \* \*

Бошим тепасида тун  
тўхтади. Дарахтларга илди чодирин.  
Бир сукунат олади тин,  
бу сукутга тилин ботириб.

Тийрамоҳнинг нигин гуллари -  
хазонлар тўзғийди чаппа, рост.  
Дарахтлар неча бор туллади,  
дарахтлар неча бор кийди зар либос.

Баркашин бошига чамбарак қилиб  
шом еган ой кўрсатар бастин.  
Осмон жоми нурларга тўлиб,  
тут чачвони сийрилар аста.

Интизор кўзларим термулар мунгли,  
чўзилган қўлларим етмайин ранжир.  
Куйган канглум, кул бўлган канглум,  
армонларинг тизилган зинжир.

Тоқатдан тўқилган канглум ёзуғи,  
вужудим тоқатдан йўғрилган кулоҳ.  
Канглум - тоқат озуғи,  
тоқат ризқи - вужудим, илло!

Йўллар паймони моғорлар мискин,  
соғинч - синиқ коса, тилак-да ғариб.  
Канглум - ришталари паришон эпкин  
анинг умидини юрар ахтариб.

Анинг умидида бағрим-ай, кадоб,  
анинг умидида жоним-ай, тилик.  
Рухим симиргани залил изтироб,  
Канглум - лолаи нўъмонин кули.  
Рухсорин яширган хушрўй гул -  
сабрнинг гайбури бағримни ўяр.  
Юлдузлар - сочлари ёйилган сунбул,  
тун - қушлари тарк этган уя.

Дилимда титрайди, тўлғанади рой -  
ойнинг шуълалари элаган мушк.  
Анинг умиди - энг ҳазин чирой,  
анинг умиди - энг муғойиб ишқ,

Бошим тепасида тун тўхтади.  
Дарахтларга илди чодирин.  
Бир сукунат олади тин,  
бир сукутга тилин ботириб...

\* \* \*

...Ўсиб борар анинг умиди...  
Ўсиб борар анинг умиди,  
мен анга етолмайман.  
Мен анга етолмайман,  
ўсиб борар анинг умиди...  
Зотан, умидлар кичраяр  
вақт ўтган сайин,  
вақт ўтган сайин  
каттаради  
умидларни еб хотиралар.  
Не ажабким,  
бўйинсунмас сира хотираларга,

хотираларга ҳеч бўлмагай емиш  
фақатгина анинг умиди.  
Дайролар қайрангларга дўнар  
тобора,  
тобора  
қайранглар кўпаяр  
дайроларни ямлаб.  
Кунлар тиним билмай  
елиб,  
югуриб,  
чопар тунларга ризқ бўлиш пайида.  
Тунлар - насибаси эрур кунларнинг.  
Ўтар йўлаги - яқин масофа,  
узоқ масофа - ўтар йўлаги...  
Аслида, умид -да ёлғиздир,  
ёлғиздир муқтадир бул хилқат.  
Ўсиб борар анинг умиди,  
мен анга етолмайман.  
Мен анга етолмайман,  
ўсиб борар анинг умиди...  
...Кўпчилик нигоҳи тушадиган  
катта кўчаларда, кўпчилик ўтиб, қайтадиган,  
ишини битирадиган катта кўчаларда  
баданлари яғир симёғочларнинг.  
Ҳою ҳавасларга ишқибоз  
майда,  
фирибгар,  
енгил,  
ўткинчи,  
учар,  
лўттибоз,  
ёлғон умидлар қалашган  
эълонлар, хабарлар, ундовларнинг  
ямоқ қўйлақларини киявериб  
баданлари яғир симёғочларнинг.  
Аслида, умид-да ёлғиздир,  
ёлғиздир муқтадир бу хилқат.  
Ўсиб борар анинг умиди,  
мен анга етолмайман.  
Мен анга етолмайман,  
ўсиб борар анинг умиди...

\* \* \*

Кўришиш висолми ё кўришмаслик?!  
Кўришиш ҳижронми ё кўришмаслик?!  
Кўришиш соғинчми ё кўришмаслик?!  
Кўришиш армонми ё кўришмаслик?!  
Кўришиш умидми ё кўришмаслик?!

Аслида, умид-да ёлғиздир,  
ёлғиздир муқтадир бул хилқат...  
Ўсиб борар анинг умиди,  
мен анга етолмайман.  
Мен анга етолмайман,  
ўсиб борар анинг умиди...

...Хув-в,  
ана,  
боши хам,  
сарнигун кетаётган аёл  
эҳтимол умид қурбонидир,  
умид излаб кетаётгандир эҳтимол,  
эҳтимол умид тўсат-тўсат  
ситам бергандир унга,  
озурда айлагандир синдириб дилин эҳтимол,  
эҳтимол умиддан умид ахтариб югандир?!



Нима бўлганда ҳам,  
хув-в,  
ана,  
боши ҳам,  
сарнигун кетаётган аёл  
умид излаётгани рост.  
Йўл танобин олган шошқалоқ поезд  
чўлу биёбонга туширди уни  
ва  
қўзғалди  
бепарво, бепарқ,  
итдан қочган тулкидай бўб,  
шитоб билан шошқалоқ поезд.  
Шошқалоқ поезд  
қўзғалди  
нафасидан қочиб изғирин.  
Хув-в,  
ана,  
боши ҳам,  
сарнигун кетаётган аёл  
гирдига қўз ташламас,  
ёнверига қайрилишни хушламас,  
шовқин солиб югураётган  
шошқалоқ поезд бўлмас хаёлин...  
Хув-в,  
ана,  
боши ҳам,  
сарнигун кетаётган аёл умид излайди.  
Топармикан ишқилиб,  
топармикан ҳайҳотдай  
чўлу биёбондан умид?!  
Аслида, умид-да ёлғиздир,  
ёлғиздир муқтадир бул хилқат...  
Ўсиб борар анинг умиди,  
мен анга етолмайман.  
Мен анга етолмайман,  
ўсиб борар анинг умиди...  
Ўсиб... борар... анинг... умиди...

\* \* \*

Дилим саҳросида бир оҳ саргардон,  
дийдаси қовжираб кезади.  
Қўксига пойини тираган гардон  
менинг юрагимни эзади.

Дилим саҳросида бир оҳ рисолат  
умидин елларга тизади.  
Музтар нигоҳлари зойил хисолат  
менинг юрагимни эзади.  
Дилим саҳросида бир оҳ дили хун,  
қуриган ёвшандай тўзади.  
Фироғ заҳи бағрин ўртаган Мажнун  
Менинг юрагимни эзади.  
Дилим саҳросида бир оҳ чирқираб  
сукунат мулкини бузади.  
Унинг нолалари маҳзун зирқираб,  
менинг юрагимни эзади.  
Дилим саҳросида бир оҳ муқаддар  
дардларин расмини чизади.  
Жовид хотифидан тўкилган кадар  
менинг юрагимни эзади.  
...Менинг юрагимни эзади...  
.....дилим саҳросида бир оҳ.....

.....дилим саҳросида бир.....  
.....дилим саҳросида.....  
.....дилим.....

\* \* \*

Канглуба шафқат қойими қўниб,  
хиромоним келсайди бир кун...  
Ҳасратлар, аламлар заҳроби тўниб,  
дилгинам, тутдайин тўкиларди-ку...  
Бир кун...  
сўзлагайдир дилгинам тўлиб,  
бир кун...  
хиромоним тинглар сел бўлиб....  
Кунларнинг нақадар узунлигини,  
тунларнинг нақадар бепеёнлигини,  
умиднинг бардошли, тўзимлигини,  
йўлларнинг бешафқат, беомонлигини,  
дилгинам, ҳижронкуш кунлари кўп бор,  
англаб етганини айларди изҳор...

Дунёнинг у билан тайинлигини,  
алдоқчи тушларнинг турмуши товон,  
анинг умидсиз қийинлигини,  
анинг умидсиз ночор, нотавон  
дилгинам, ҳижронкуш кунлари кўп бор  
англаб етганини айларди изҳор...

Жамоли ёдида жизлондек қуйиб,  
анинг умидига ён бераман, жим.  
Мен — анинг даллиси, дилимни ўйиб,  
дилимнинг руҳида оқар соғинчи...  
Бир кун ...  
сўзлагайдир дилгинам тўлиб,  
бир кун...  
хиромоним тинглар сел бўлиб...  
Канглуба шавқат қойими қўниб,  
хиромоним келсайди бир кун...  
Ҳасратлар, аламлар заҳроби тўниб,  
дилгинам, тутдайин тўкиларди-ку...  
Бир кун... сўзлагайдир дилгинам тўлиб,  
бир кун...  
хиромоним тинглар сел бўлиб...

\* \* \*

Анинг умидида ўтди бугун ҳам,  
Шамс танини ёқди уфқда.  
Умидимнинг тугунларидан  
армон сизар лахта ва лахта.

Менинг қайсар ўйларим қуяр,  
юрагимда азоблар нақши.  
Ғамларимга лабини қўяр  
ҳолсизгина ёнбошлаб оқшом.

\* \* \*

— Қай манзил сафарига йўл олдинг, умид?  
— Армонга...  
Бўлмаса, маниям бирга олиб кет...  
.....  
— Қай манзил сафарига йўл олдинг, армон?  
— Умидга...  
Бўлмаса, маниям бирга олиб кет...



# НИМАНИ КЎТДИЛАР Неларни кўзлаб...

Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К. П. Кауфман ўлка маорифини ўрганиб чиққач, ерли аҳолини руслаштириш учун Н. И. Илминскийнинг Қозон татарларини руслаштириш борасидаги фаолиятини Туркистонга татбиқ қилиш мақсадида уни Тошкентга таклиф қилади. Илминский араб, форс, турк тилларини анча мукамал билган, Захириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини 1857 йилда Қозонда нашр эттирган туркшунос эди. У Қозон диний академиясининг профессори, туркий халқларни руслаштиришга қаратилган маориф тизимини ишлаб чиққан, татарларни руслаштиришда катта тажриба орттирган эди. Туркистон ўлкасида очила бошлаган “рус-тузем” мактаблари ҳам Илминский тизими асосида вужудга келган эди. Русиянинг мустамлака Марказий Осиё халқлари маорифига муносабати аниқ эди: Волгабўйи, Урал, Кавказ, Қримдаги туркий халқлар маорифи тизимига қўллаган руслаштириш сиёсатини Туркистон халқлари маорифи ҳам тадбиқ қилиш. Бу сиёсат Русия маориф вазиригининг 1869 йилдаги низомида ишлаб чиқилган бўлиб, бу низом рус миссионерларининг раҳнамоси Н. И. Илминский фаолияти заминида вужудга келган эди. 1869 йилда Кауфман Қозонда Илминский билан учрашди. Илминский Тошкентга келмади. Шу билан бирга фон Кауфман таклифини ҳам ерда қолдирмади: Русия империяси манфаатлари учун ўзининг энг ишончли шогирдлари ва издошлари Н. Остроумов, М. А. Миропиев, Н. А. Воскресенский, И. М. Софийскийларни Тошкентга юборди. Уларнинг ҳаммаси 1879 йилда очилган Туркистон ўқитувчилар семинариясида ишладилар ва ўзларини устози Илминский эътироф этган Туркистондаги православ динининг миссионерлари деб ҳаракат қилдилар. Бу семинария ўлкада бирдан-бир ўқитувчилар тайёрлайдиган ўқув муассаси эди. Унинг биринчи директори этиб Н. Остроумов тайинланди. 1883 йилдан 1901 йилгача Остроумов, у бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан М. Миропиев, Н. Воскресенский, И. Софийскийлар галма-галдан директорлик қилдилар, 1901-1917 йиллар давомида яна Остроумов раҳбарлик қилди. Умуман, семинарияда Илминскийнинг миссионерлик руҳи — буюк давлатчилик шовинизми ҳукмрон эди. Ташкил этилажак рус-тузем мактаблари учун миссионерлик руҳи билан суғорилган ўқитувчилар тайёрлаш семинариянинг асосий мақсади эди. 1879 йилда семинариянинг тантанали очилишида Туркистон ўқув юртлари бош инспектори А. Л. Кун қуйидагиларни таъкидлаган эди: семинарияда ерли аҳоли болалари ҳам ўқитилади, аммо мусулмон дини ўқитилмайди.

Илминский Остроумов ҳақида қуйидагиларни ёзади: “У Қозон диний академияси курсини тугатган, у ерда татар ва араб тиллари бўйича менинг ўқувчим бўлган, Муҳаммад дини таълимоти, “Қуръон” билан яхши таниш. У қалбан ва илман миссионер. Менинг маърифатли дўстим Остроумов миссионерликни инсонпарварлик асосида фақат халқ маорифидагина мустақкам асосга қўйиш мумкинлигини яхши тушунади”.

Дарҳақиқат, илоҳиёт магистри, Қозон диний академиясининг миссионерлик бўлими доценти Н. Остроумов Илминскийнинг ўнг қўли эди. Н. Остроумов анча билимли шарқшунос бўлган, аммо бу билан, академик И. Ю. Крачковский таъбири билан айтганда, “илмга эмас сиёсатга хизмат қилди”. Н. Остроумов умрини охиригача рус колонизаторларининг ўлка халқларини руслаштириш сиёсатини оғишмай амалга оширди. Унинг 1883 йилда ёзган қуйидаги сўзлари Русия мустамлакачиларининг Туркистон маорифи соҳасида амалга оширган сиёсати моҳиятини тўла ифодалайди: “Русларнинг мусулмонларга бўлган муносабатини белгилашда давлат ушбу масалаларини эътибордан соқит қилмаслиги керак: мусулмонлар таълимига муносабатда ўзимизнинг манфаатимиз биринчи ўринда турмоғи керак. Биз мусулмонларга нисбатан ҳар жиҳатдан — фақат жисмоний жиҳатдан эмас, айниқса, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳам устунлик мавқеига эга бўлишимиз керак”.

Аммо рус мустамлакачилари бундай руслаштириш сиёсатини амалга ошириш жараёнида маълум тўсиқларга дуч келдилар.

Ўлкада давом этаётган исёнлар, халқ озодлик ҳаракатлари, маҳаллий зиёлилар, шариат дин пешволарининг норозиликлари уларнинг ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш олиб боришларини тақозо қилар эди. Шу боис фон-Кауфман ва унинг атрофидагилар бу сиёсатни босқичма-босқич олиб бориш тарафдори эдилар. Шу мақсадда эски мактаб ва мадрасаларни эътиборсиз ҳолича қолдириш, маҳаллий аҳоли билан зиддиятга бормаслик учун диний ақидаларга қаттиқ тегмаслик, ҳатто диний мутаассибликни қўллаб-қўлтиқлаш сиёсатини олиб борди. Маҳаллий аҳоли болалари учун рус мактаблари ташкил қилиш, она тилини рус алифбоси асосида олиб бориш, миллий маданият, миллий маънавият ва адабиёт бўйича иложи бориша маълумот бермаслик, маҳаллий миллат болаларини ўз тарихидан узоқда сақлаш масалаларида Кауфман билан Илминский қарашлари жуда мос келар эди.

1870-1880 йилларда Туркистон ўлкасида мустамлакачилик сиёсатини мустақкамлаш, Русия империя-



сига сидқидилдан хизмат қилувчи кичик амалдорлар тоифасини тарбиялаб етиштириш, ўлкада Русиянинг руслаштириш сиёсатини амалга ошириш учун рус-тузем мактаблари оча бошладилар. Ўзбек маърифатпарварлари дастлабки рус-тузем мактабларини қўллаб-қувватладилар, ўзлари катта саъй-ҳаракат билан бундай мактабларни очишга бош-қош бўлдилар. Сатторхон Абдуғафоров, Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Фурқат, Муҳиддинхўжа қози, Саидрасул Саидазизов, Рожий Марғинойий, Комил Хоразмий, Исҳоқхон Иброт кабилар бундай мактабларнинг ҳомийлари, ўқитувчилари, ҳатто фахрий нозирлари ҳам бўлдилар. Бунинг объектив сабаблари бор эди.

Усули ҳижо методига асосланган маҳаллий ибтдоий мактаблар тараққиётдан шу даражада орқада қолган эдики, халқ болалари бир неча йил ўқиш давомида зўр-базўр оддий саводга эга бўлар эдилар (*“Меҳробдан чаён”* романидаги Солиҳ Маҳдум мактабини, С.Айнийнинг *“Эски мактаб”* ини эсланг). Марказий Осий мустамлакага айлантилгандан кейин генерал-губернаторлик шариат қонун-қоидаларининг қай даражада бажарилишини, болаларнинг мактабга боришини, ахлоқини назорат қилувчи раислар, муҳтасиблар лавозимини бекор қилди. Бунинг устига, маҳаллий мактабларни иқтисодий таъминлашда озми-кўпми ёрдами тегиб турган вақф ерлари мулкларини ҳам рус маъмурлари ўз назоратига олди, фақат диний мақсадларга ажратилган қисмигина қолдирилди. Натижада, маҳаллий мактабларда фақат диний илмларгина ўқитила бошланди. Дунёвий билимларни ўқимоқчи бўлганлар рус-тузем мактабларига қатнашга мажбур эди. Бу тадбир миллий мактаб таълимини йўққа чиқарди. Бусиз ҳам маҳаллий мактаблар тубдан ислоҳга муҳтож эди. Табиийки, генерал-губернаторлик маҳаллий халқ маорифини ривожлантиришни, ҳаёлига ҳам келтирмади. Фақат ҳукумат тасарруфидаги рус ва рус-тузем мактабларига жуда кам миқдорда маблағ ажратиларди, холос. Эски маҳаллий мактаблардаги биргина руҳоний таълим-тарбия билан Ватанни ривожлантириб бўлмас эди. Ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини тарғиб-ташвиқ қилар эканлар, фақат миллат манфаатларини кўзда тутдилар. Бу даврда халқ фарзандлари учун замон талабларига нисбатан жавоб бера оладиган бошқа дурустроқ ўқув муассасаси йўқ эди. Бу ҳақда Сатторхон Абдуғафоровнинг куюниб ёзган сўзларига эътибор беринг: *«Ўрусия тилини ўрганиб, аларнинг китобларида ўзлари топқан илмлар ва бошқа халқдин ўрганган илмларини бизлар ҳам билиб, тирик-лигимизга нафи етадурган илмларни бизлар ҳам ўз фойдамизга жорий қилур эдик... Мен ҳар вақтда мусулмонларни ўз фойдамиз учун русия тилини ўрганмоқликнинг зарур эканлигини баён қилур эдим. Ул вақтларда Хўқанд халқи ўшандоқ улуғ ишнинг фойдасини чандони фаҳмламас эдилар. Зуъмҳол(мутаассиб-У.Д.) муллалар ҳам менинг ҳайриятимни қилмас эдилар. Аларга барча янги тартиблар бегона ва ваҳший кўринур эдилар. Алар ул аҳволларда дарвоқе яхши ва ёмонни(нг) фарқига бормас эдилар»*.

Баъзи бир тадқиқотчилар, тарихчи олимлар мустамлакачилар томонидан очилган бу мактабларни қўллаб-қувватлаган, ўзбек фарзандларини ушбу мактабларга даъват этган маҳаллий зиёлиларни қаттиқ қораладилар, ҳатто сотқинликда айблайдилар. Отабоболаримиз бўйнига бундай оғир, аммо ноўрин айбларни қўйишдан бир оз бўлса-да ўзимизни тийишимиз керак!

Агарда Инъомхўжа оқсоқол, Шарифхўжа қози, Муҳиддинхўжа қозилар рус босқинчиларининг малайлари ёки уларга сотилган бўлганларида, 1892 йил Тошкентда юз берган миллий озодлик ҳаракатининг - *“Вабо кўзголови”* нинг раҳбарлари сифатида таъқиб қилиниб, Тошкентдан бадарға-сурган қилинармидилар?! Генерал-губернаторликнинг муассиси *“Туркистон вилоятининг газети”* нинг 1883-1892 йилларда муҳаррир ёрдамчиси ва таржимони Сатторхон Абдуғафоров шу халқ озодлик ҳаракати туфайли умрининг сўнгги 8-9 йилни ишсизликда, дарбадарликда ўтказармиди?!

Хонликлар даврида ва ундан кейин ҳам илм-маърифатдан бебахра бўлиб келаётган халқ тақдири ўзбек зиёлиларини қаттиқ ташвишга солаётган эди. Улар рус ва рус-тузем мактабларидан ўз халқи манфаатлари йўлида, маҳаллий аҳоли фарзандларини илм-маърифатли қилиш йўлида фойдаланишга, уларни чор ҳукуматининг қабиҳ ниятларига зид келадиган йўлга аста-секинлик билан буриб юборишга ҳаракат қилдилар ва бунга қисман бўлса ҳам эришдилар.

Тўғри, бу мактаблар маҳаллий аҳолидан юксак малакали мутахассис ёки кенг маълумотга эга бўлган кишиларни тарбиялаб етиштириш мақсадини ўз олдига қўйган эмас, бундай бўлиши мумкин ҳам эмас эди. Академик В.В.Бартолд маълумот беришича, у ердаги ўқитиш шу даражада саёз эдики, буни ҳатто рус зиёлилари ҳам эътироф этар эдилар: *“Вилоятдаги рус-тузем ва соф русча мактабларидан ҳеч бири русча ёзиш у ёқда турсин, ҳатто тўғри ўқий оладиган бирорта ҳам маҳаллий халқ кишисини етиштиргани йўқ”*.

Рус-тузем мактабларида ўқитиш савиясининг бу даражада паст эканлигининг асосий сабабларидан бири мактаб иқтисодий базасининг ниҳоятда ночор аҳволда эканлигидир. Давлат ҳар бир рус-тузем мактабининг барча харажатлари учун бир йилга бор-йўғи 700 сўм ажратар эди, холос. Бундай мактабларнинг кўпи махсус мактаб учун қурилган бинога эга эмас эди, балки бадавлатроқ кишиларнинг ижарага олинган ҳовлисига ёки уйининг 2-3 та ортиқча хонасига жойлашган эди. Булардан ташқари, русча ва ўзбекча синф ўқитувчилари деярли баравар ишлашларига қарамай, русча синф ўқитувчисига нисбатан ўзбекча синф муаллимига жуда оз миқдорда маош берилар эди. Шунинг учун ҳам бундай ўқув юртлари раҳбарлари ҳукумат маъмурияти олдига ўзбек синфлари муаллимлари маошларини ошириш масаласини қўйган эдилар. 1887 йилда Самарқанд ва Фарғона вилоятлари халқ мактаблари назоратчиси П.В. Прилежаев ўз ҳисоботида қўйидаги фикрларни баён қилган эди: *«Мукофот учун белгиланган 100 сўми мулланинг маошига қўшиб бериш маъқулдир. Ана шундагина бир йиллик маоши 220 сўм бўлади. Шундай қилинса, бу вазифага энг яхши кучларни жалб этишга имконият туғилади. Акс ҳолда яхши муллалар моддий жиҳатдан кўпроқ таъминлайдиган мадрасани ташлаб, оз ҳақ тўлайдиган рус мактабларида ишлашга у қадар муҳтож эмаслар»*. Баъзи жойларда рус-тузем мактаби очиш, унинг зарур эҳтиёжлари учун маҳаллий аҳолидан пул йиғар эдилар.

Рус-тузем мактаблари давлат эътиборидан шу даражада узок эдики, бу мактабларнинг ўзбек гуруҳларини фақат биргина дарслик билан таъминлаш масаласи 30 йилдан кейин ҳал этилди. Рус-тузем мактаби дастлаб 1873 йилда Чимкентда очилган бўлса, бундай мактаблар учун атоқли мутафаккир Саидрасул Саидазизов *“Устоди аввал”* алифбо дарслигини 1902 йилда нашр эттирди.

Буларнинг ҳаммаси тасодифий ҳол эмас, аксинча, рус сиёсатдонларининг эҳтиёткорлик билан, ўйлаб амалга оширган тадбирлари эди. Чунки Илминский ўзининг Туркистондаги гунаҳдорларига шундай таълим берар эди: *“Ерли халқ орасида бизнинг учун фойдали ва ҳеч бўлмаганда, зарарсиз кишилар русча тилни тутулиб, уялиб гапирадургон, русча ёзганда бир мунча хато билан ёзадургон, бизнинг губернатордан эмас, стол бошлиғи (мирзо)-миздан ҳам кўрқадургон кишилар бўлиши лозим”*.

Лекин шунга қарамасдан, ўзбек маърифатпарварлик ҳаракатининг атоқли намояндалари, истиқлол, миллий озодлик учун курашган, жаҳидчилик ҳаракатида фаол иштирок этган мутафаккирлар Саидрасул Саидазизов, Нозимахоним, Ҳамза, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Боту, Мирмулла ҳамда Мирмуҳсин Шермухаммедов ва бошқалар шу рус-тузем мактабларидан етишиб чиқдилар.

Ҳатто Русия империяси даврида ҳам, шўролар империяси даврида ҳам умри қамокларда ўтган, Туркистон Мухторияли ҳукуматининг раиси ўринбосари адвокат Убайдуллахўжаев ҳам рус-тузем мактабини тугатган. Маълумки, Сатторхон Абдуғафоров 1873 йилда Чимкентда очилган илк рус-тузем мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси эди. XIX асрнинг 80-йилларидаёқ у рус-тузем мактабларининг асл моҳиятини жуда тўғри тушунган, унинг мустамлакачилик, шовинистик моҳиятини, ерли аҳолини руслаштиришга қаратилган сиёсатни кескин, очиқ фош қилган, ушбу мактабни миллий тарбия заминида ўзгартириш, аста-секинлик билан мустамлакачилар ниятига зид йўлга солиб юбориш усулларини ишлаб чиққан эди. 1888 йилда Тошкентда Туркистон ўлкасидаги рус ўқув юртлиридаги муаллимларининг I курултойида Кўқон шаҳридаги рус мактабининг фахрий ноziри сифатида Сатторхон ҳам иштирок этди. (Сатторхон Абдуғафоров 1879-1886 йилларда Кўқондаги рус мактабининг фахрий ноziри лавозимида ишлаган). У ушбу курултойда чор маъмурларининг маҳаллий аҳолини мажбуран руслаштириш сиёсатини кескин қоралади ва рус мактабларига маҳаллий тил ва мусулмон динидан дастлабки маълумот берувчи муаллимлар жалб қилиш кераклигини таъкидлади: *“Рус мактабларига мусулмон муаллимлари киритилиб, унга ерликларнинг болаларини маҳаллий тилда, жойига қараб, сарт ёки қирғиз тилини ўргатиш ҳамда мусулмон динидан бошланғич таълим бериш вазифаси юклатилса, у вақтда маҳаллий кишиларнинг бу мактабга нисбатан ҳаммага маълум ва ҳамма таъкидлаётган ишончсизлиги тугатилган бўлур эди”*.

Туркистондаги рус-тузем мактабининг биринчи ўзбек ўқитувчиси Сатторхон Абдуғафоровнинг бу оқилона фикрлари курултой раиси, руслаштириш сиёсатининг Туркистон ўлкасидаги ашаддий намояндalarидан бири М.А. Миропиевнинг кескин қаршилигига учради. У Русия маорифи вазири Д.А. Толстойнинг “Туркистон ўлкасидаги давлатга қарашли мактабларда мусулмон дини ҳам, мусулмон тили ҳам ўқитилмаслиги керак” деган низомига ёпишиб олган ҳолда Сатторхонга қарши ўзининг шовинистик қиёфасини кўрсатувчи, умуман рус маъмурларининг Туркистон халқларини руслаштириш сиёсатини ифодаловчи кўйидаги фикрни баён қилишдан уялмади: *“Ўз динида мутаассибликнинг мавжудлигини инкор қилувчи мусулмонлар-*

*га ишонмаслик керак”*.

Губернаторлик маъмурлари рус-тузем мактабларидан ислохот ўтказиб, унинг ўзбек синфларидаги таълим-тарбия ишларини бир оз бўлса-да, миллийлаштиришдан, В.В. Бартолд сўзи билан айтганда: *“Маҳаллий халққа ўз она тилида кўпроқ маълумот беришдан ва бу билан маҳаллий халқни руслаштириш ишига зарар етказиб, маҳаллий адабиёт ва маданиятнинг қаттиқ ўрнашиб қолишдан кўрқар эдилар”*.3

Бу мактабларни очишдан рус маъмурларининг кўзда тутган мақсадларидан қатъий назар, ерли аҳолининг кўзи очилиши мумкин, деган ташвишга уларни безовта қилган, ҳатто бундай мактабларни очмаслик, ерликларни иложи борича маърифатдан, маънавиятдан узоқда сақлаш кераклигини қайта-қайта таъкидловчилар оз эмас эди. Ўзбек, форс, араб тилларини, адабиётини анча мукаммал билган, ўзбек мутафаккирлари Ҳавоий-Умидий, Хўжажон қози Рожий, Фурқатлар билан яқин алоқада бўлган, шарқ кўлэмаларидан катта коллекция вужудга келтирган ва Санкт-Петербург Шарқ кўлэмалари институтига топширган, 20 йил давомида Россиянинг Қошғардаги консули лавозимида ишлаган, миссионер Н.Остроумовнинг яқин ҳаммаслаги Н.Петровский рус ва рус-тузем мактабларининг очилишига кескин қарши чиққан эди. У 1887 йил 23 июнда Н.Остроумовга йўллаган мактубида Туркистон ўлкасида биринкетин очилаётган рус ва рус-тузем мактабларидан ташвишланиб, кўйидагиларни ёзади: *“Ҳамма ерда очилаётган мусулмон мактаблари (Рус-тузем мактаблари кўзда тутилмоқда-У.Д.) нима ўзи? Маънилик ишми ёки беҳуда ишми? Хўжақўрсингами ёки жиддий нарсами? Бишлиши истардим. Биринчиси тўғри бўлса керак, деган хавотирдаман. Агар мактаблар олдиндан кўзланган мақсадсиз, оқибат нимага олиб келишини ўйламасдан очилаётган бўлса, уларни очмаслик маъқул. Кейин бориб пушаймон бўлиб қолмайлик”*.

Рус босқинчиларининг бу фаолияти XIX асрдаёқ рус сиёсатдонлари томонидан режалаштирилган эди. Бу ҳақда Русия маориф вазири Д.А.Толстойнинг 1870 йилда ёзган сўзларига эътибор беринг: *«Бизнинг ватанимизда яшовчи барча бегона (рус бўлмаган) халқларнинг маълумотли бўлишининг охириги мақсади, шубҳасиз, уларни рус халқи билан бирлаштиришдан иборат бўлиши керак»*.

Мана шундай ўта оғир шароитда ўзбек мутафаккирлари рус-тузем мактабларини ўз мақсадларига бўйсундиришга ҳаракат қилдилар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Саидрасул Саидазизов XIX асрнинг 80-90 йилларида етишиб чиққан, муаллимлик қилган, ўзбек педагогикаси тарихида усули савтия методига асосланган “Устоиди аввал” номли биринчи барқарор алифбо дарслигини яратган, ўзбек педагоглари орасида ўқув-тарбия соҳасида дастлабки ислохот ўтказа олган методист олим ҳамдир. Унинг “Устоиди аввал” алифбо дарслиги таъсирида XX асрнинг биринчи чорагида товуш методига асосланган жаҳид мактаблари учун ўнлаб алифбо дарсликлари яратилгани маълум.

**Улуғбек ДОЛИМОВ,**  
**ЎЗМУ доценти,**  
**филология фанлари номзоди**





# СЎЗ МЎЪЖИЗАСИНИ АНГЛАШ ЙЎЛИДА

## Герменевтика — бадий асарни тушуниш ва тушунтириш асоси

Олимларимиз **“талқин”** сўзини ўз илмий фаолиятлари жараёнида кўп қўллайдилар. Табиий фан соҳасида ҳам, гуманитар-ижтимоий фанлар соҳасида ҳам бу сўз ўз спецификациясига мос равишда кўп ишлатилади.

Гарчи **“талқин”** атамаси ўзбек тилидаги фалсафа, эстетика ва адабиётшуносликка оид лугат китобларидан махсус илмий истилоҳ сифатида ўрин олмаган бўлса-да, умуман **“интерпретация”** атамаси ёки русча **“толкование”** сўзининг муқобили ўлароқ тушунилади. **“Талқин”** сўзи герменевтика (матн талқини назарияси) таълимотида ислоҳий мазмун касб этади. Зотан, герменевтика ғарбда икки хил: 1. матн талқини назарияси ва амалиёти; 2. замонавий фалсафадаги оқимлардан бири маъносида изоҳланади.

Адабий талқин назарияси, бадий матнни тушуниш ва тушунтириш методологияси сифатида адабиётшунослик соҳасида хусусийлашганда герменевтика ўз фалсафий-назарий имкониятлар кенглигини намоён қилади. Бироқ бу таълимот шаклланиш жараёнини кечираётганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим.

Чунончи, немис олимлари герменевтикани айни фалсафий тушунчанинг тараққиёт босқичларидан келиб чиққан ҳолда ўз моҳиятига мувофиқ қўллайди. Бошқалар эса, масалан ҳатто англиялик, америкалик олимларнинг аксарияти герменевтикани оддий **“интерпретация”** маъносида ишлатади.

Ижодкор қалами остидан чиққан ҳақиқий санъат намунаси — мўъжизакор бадий асар — матндир. Матн йўқ жойда тушуниш ва тушунтириш, талқин ва таҳлил хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Матн объектив оламнинг субъектив инъикоси, тушунчалар ифодасидир. Бадий асар матни — талқин объекти. Адабиётшунос ва мунаққид шу мана бани талқин этади. Ҳар қандай бадий асар ўз субъекти (ёзувчиси, ижодкори)га эга бўлганидек, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг ҳам ўз субъекти (ёзувчиси-тадқиқотчиси) бўлади. Демак, иккиламчи бир объект юзага келади. Қолаверса, ижтимоий фан соҳасининг энг муҳим хусусияти ҳам шу — яъни ғоялар ҳақида ғоялар, сўзлар ҳақида сўзлар, матнлар тўғрисида матнлар ёзилади. Танқидлар танқид

этилади, талқинлар талқин қилинади.

Бадий асар матнини тўғри, ўз ҳолича, ҳеч қандай мафкуравий-сиёсий таъсирларга берилмасдан тушуниб олиш натижасида, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар тўғри ва ўз ҳолича илмий тилга кўчади.

Тушуниш бир томондан матн моҳиятини, иккинчи томондан талқин этувчининг маънавий дунёси ва билимини кўрсатади. Тушуниш икки қирралидир. М.М. Бахтин ибораси билан айтганда, **“диалогично”**, унда иккита онг, икки субъект иштирок этади. Тушунтиришда эса бир онг, бир субъект ўзини намоён қилади.

**“Тушуниш”, “тушунтириш”, “тушунишдан олдинги ҳолат”** герменевтиканинг энг муҳим ислоҳлари ҳисобланади. Тушуниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин — тушуниш ва тушунтириш жараёни.

Гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг қайсидир принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, таққослаш, ҳукм ва хулоса чиқариш усулларининг қайсидир жиҳати герменевтикага дахлдорлигини ҳаёлига ҳам келтирмайдилар.

Чунки биз яқингача диалектик материализм фалсафасидаги гносеология — билиш назариясини чуқур ўрганганимиз ҳолда герменевтика — матн талқини таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аскар ҳолатларда беҳабар қолдик. Шу сабаб ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида бу атама онда-сондагина учрайди.

Ўзбек илм-фанида, адабиётшунослигида герменевтиканинг тутган ўрни ва ишланиш доираси, албатта, қониқарли эмас. Жаҳон адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бадий асар матнини тушуниш-тушунтиришда, талқин қилишда муайян принципларга амал этади. Герменевтика асосида иш кўрилганда матн моҳияти сохталаштирилиб, қандайдир ўткинчи мафкуравий манфаатларга қурбон қилинмайди. Бадий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарашига мос билими ва ҳаётий ажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асарда йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўрин-



да бутун диққат-эътибор муаллиф шахсиятига ёки асар яратилган тарихий шарт-шароитга ёхуд муайян қахрамон дунёсига қаратилади.

Умуман, бу адабий-назарий таълимотининг қатор афзалликлари борлиги шубҳасиздир.

Герменевтиканинг жаҳон фалсафаси, эстетика ва адабиётшунослигидаги ўрни ҳамда таъсир доираси жуда кенг. Унинг батафсил тавсифи фалсафий тадқиқот учун махсус мавзу бўлади. Зотан, бадиий матн объект бўлса, уни нафақат адабиётшунос, балки, оддий китобхон ёки қандайдир ижодкор-санъаткор ўзича, муаллифнинг ўзи ёки унинг энг яқин кишиси (умр йўлдоши, фарзанди, котиби) ўзича талқин қилиши мумкин. Муаллиф ноҳақ танқидларга жавобан асарини химоя қилиб, ўз бадиий-эстетик ғоясини, образлари моҳиятини ёки маълум бир баҳсли эпизодларни изоҳлаши мумкин (Масалан: Абдулла Қодирий ва Сотти Ҳусайн баҳслари). Ижодкорларга ҳамроҳ шахсларнинг талқинлари (Масалан: Эккерман “Гёте билан суҳбатлар”, Ҳ.Қодирийнинг “Отам ҳақида”, З.Саидносиловнинг “Ойбегим менинг” ва ҳ.к.) чуқур илмийлик ва назарий умумлашмалардан кўра кўпроқ хотиралар, оилавий-маиший фактларга асосланган бўлади.

Фикримизча, бугун ўзбек адабиётшунослигида жаҳон илм-фанидаги энг илғор назарий-фалсафий мезонлардан истифода этиб, ғарб ва шарқ адабиётшунослигини синтезлаштириб, ўзига хос фундаментал йўлга чиқиши учун имконият пайдо бўлди. Чунончи XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида маълум бир ёзувчининг шахсий ҳаёти, дунёқараши ва тушунчалари, аниқ бир асари ва унинг қахрамонлари турлича талқин қилинди. Бу хилма-хил муносабатлардаги талқин ва таҳлиллар аксар ҳолатларда жамият ҳаётидаги сиёсий ўзгаришлар билан ҳамоҳанг келди. Мабодо муайян ёзувчининг аниқ бир асари устидаги тадқиқотлар ўткинчи сиёсий мақсадларга йўналтирилмаган, тоза илмий моҳиятли бўлса, албатта, улар адабиётшунослик ва адабий танқидчилигимиз тарихидаги қийматдор асарлар қаторидан ўрин олади.

Ўтган юз йилликда шундай чуқур илмий талқинлар мавжуд бўлганидек, афсуски, бирёклама ғайриилмий, вульгарлашган ва субъективлашган “илмий мақолалар” ҳам майдонга келди. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Фитрат ва бошқа машҳур ижодкорларнинг ҳаёти, дунёқараши, асарлари ва қахрамонлари хусусида ёзилган илмий асарларда ўша ҳолат кўзга ташланади.

Хуллас, адабиётшунослик яқин ўтмишда методологик жиҳатдан марксизм-ленинизмга таянган бўлиб, ўша ижтимоий-сиёсий ғоя таназзули билан методология ҳам тарихга айланди. Демак, адабиётшунослик методологик жиҳатдан янгилиниши лозим.

Дунё адабиётшунослигининг диққат марказида турган герменевтика таълимотининг илғор тажрибаларидан назарий-методологик асос сифатида фойдаланиш мумкин

**Баҳордир КАРИМОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

### ТУЙГУЛАР ТАСВИРИ

Бир жиҳатдан ҳозирги замон бошловчи шоирига қийин. Чунки, кейинги ўттиз-қирқ йиллар миёнасида миллий назмда маъни ва мазмун борасида кўп ўзгаришлар бўлди: бармоқ вазнининг янги имкониятлари очилди, ғарб, япон адабиёти таъсирида ноанъанавий оқимлар юзага кели. Хулласи калом, назмнинг “усул” сандиғи ва “бармоқ теккизилмаган” ташбеҳлари қолмади ҳисоб. Шундай замонда ўзгачароқ сўз айтмоқ мушкулдир.

Ҳозирги давр бошловчи шоирига бир жиҳатдан осон. У ўрганишга, таъсирланишга, хулоса ясамоққа қийналмайди. Ва ўз тажрибаларини шу аснода ишончли ўтказилади. Биз XXI аср авлоди деганда шундай қисмат эгаларини тушунамиз. Эътиборингизга шеърлари ҳавола этилаётган шоира шу авлод вакилларида бири: Мусаллам баёнга эмас, даставвал туйғулар тасвирига диққат қилади. Унинг шеърлятида воқеабандлик билан тасвир уйғунлашади: чиройли фикрлаб, мухтасар шаклда ёзади, баландпарвозликни, “ялтир-юлтир”ни хуш кўрмайди. Унинг наздида, чумоли ва девнинг “руҳий жуссаси” бир хил. Яъни ишқига яраша...

Шеърдан завқу шуқуқ олиш, бирор маъни уқиш имкониятини муштарийга қолдирган ҳолда Мусалламга машаққатли йўлда омад тилаймиз.

*Баҳром Рўзимухаммад*

\*\*\*

Чумоли у ёқдан бу ёққа юрар,  
Оёғи дунёнинг кўзларин очар:  
Эй, дунё! Бағринг кенг,  
Кўкрагинг баланд.  
Ногорангда ўйнар  
Бу она замин.  
Лек сенга ачинаман,  
Гарчи бир заррангга  
Келмасам-да тенг.  
Оқни-оқ кўраман  
Қорани-қора!



Совуқ хона...  
Жунжикади ҳатто Қородам,  
Деворлари етмиш қават муз.  
Тишида бардошни  
тишлаб яшайди,  
Юрак шаклидаги  
икки ҳиссиз Тош.

### ЎТТИЗ БИР НИГОҲДА

Ўттиз йил мунғайиб қолар ортимдан,  
Дунёни яқинроқ уқийман бироқ.  
Умримни энг тоза япроқларида,  
Ҳайқириб ётади минг битта сўроқ.



Мусаллам БОНУ

# КЎКСИМДА ОЧИЛИБ БОРАДИ РАНГЛАР

Ўттиз йил соғиниб қолар ортимдан,  
Ўттиз бир нигоҳда оқарар тонглар.  
Кун сайин кичрайиб боради жуссам,  
Кўксимда очилиб боради Ранглар

\* \* \*

Фурсат оёғимдан тортқилай бошлар,  
Бахтнинг йўлларида типирчилар жон:  
Бойўғли ин қурган кўҳна оғочга,  
Сигинган қумурсқа кўтарар исён.

Нураган деворлар, кесилган боғлар,  
Тириклик ҳақида туш қўрар Ўлим.  
Юлдузлар ўшадир, кеча ўшадир,  
Тонгнинг ҳижронида оқарар Кўнглим!


\* \* \*

Жисмпарасти хонада  
юррак куйди  
Куйди юрак.  
Мотамсаро тун қўйнида  
Ҳилол куйди  
Куйди Ҳилол!

\* \* \*

Дунёлар кафтимга  
Япроқдек қўнар,  
Доғларим ювғали  
Абрлар энар,  
Телба Ишқ жомида  
Бир Исм унар,  
Мен сизга қайтаман,  
Қайтаман, Жоним!  
Бизни деб йиғлаган  
Оқарган Тонглар,  
Юракни тиглаган  
Саросар онлар,  
Самодил руҳимда  
Чирсиллаб ёнар,  
Мен сизга қайтаман,  
Қайтаман, Жоним!

Дунёлар кафтимга  
Япроқдек қўнар,  
Телба Ишқ жомида  
Бир Исм унар...



\* \* \*

Узун манзил...  
Кетяпман,  
Кафтимга чизилган  
йўлдан.  
Оёғимга чирмашган  
зарпечакларга  
Тоза эпкинларим  
Бой бериб қўлдан.  
Кетяпман...  
Барига қўл силтаб,  
дадил,  
Осмонга елкадош,  
Мард Қояларга.  
Қўлларим Қояга  
Етди деганда,  
Қанотим остида  
ўрмалар илон.

\* \* \*

Нега?  
Тилсиз яшашим керак,  
Руҳ бўғилса, чиркин бу уйда.  
Нега тилим тишлашим керак?!  
Юрагимни итлар ғажиса.

\* \* \*

Дунё хулқумидан тинглайман бир Сас,  
Минг йиллик дунёнинг эски қўшиғи,  
Қўшиқнинг мунгига жўр бўлганича,  
Ғижимлай бошлайди Кўк юрагини.

\* \* \*

Кўкнинг қўйлагини юзимга ёпдим,  
Сен абадий меники бўлмоғинг учун.



# ХАЛҚНИ УЙҒОТГУВЧИ ШЕЪРИЯТ

(Омон МАТЖОН шеъриятига бир назар)

Йигирманчи асрнинг биринчи чорагига келиб Туркистон халқлари ижтимоий-сиёсий ҳаётида Европа мамлакатлари таъсирида бирмунча янгилинишлар сезила бошладики, бу албатта, жамият турмушининг узвий бўлаги саналмиш адабиётга ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Хусусан, шеърият модернизация жараёнини бошдан кечирди. Бу чоғда новаторлик тарафдори Абдулҳамид Чўлпонни эсламасдан иложимиз йўқ. У анъанавий назмдаги бир хиллик жиҳатларини танқид қилиб чиқди. У шарқ анъаналари ҳамда ғарб янги шеърияти синтезидан пайдо бўладиган янгича йўналиш таклиф этди. Унинг назарида ўзбек шеърияти замонавий турк шеъриятидан андоза олмоғи жоиз эди. А.Чўлпоннинг Тавфиқ Фикрат услубидан кўп таъсирларинини айтиш кунда ғарб адабиётшунослари таъкидламоқдалар. Ҳақиқатан ҳам Чўлпон турк тилини пухта билар ва турк шоирлари асарларини аслиятда ўқир эди. Бундан ташқари у русчани ҳам билган. Пушкин, Александр Блок асарларини чуқур ўрганган. В.Шекспир асарларига маҳлиё бўлганлигини биламиз. Шу аснода у шеъриятни шакл жиҳатдан бирмунча ўзгартирди.

Ўша вақтлардаги яна бир иқтидорли шоир Усмон Носир рус шеърияти ошуфтасига айланди. Уни бежиз “Шарқ Лермонтови” дея атамаган эдилар. Ўша икки шоирнинг кучли таъсири остида араб, форс шеъриятдан асрлардан-асрларга мерос сифатида ўтиб, такомиллашиб бораётган аруз вазни ўрнини бармоқ вазни эгаллади. Бу адабиёт оламида бемисл ҳодиса ўз навбатида эстетик қарашлардаги кескин ўзгариш эди.

Шеърият шу вақтларда шакл жиҳатидангина янгиланмади. Балки мазмунан ҳам ўзгарди. Дейлик, мумтоз шеъриятда “ҳақ”, “Ёр” каби тушунчалар устуворлик касб этган бўлса, XX асрнинг 30 йилларидан бошлаб назм сиёсий тус касб этди. “Халқ” тушунчасига кўп урғу берилди. Чўлпон “халқ денгиздир” деди. Бу билан у хурриятга ишора қилди. Худди шу замондан бошлаб шоирлар халқни турли-туман йўллар воситасида уйғотмоқда жаҳд этдилар. Аммо, ўтган асрнинг 37-йилдан токи 1956-йилгача чўзилган қатағон инерцияси вақтинча бу усулни чеккага суриб ташлади.

Ўтган асрнинг олтинчи йилларига келиб вазият бирмунча мўътадиллашди. Етмишчи йилларда эса Россия шеъриятида Евгений Евтушенко, Андрей Возне-

неский, Роберт Рождественский овозлари сарбаланд бўлди. Худди шунингдек, русийзабон қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон туркий назмда инқилоб ясаб юборди. Улар озодлик жарчилари эдилар. Назм саҳнасидаги бу овоз танҳо қолмади, қўшни юртларда ҳам акс-садо берди. Худди шу маънода Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон каби пешқадам шоирлар ўзбек шеъриятини баланд мақомга олиб чиқишидаги сабабни тушунмоқ мумкин. Бу миллий назмнинг ичкарасидан эмас, балки ташқаридан бошланди. Кейинчалик, юқорида номлари зик этилган рус шоиларининг шеърлари ўзбекчалаштирилгани сўзимизнинг тасдиғидир.

Демак, ўзбек шеъриятидаги ўтган асрнинг етмишчи йилларидаги ўзгаришлар ўзининг туб илдизларига эга ва бир жиҳатдан бу янгилинишлар ўша Чўлпон, Носир саъй-ҳаракатининг бевосита давомидир.

Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси миллатни уйғотиш йўлидаги илк ҳаракат бўлди. А.Орипов “Ўзбекистон ватаним маним” дея ҳайқираркан, кўпчилик янги замон бошланганини илғади. О.Матжон эса шу икки пешқадам шоирга эргашди.

О.Матжоннинг илк китоби 1970 йилда ёруғлик юзини кўрди. Ўн йил мобайнида эса у адабиётнинг пешқадам вакилига айланиб улгурди. Бунга боис ижтимоий-сиёсий вазиятнинг етилиб бораётгани эди. Бу авлод шеърият деганда воқеликка муносабатни тушунди ва ижод тамойили шу асосда шаклланди.

**“Шеърим — менинг муносабатимдир. Шу муносабатнинг ўзи фақат менинг шахсий бисотимнигина эмас, кимларнинг манфаатлари учун қандай ҳукм чиқараётганимни ҳам аниқ намоён қилади. Манфаат деган сўзга алоҳида урғу беришнинг ҳождати йўқ бу ерда. Чунки манфаат деганда шу аснода ё ўзимнинг ёки ёнимдаги кишининг аҳвол руҳиятини назарда тутмоқдаман. Чунки кўмак, эзгулик “хув фалон томонда!” деб йўл кўрсатиб қоладиган диспетчер эмас. Аслида ўша сифатларнинг мужассамидир”**, деб ёзган эди Омон Матжон 1981 йили.

Алалхусус, шу тариқа шеъриятга соф санъат нуқтаи назаридан ёндашилмади, балки, воқеликка муносабат миллат манфаати учун кураш деб тушунилди ва табиийки, назм бадиий мақоланавислик билан уйғунлашиб, қоришиб кетди. Ноаънавий усул эса бу назм ибтидосида “абстракт” дея баҳоланди.



Ўзбек халқи чор Россияси истилосидан сўнг зулм остида эзилди. Большевиклар замонида эса ниқоб ўзгартирилди, холос. Шоирлар ана шу воқеликни тўғри тушундилар. Шу аснода халқ уйғонса, оёққа турса зулм чекинади, хуррият рўй беради, деб ўйладилар. Бинобарин, “халқ” тушунчаси асосий эътиборда бўлди. Гоҳо халқ ўтмиши улуғланди “Навоийдек бобом бор”, гоҳо халқ ожизлигидан куйиниш сезилди.

“Қачон халқ бўласан, эй сен оломон?”. Шоирларнинг наздида фақат ва фақат халқ воқеликни ўзгартирувчи куч эди. Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон — учала шоир “халқ” атамасини абстракт тушунчадан реал воқелик мақомига чиқардилар.

Омон Матжон ёзадики:

*Лекин бир халқ мудраб, ётинқираса,  
ҳар кимга ўз тинчи ёқинқираса,  
Шоирлари қўрқиб босинқираса,  
Халқин ким уйғотар,  
Саволим шулдир?!*

Боя айтганимиздек, халққа мурожаат руҳидаги публицистик назм собиқ Иттифоқдош жумҳуриятларнинг деярлик барчасида юз кўрсатди. Қозоғистонда, Қирғизистонда, Грузияда, Украинада, Белоруссияда... Бироқ, Болтиқбўйи республикалари шеърляти сал ўзгачароқ эди. Болтиқбўйи шоирлари замонавий немис, француз шоирларидан усул ўргандилар.

Ўз салафлари қаторида О.Матжон шоирнинг фуқаролик бурчига урғу берди. Шоир халқини миллий уйғотишдан ҳайиқмаслик жоиз, деган ғояни илгари сурди. Яширмаслик лозимки, унинг коммунистларга бағишланган шеърлари ҳам анчагина эди... У тузумни йўқ қилиш эмас, балки Ленин замонидаги каби адолатли тамойилга олиб келмоқ керак деб ўйлади ва худди шу нуқтада қаттиқ янглишди. Негаки, аслида тузумнинг ўзи бир тасодиф эди ва жаъмики нуқсонларга тузум шакли нобоплиги боис эди.

Шундай бўлса-да, Омон Матжон шеърляти миллий адабиётимизда олға силжиш сифатида ардоқлидир. “Менга Ўзбекистон — илҳом париси, унинг қувончлари, унинг дардлари” деб ёзган шоир ҳақиқатан ҳам миллат дарди билан яшади, қалам тебратди ва “Дилимнинг рангини гул билса бўлди, Менинг кимлигимни эл билса бўлди” дея ўз-ўзини овунтирди ҳам.

О. Матжон шеърляти — очиқ шеърлят эмас. Шоир рамз тимсоллар орқали гапиради. Сирларини образларга беркитади. Инчунун, шоир шеърларида “қуёш”, “ёнаётган дарахт”, “нур”, “ёғду” сўзлари кўп учрайдики, шоир озодликни шу образлар воситасида куйлаган эди. Дейлик, “Ёнаётган дарахт” асарини олайлик. Шоир рамзий маънода ватанпарварни ёнаётган дарахтга қиёслайди:

*Дарахтлар ёнмоқда бугун дунёда  
Ёниб, ўзаларни уйғотмоқ не бахт.  
Дўстларимдир барча ёнаётганлар.*

### **Юрагимдир ёнаётган Дарахт.**

Ўша замон пешқадам шоирларининг сеvimли ва ишончли усули табиатдан муқояса олмоқ эди. Яъни инсон феъл-авторига она табиатдан улги қилинади. Табиат деганда дарахтлар, қушлар, мовий осмон, юлдузу қуёш ҳамда қадимий иншоотлар назарда тутилади.

Дейлик, шоир Ичон қалъани томоша қилади, хароба аҳволдаги Дишон қалъани кузатади ва буни яхлит инсон сифатида кўз ўнгига келтиради. Одамзоднинг ташқи қиёфаси қариши, дард-изтиробдан буришиб кетиши мумкин. Аммо, у юрагини соғлом асрамоғи шарт. Шоир шу ҳикматни қаламга олиб хулоса чиқарадики:

*Машхурдир бирининг номи очунда,  
Бири нураб ётар бесамар, бешон...  
Халқининг устивор руҳи-зўр даҳо  
Мангулик топгандир Ичон қалада,  
Уни бузмасин деб минг турли бало  
қалъа қурилгандир Дишон — далада.*

“Ичон” Хоразм шевалари сирасига кириб “ичкари” деган маънони ифодалайди. “Дишон” эса “ташқари” демакдир. Шоир ўша икки тушунчани матнда келтириб, зидлашув усулидан унумли фойдаланади ва хулоса чиқарадики:

*Дейман асл ҳикматни бобонгдан ўрган,  
Асрамоқни ўрган Ичон қалъани.*

Бунақа зидлаштирув, қаршилантириш усулини Э. Воҳидов ҳам (“Гарчи шунча мағрур турса ҳам, пиёлага эгилар чойнак. Шундай экан манманлик нечун, Кибру ҳаво нимага керак?”), А. Орипов ҳам (тилла балиқча ҳақидаги шеърини эслайлик) қўллаб кўрган. Бу учала шоир ижодиёти бир нуқтада кесишади: бу нуқта халқни уйғоқликка чорлаш билан изоҳланади.

Мухтасар йўсинда айтганда, О.Матжон дунёни халқ ўзгартиради, қабилидаги қатъий фикрда эди. Халқ уйғондими демак, ҳаммаси рисоладагидек бўлади. XX асрнинг 70 йилларида майдонга чиққан “халқ” тушунчаси ўзликни англаш қонуниятига чамбарчас боғланиб кетгани билан қадрлидир.

Охир-оқибат Омон Матжон дунё эврилишларини тўғри тушунади ва қисқа ифодалайди:

*Боқдим жаҳон ишина, маъноси турли-турли,  
Бир бошдаги туфони, ғавғоси турли-турли.  
Бу не мангу бозордир, савдоси турли-турли,  
Ваъдаси бир либосда, вафоси турли-турли.*

Тарихдаги турланишларни тушунгани сайин шоир реал фикрлай бошлайди ва шунинг баробарида аввалги қарашларидан қисман воз кечади. Аммо, барибир, бу шеърлят ўша XX асрнинг 70-йилларидаги зиёлилар кайфиятининг бадий талқини сифатида илм аҳлига қадрлидир.

**Ўғилжон ПАНАЕВА,  
Урганч давлат университети.**


Ашурали БОЙМУРОДОВ

# МЕХРДАН

## ЁПИНЧИҚ ТУНЛАРИМ

СОҒИНЧ

Онам Ўғлол Қўшназар қизи хотирасига



Тикондек санчади айрилиқ,  
Лаҳзалар тўхтамас қайрилиб.

Мен нечун айрилиқ ҳақида  
Сизга сўз айтмадим яқинда?..

Соғинчга айланган борлигим,  
Қўнглимда меҳрга зорлигим...

Дардимга бир таскин излайман,  
Болалик дамларин эслайман.

Сиз ила ўтган ҳар кунларим,  
Меҳрдан ёпинчиқ тунларим

Хаёлдан нур янглиғ кетмайди,  
Минг қўлим чўзсам-да етмайди.

Оҳ, нечун аввалроқ сезмадим,  
Фарзандлик қарзимни узмадим?..

Ўзимни оқлашга чора йўқ,  
Менингдек бағри минг пора йўқ.

Ҳамиша равон деб йўлимни,  
Билмасдим бешафқат ўлимни...

Рост букун дунёнинг сўзлари,  
Фақат кеч очилгай кўзлари.

Фироқда дард чеккан ноламен,  
Онасин йўқотган боламен...

Кўксимга осмонлар қулаган,  
Юлдузлар мен каби йиғлаган.

Кўнгил ҳам меҳрдан яралгай,  
Унданда қатра нур таралгай.

Йўқотган қуёшим қайтмасму,  
Болам деб бир сўзни айтмасму?..

Шеърларга кўчириб онгимни,  
Хотира уйғотар тонгимни.



Рухингиз дилимда ёнадир,  
Мен учун энг азиз Онадир !

Тонглари уйғотар ёдингиз,  
Бу шеърни асли сиз ёздингиз.

### ЖИСМИМДА ЖОН ҚИЧҚИРАР

Висолга чанқоқ дилим, -ишқингизда ёнаман,  
Тун пардасин йиртгани гўёки тонг қичқирар.  
Тушимда севиб сизни тушимда қувонаман,  
Саҳар кўзим очсаму жисмимда жон қичқирар.  
Дунё менинг танимга санчилган бир ниш бўлди,  
Фақат тушда севилмоқ бу қандайин иш бўлди,  
Дунё тамом тескари - ёз чиласи киш бўлди,  
Сарғайтириб юзларим фасли хазон қичқирар.  
Минг ўлиб, минг тирилмоқ ошиқларга одатдир,  
Аллоҳга илтижолар ёлғиз бир ибодатдир,  
Айрилиқ ҳам баъзида хузурбахш, саодатдир,  
Яшашга қайт дегувчи янги замон қичқирар.  
Саҳар кўзим очсаму жисмимда жон қичқирар

### МУҲАББАТИНГ ЁЛҒОН БЎЛДИ

Сенсиз, малак, танда жоним фиғон бўлди,  
Ваъдаларга вафоларинг гумон бўлди.  
Ой ёғдусин йўқотгандек тунлар хира,  
Ётганларим пар тўшакмас, тикон бўлди.

Кўнглим сендин айри тушиб ором билмас,  
Нечун ёрим муҳаббатинг ёлғон бўлди?  
Бу ҳолимни ҳеч кимсага айтиб бўлмас,  
Ич-ичимда дардим мангу забон бўлди.

Ҳижронингда куйган ғариб бу юракка  
Олам гўё ёғдуси йўқ осмон бўлди.  
Бедор ўтган кечаларим сенсиз бўзлар,  
Дил ситами букун мингта дoston бўлди.

Келарму деб йўллариингга термуламан,  
Нечун биздин олис кетмоқ осон бўлди.  
Ашур қалбин асир этган нозли дилдор,  
Муҳаббатинг ёлғон бўлди, ёмон бўлди.



Ашурали Боймуродов 1957 йилда Бекобод туманида туғилган. 1979 йили Жиззах Давлат педагогика олийгоҳини тамомлаган. "Дил сўзлари", "Табиат сеҳри", "Садоқат" номли шеърый тўпламлар муаллифи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Ҳозирда Бекобод шаҳар газетасида ишлайди.



ЭЛИМ ДЕБ, ЮРТИМ ДЕБ ЁНИБ ЯШАШ КЕРАК!



МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси,  
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати

**Жамоатчилик кенгаши раиси:**

Абдулла ОРИПОВ

**Жамоатчилик кенгаши:**

Алланазар АБДИЕВ  
Абулқосим МАМАРАСУЛОВ  
Аҳмад ОТАБОЕВ  
Йўлдош СУЛАЙМОН  
Аҳмад УСМОНОВ  
Фармон ХУДОЙБЕРДИЕВ  
Ботир УБАЙДУЛЛАЕВ  
Сирождиддин САЙИД

**Бош муҳаррир**

Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ

**Масъул котиб**

Акбарали МАМАСОЛИЕВ

**Таҳрир ҳайъати:**

Одил ЁҚУБОВ  
Собир ЎНАР  
Ҳожиакбар ШАЙХОВ  
Абдусайд КҮЧИМОВ  
Абдул Фани ЖУМАЕВ  
Вафо ФАЙЗУЛЛО  
Йўлдош ЭШБЕК  
Ғаффор ҲОТАМОВ  
Луқмон БҮРИХОН

Ёшларнинг адабий-ижтимоий журнали 1982 йилдан чиқа бошлаган.

© "Ёшлик" № 2 (184) 2002 й.

Ушбу сон "Ёшлик" журнали таҳририятининг компьютер марказида саҳифаланди.

Саҳифаловчи: Саодат ТҮЛАГАНОВА

**МУҚОВАМИЗДА:**

1-бет:

Ўзбекистон фахри

Мўхаммадқодир АБДУЛЛАЕВ.

3-бет:

Мунаққид, адиб, таржимон

Иброҳим ҒОҒУРОВ.

4-бет:

Истеъдодли ёш хонанда

Муродбек ҚИЛИЧЕВ

А. Жумаев фотолари.

**МУНДАРИЖА**

**НАСР**

Исмоил ШОМУРОДОВ.

Икки изқувар. Қисса. .... 7

Илҳом АҲМЕДОВ.

Ташландиқ. Ҳикоя. .... 24

**НАЗМ**

Гўзал БЕГИМ.

Мен севмоқ истайман денгиз товушида... .... 4

Вафо ФАЙЗУЛЛО.

Жон йўлини яширган армон. .... 23

НУРИЛЛОҲ.

Мангулик энг улуғ шиддат-ку, ё раб... .... 31

Нурали МИСИР.

Айт... .... 34

Икром ОТАМУРОД.

Анинг умиди. Достон. .... 35

Мусаллам БОНУ.

Кўксимда очилиб боради ранглар. .... 43

Ашурали БОЙМУРОДОВ.

Меҳрдан ёпинчиқ тунларим. .... 47

**ТАРИХНИНГ ҲИЛМАГАН САҲИФАЛАРИ**

Улуғбек ДОЛИМОВ.

Нимани кутдилар неларни кўзлаб... .... 39

**МУНОСАБАТ**

Шавкат ҲАСАНОВ.

Бугунги дoston тамойиллари. .... 33

**АДАБИЙ ТАНҚИЛ**

Зулфия ПАРДАЕВА.

Ёшлар насрида бадиий меъёр. .... 1

**БИРИНЧИ УЧРАШУВ**

Шоҳида МИРЗАЕВА.

Яшамоқ аслида фидолик... .... 30

**ТАЛҚИН**

Баҳодир КАРИМОВ.

Сўз мўъжизасини англаш йўлида. .... 42

**ТАҲЛИЛ**

Ўғилжон ПАНАЕВА.

Халқни уйғотувчи шеърият. .... 45

Манзилимиз: 700000, Тошкент, Жавоҳарлаъл-Неру, 1-уй,  
Телефон: 133-40-83  
Босишга 20. 03. 2002 йилда рухсат берилди.  
Қоғоз формати 60x84 1/8. Нашриёт ҳисоб тобоғи 6,0.  
Индекс 822 ISSN 0207-9137 Буюртма № 25

Журналдан кўчириб босилганда "Ёшлик"дан олинди деб изоҳланиши шарт.  
А. Навоий номидаги кутубхона босмаҳонасида чоп этилди, Х. Сулаймонова № 33 уй.